



БАХТЛИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ

ҲАМИД ЗИЁЕВ

БАХТЛИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

(Ибратли ҳикоялар)

Қомуслар Бош таҳририяти
Тошкент

Ушбу рисола муаллифи кекса тарихчи-олим – тарих фанлари доктори, профессордир. У ҳаётий тажрибалари асосида тўплаган, ҳозирги ёшларга айтмоқчи бўлган ибратли гапларини қадимги Шарқ ҳикоялари услубида баён этган.

Рисолада олий инсоний фазилатлар: адолатпарвар, ватанпарвар, жасоратли, олижаноб ва сахийлик эгаси бўлиш учун киши қандай йўл тутса маъқул бўлиши, аини вақтда мавжуд салбий сифатлар: ҳасадгўйлик, қўрқоқлик, жоҳиллик ва зиқналик каби иллатларнинг инсон учун нақадар фожиали оқибатларга эга эканлиги ҳаётий ҳикоялар мисолида кўрсатилади. Ундан мактабларда одобнома дарсларида қўшимча адабиёт сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Муҳаррир — РАҲИМА ШОМАНСУР қизи,

3 – $\frac{4702800100}{358 - 95}$

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ СОҒЛОМ ВА АҚЛЛИ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

Подшоҳларнинг бири ғалати дардга учрабди, табиблар кўп уриниб тузата олмагач, сарой амалдорлари подшоҳга етти иқлимдан машҳур табибларни чорлаб, дардига чора излашибди. Бироқ фойдаси бўлмабди. Шундай кунларнинг бирида шаҳарга бир табиб келиб қолибди. Уни саройга таклиф қилишиб, подшоҳга хабар беришибди.

– Яхши, мен розиман, – дебди подшоҳ, – майли у ҳам уриниб кўрсин.

Подшоҳ ҳузурига келтирилган табиб подшоҳни узоқ ва синчиклаб кўрибди ва ниҳоят дебди:

– Подшоҳим, сизнинг касалингиз кўзингизда бўлса керак.

– Бекор айтибсан, – дебди подшоҳ – кўзим жуда яхши кўради, ундан шикоятим йўқ. Билсанг, менинг дардим ичимда, дилим ҳамиша қоронғу, ҳеч нарса ёқмайди, диққатим ошади, уйқумда ҳаловат йўқ.

– Ҳамма гапингиз тўғри, подшоҳим, лекин шу дардларингизни даволашни кўздан бошлаш лозимдир, – дебди босиқлик билан табиб.

– Менинг кўзларим соппа-соғ, – дебди дарғазаб подшоҳ.

– Бўлмаса, менга ижозат, подшоҳим, мен кетай.

Подшоҳ бир оз ўйланиб турибди-да, майли, табиб айтгандек бўла қолсин, тузалсам бўлди-да, деган қарорга келибди.

– Тузалишингизга ишончим комил, – дебди табиб, унинг ҳаёлидан ўтганини билгандек. – Аммо бунинг учун ҳамма сўзларимга риоя қилишингиз керак.

– Хўп, розиман, – дебди подшоҳ.

Табиб изнига кўра подшоҳ бир гуруҳ яқин кишилари билан сафарга чиқибди. Узоқ йўл юриб, тунда бир водийга етиб келибди. Бу ерда подшоҳ шу даражада қаттиқ ухлабдики, уни иккинчи кун эрта тонгда аранг уйғотишибди. Ўрнидан туриб атрофга қараган подшоҳ, тоғ бағрида суви қуёш нурида жило бериб оқаётган азим

дарёни кўрибди. Атроф кўм-кўк майсазор эмиш. Чиройи кўзни қамаштирадиган турфа гуллар очилиб ётган эмиш. Подшоҳ тушимми ёки ўнгимми бу жойлар ҳам менинг сўраб турган юртимми деб, атрофга лол боқибди, ўрнидан туриб, болалардек у ёқдан бу ёққа чопиб, қаддини ростлаб, кўкрагини тўлдириб нафас олибди. Нафас чиқаришда ҳар гал оғзидан қандайдир нохуш ҳаво отилиб чиққандек бўлибди. Танаси енгил тортиб, юрагида шодлик туйғулари уйғона бошлабди. Бир ҳафта деганда подшоҳ анча соғайиб, кула бошлабди. Ўзида рўй бераётган бундай ўзгаришдан ўзи ҳам ҳайрон бўлган подшоҳ табибдан сўрабди:

– Дори-дармонсиз қандай қилиб мени тузатдинг, бу ерда қандай сир бор?!

Табиб жавоб қилибди:

– Подшоҳим, бунда ҳеч бир сир йўқ. Мен сизни кўришдан олдин бир неча кун ҳаёт тарзингизни ўргандим. Маълум бўлдики, сиз узоқ вақт давомида тахт учун курашлар, ҳарбий юришлар, юзлаб кишиларни қатл этиш ёки дарра билан уришнинг тепасида тургансиз. Сиз хавотирлик ва эҳтиётлик юзасидан кўпинча саройдан чиқмай яшагансиз. Бундай муҳит узоқ давом этса, кишининг дили хиралашиб, жиғи-бийрон бўлади, салга чирсиллайдиган бўлиб қолади. Сурункасига бундай турмуш тарзини кўраверган кўзларингиз тез толиқадиган бўлиб қолган. Вужудингиз роҳатланиш ва завқланишни унута борган. Одатда табиблар бундай кўзларни, гарчанд улар кўрсаларда касалманд деб ҳисоблайдилар. Шу боис мен сизга касалингиз кўзларингизда деб айтган эдим. Бундай касалга муолажани саёҳатга чиқишдан бошлаш ўта фойдалидир. Бунинг тўғрилигига мана ўзингиз мисолингизда яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Табиатнинг турфа манзаралари, хусусан, дарёлар, тоғлар, оқ чўққилар, бепоён водийдаги ранго-ранг гуллар, кўм-кўк майсалар, чинорлару, қайрағочлар... Буларнинг ҳаммаси кўзни озиқлантиради ва қувонтиради. Бу эса, ўз навбатида, дилни равшанлаштиради, атрофдаги шодликни кўра билишни таъминлайди. Киши ўзида ишонч ва умид ҳис қилади.

Эшитиш аъзоси қулоқ ҳам, подшоҳим, кўзга ўхшаб бир хилликдан чарчайди. Айниқса, ёқимсиз шовқин-сурон ва дағал сўзлар сурункасига эшитилаверса, кайфият бузилади. Бунинг ҳам олдини олиш чоралари бор. Киши онда-сонда бўлган тўй-зиёфатлардагина эмас, балки тез-тез ёқимли куй ва ашулаларни, булбул хонишини, қушларнинг сайрашини, дарё ва сой сувлари овозини, шамолда терак баргларининг шивирлашини тинглаб туриши керак.

Булар кишини завқлантиради. Чамаси сиз саройингиздаги қўлаб сайроқи қўшларнинг куйига эътибор бермасдингиз. Подшоҳим, кишилар ҳатто сув ва тўқай атрофидаги қурбақаларнинг овозидан ҳам завқ оладилар. Айрим одамларга отларнинг кишнаши, тунда ит ва бўриларнинг увиллаши ёқади. Донишмандлар суҳбатини тинглашдан, аёлларнинг жозибали ва эркаловчи сўзларидан ҳам кишининг вужуди завқ олади. Одамлар, дилни дил суғоради, деб бежиз айтишмаган, подшоҳим.

Табиб ақл ўргатапти деманг-у, подшоҳим, аммо юрт сўрашдан бўшаган вақтларингиз дўстларингиз, айниқса оила аъзоларингиз билан, подшоҳлигингизни унутган ҳолда ўзингизни эркин тутиб сўзлашсангиз, дардлашсангиз, ҳазил-мутоиба қилсангиз кони фойдадир. Акс ҳолда инсон томирларига илиқлик, билагига куч берувчи самимий ва ширин сўзларни эшитишдан маҳрум бўлиб қоладилар. Бу ҳукуматнинг мураккаб ва серташвиш ишларидан таранглашган ва толиққан асабнинг, ўзингиз кўрганингиздек, оғир касалга чалининишга сабаб бўлади.

Инсон учун бурун орқали олинадиган озиқнинг аҳамияти ҳам бебаҳодир. Вақт-вақти билан киши ҳавони ўзгартириб турмаса ва ёқимли ҳидлардан старли фойдаланмаса катта зарар кўради. Мусаффо ҳаво, гулларнинг, майсаларнинг, ноз-нсъматлар(қовун, ҳандалак, шафтоли, беҳи, олма ва бошқалар) нинг ёқимли ҳидлари кўкрак-нафас йўллари фаолиятини яхшилайти, тозалайти. Бедазор ва яйловларда дам олиш ва ухлашнинг нафи катта. Ҳатто янги ёпилган нон ва мазали паловнинг ҳиди ҳам фойдадан холи эмас.

Яқинда бир кишини муолажа қилдим. У новвойлар оиласида туғилиб, вояга етган экан. Кейин бошқа шаҳарга бориб яшабди. Бироқ маълум вақт ўтиши билан у бош оғриғи дардига чалинибди, олган муложалари кор қилмапти. У ота-онасини соғиниб ўз юртига қайтиб, уйга кирса, дастурхон устига иссиқ нонлар қўйилган экан. У беихтиёр кўзи чақнаб, нонларни тинимсиз ҳидлайверибди. Сўнгра тиниқиб ухлабди. Уйқудан турганда бош оғриғидан ном-нишон қолмаган экан. У мендан бунинг сабабини сўраганида, шундай деб тушунтирдим:

— Сиз кўп йиллар мобайнида новвойчилик қилгансиз. Аъзойи баданингиз ноннинг ёқимли ҳидига ўрганиб қолган. Бу ҳунарни тарк этганингиздан сўнг аъзойи баданингизга қувват бўлиб турган ҳиддан узоқлашгансиз, нон ҳидининг "хумориси" тутиб, бошингиз оғрийдиган бўлиб қолган.

Подшоҳлар ҳаётидан ҳам ҳидга оид бир воқеани айтиб

беришим мумкин. Бир подшоҳнинг ўспирин ўғли сарой новвойхонасига серқатнов бўлиб қолибди. Бунинг сабабини ҳеч ким айтиб беролмабди.

– Ўша жойга борсам кайфиятим яхшиланади, бошқа вақтда ўзимни жуда ланж ҳис қиламан, – дебди ўғли ҳам. Подшоҳ ўғлим дардга чалинибди деб, машҳур табибларга қанча кўрсатмасин, барибир тузалмабди. Воқеадан хабар топган бир донишманд шунда подшоҳга дебди:

– Бир қошиқ қонимдан кечсангиз ўз фикримни маълум қилсам. Менимча, ўғлингизнинг она уруғида новвойчилик билан шуғулланган кишилар бўлган. Бу ҳиддан ҳузур топиш ўғлингизга қондан ўтган бўлса ажаб эмас.

Подшоҳ бу сўзни эшитиб ларзага тушибди, бир ишониб, бир ишонмай довдирабди. Донишманднинг таклифига кўра, у хотинидан қариндош-уруғларида новвойлар бўлганми деб сўрабди.

– Бир қошиқ қонимдан кечиб, гуноҳимни авф этинг, – дебди хотини. Биласизки, кўп йиллардан буён тахтга меросхўрингиз йўқлигидан ташвишда эдингиз. Худо таолонинг хоҳиши билан яна қиз туғдим, олам кўзимга қоронғу бўлиб кўринди. Ҳатто ўлишга рози эдим. Шунда қизимга доялик қилган кампирнинг менга раҳми келиб, ўша куни новвойнинг хотини ўғил туғганлигини ва унга қизимни алмаштиришни таклиф этди. Бошқа иложим бўлмаганидан, аввало тахтнинг авлодимиз қўлида қолишини истаб, бир халтача тилла эвазига, сир тутишни тайинлаб чақалоқларни алмаштирдим. Кўриб турганингиздек, ўша новвойнинг ўғли шахсан сиз шоҳимизнинг тарбиятларида юксак одоб-ахлоқ эгаси бўлиб етишди. Бор гап шу, қилган гуноҳим эвазига ҳар қандай жазони олишга розиман, – деб сўзини тугатибди малика.

Подшоҳ бир зум ҳаёлга чўмиб, сўнг дебди:

– Шунчалик тахту-давлатимизни ўйлаганинг учун сенга раҳмат. энди бўлар иш бўлди, ҳақиқатдан ўғлимиз ҳар жиҳатдан мақтовга сазовор. Худои таоло бу ўғилнинг пешонасига ҳукумдорликни ёзганки, бизнинг хонадонимизда вояга етди. Мен уни ўзимнинг чинакам ўғлим ва меросхўрим деб биламан.

Кўп ўтмай подшоҳ тахтдан воз кечиб, ўғлини мамалакат ҳукмдори деб эълон қилибди. Шундан кейин ҳам бу ҳукмдор ҳумориси тутганда иссиқ нонни ҳидлашни ва унга боқишни тарк этмабди.

– Зерикмаган бўлсангиз ҳиднинг одамга таъсири катталиги ҳақида яна бир мисол айтиб берай, – деб ҳикоясини давом эттирибди табиб. – Ҳузуримга бир аёл

киши укаси билан келиб, боши оғришини ва гангишини билдирди. Укасининг сўзларидан англадимки, аёлнинг эри тўрт-беш ойдан бери савдо ишлари билан бошқа шаҳарга кетган экан. Мен йигитдан эртага поччасининг дўпписини бекитиқча олиб келишини сўрадим. Шу тайинланган куни эрининг дўпписини тескарисини ўгириб, аёлга ҳидлатган заҳотим бирданига ўзгариб, эримнинг ҳиди-ку, деб ҳидлайверди ва тузалганини айтди. Бундай ҳолат ошиқ-мошиқ эр-хотинларда юз беради, албатта.

Ёқимли ҳидлар киши ақлини, хотирасини ва умуман, аъзойи баданини тиниқлаштиради. Сир эмаски, сурунка-сига ишлаш, келишмовчилик, норозилик ва зерикиш, бир хилдаги турмуш тарзи киши аъзоларининг мувозанатини йўқолишига олиб келади.

Бундай ҳолатдан қутулишда кўриш, эшитиш ва ҳид билишдан ташқари таомлардан, ноз-несъматлардан тўғри фойдаланишнинг ҳам аҳамияти каттадир.

Ҳар бир киши сув турларини ва сифатини билиб қўйиши шарт. Талай вақтдан бери бир ерда тўпланиб турган ҳовуз суви билан, сиз бир неча кун мобайнида чўмилаётган қуёш нури остида шарақлаб оқадиган сой сувининг фарқи жуда катта. Сизган бўлсангиз, сой суви баданни таранглаштиради. Унга шўнғиганда кўзни очиб-юмиб, бир неча мартаба чайиш ҳам фойдали. Сувни аъзойи баданнинг талаби доирасида истеъмол қилиш зарур. Бу билан табиий чанқов қондирилади.

Баданда ортиқча сувнинг тўпланиши натижасида одам ботқоқликдаги дарахтга ва ўсимликка ўхшаб бўкиб қолади. Айниқса, совуқ ва салқин фаслларда сувни кўп истеъмол қилиш яхшиликка олиб келмайди.

Ривоят қилишларича, Абу Али ибн Сино овқат вақтида чой ичмас эканлар. Сабабини сўрашганда, чой ичилганда қуюқ овқатнинг ошқозонда сифати бузилишини, сув юзига кўтарилиб, ҳазм бўлиши қийинлашувини, одамни лохас қилишини айтибдилар. Чойни таомдан анча кейин, чанқагандагина ичилгани маъқул, дебдилар.

Табиблар пиридан ўлимга даво борми, деб сўрашганда, доим йўқ деб жавоб берар эканлар. Бироқ, нафсни тийиш, оғиз орқали танага тарқаладиган зарарли моддаларни камайтириш кучини қирқиш ҳисобига одамни соғломлаштириш ва умрини узайтириш мумкин, деб тунунтирар эканлар. Бунга эришмоқ учун таомдан олдин ва кейин иссиқ сув билан ғарғара қилиб оғиз тозаланadi. Уйқудан олдин ҳам оғиз ва томоқни намакоб сув билан тозалаш фойдали. Бу оғиздан келадиган ёмон ҳидни

йўқотади, тишларни мустаҳкамлайди. Чанг-тўзонда зарур-
ратсиз овқат ейилмагани маъқул.

Таом ва ноз-неъматларни истеъмол қилишда маълум тартибга риоя қилиниши лозим. Кўпчилик оилаларда овқат хилларига эътибор берилмайди, сурункасига бир хил овқат истеъмол қилинаверади. Ер юзидаги барча халқлар учун бир хил бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан ўз иқлимимиз, миждозимиз, шароитимизга қараб, турли-туман таом тай-ёрлаб, истеъмол қилишимиз кайфиятимизга таъсир қилади, руҳимизни тетиклаштиради.

Кишининг ёши улғайиб борган сари юракнинг бош ва оёқ томонларга қон ётказиб бериши қийинлашиб боради. Бу ажин тушишига, кўзнинг хиралашишига, хотиранинг пасайишига, сочнинг сийраклашишига, оёқ касалликларига ва бошқа салбий ўзгаришларга олиб келади. Буларни бартараф қилишга жисмоний машқлар, хусусан, оёқни юқорига кўтариб ётиш, сакраш, бир нарсага осилиш, баданни уқалаш, югуриш ва йўрга от миниш сезиларли даражада таъсир қилади. Буларнинг қарийб ҳаммасини бугун ўзингиз кўриб, ҳис қилиб турибсиз, подшоҳим, — дебди табиб. Буларни бир-бирига уйғун олиб борилса, кишининг ҳуснига-ҳусн қўшилади, юзидан нур ёғилади, кўзи чақнайди. Бу тоифа одамлар ўзларига ва атрофдагиларга роҳат ва завқ бахш этадилар. Менинг сизга ёрдамим шуни англатиш бўлди, бу ёғи ўзингизга боғлиқ.

Подшоҳ бутун баҳор ва ёз фасли водийда яшаб, табибнинг тавсияларига бажонидил амал қилиб, ўзини жуда яхши ва ёш ҳис эта бошлабди.

Орадан анча вақт ўтибди, бир куни подшоҳ яна табибни йўқлатибди.

— Кўп табиблар фориг қила олмаган дардларимдан мени халос этдинг. Аммо менинг қалбимда яна бир оғриқ борки, унинг зўрлигидан тунлари ухлолмайман. Ўғлимнинг қилмишларидан юрагимда қолган доғ аримаяпти. Наҳотки, менингдек подшоҳ зотидан ярамас ва оқпадар фарзанд туғилса?

— Ўғлингиз тахтни эгаллаш учун сизни ўлдирмоқчи бўлди. Сиз уни зиндонга ташладингиз. Нафсиламбирни айтганда, бу оғир мусибатнинг сабабчиси ўзингиздир.

— Бундай дейишга қандай журъат этдинг? Қайси ота ёлғиз ўғлини жирканч йўлга бошлайди?

— Масаланинг бошқа томонини назарда тутаётирман, подшоҳим. Келинг, гапни узоқдан бошлай, токи англаб етишингиз осон бўлсин. Маълумки, сабзавотлардан, турли ўсимликлардан ва мевали дарахтлардан яхши ва мўл ҳосил

олиш уруғларнинг сифатига боғлиқ. Шунга ўхшаш инсонда ҳам насл тозаллиги кўп жиҳатдан зурёд қолдираётган киши шаҳватининг ҳолатига бориб тақалади. Киши бирон дардга чалинганида бу хасталик қон ва сийдикда ўз аксини берганидек, одамнинг мижози, маънавий ва моддий ҳолати шаҳватнинг сифатига таъсир этади. Шаҳватнинг сифати кайфият ва шароитга қараб бир-бирига ўхшамаган хусусиятларда шаклланади. Бир ота-онадан туғилган фарзандларнинг ақл-идроки, шакл ва шамойили жиҳатидан турлича бўлганини ўзингиз сўраб турган юрт фуқаролари мисолида кўп кўргансиз. Бир вақтда ва бир хилдаги шаҳват туркумидан юзага келган эгизакларгина ҳар жиҳатдан бир-бирларига жуда ўхшаш бўлади.

– Далилларинг ишонарли, бироқ бунинг менга ва ҳозир сенга айтган ҳасратимга нима алоқаси бор, табиб?

– Жуда алоқаси бор, подшоҳим. Хали айтганимдек, эр-хотин ўртасидаги кўнгилсизликлар, нафрат, қўрқув ва жаҳолат наслнинг айнишига сабаб бўлади. Ўғлингизнинг дунёга келиши пайтларини эсланг. У даврларда сиз амакингиз ва унинг тарафдорларини ўлдириб, тахтни эгалладингиз. Бу қотиллик кайфияти хотинингиз билан қўшилиш пайтида шаҳват орқали бўлғуси фарзандингизга ўтган. Шунинг учун ҳам ўғлингиз сизга ўхшаб қотиллик йўли билан тахтни эгалламоқчи бўлган.

– Бўлмаган гап, табиб! Мени лақиллатаяпсан, чоғи?

– Бир қиморбоз чойхонада улфатлари билан чақчақлашиб ўтирганида қўшниси ҳаяжон билан югуриб келиб, тезроқ уйингизга боринг, ўғлингиз икки кишини пичоқлаб ташлади, деб хабар қилибди. Қиморбоз пинагини бузмай:

– Ўғлимнинг бундай ишни қилиши табиий, негаки, менинг ўзим одам ўлдириб уйимга келган кўним хотиним ўғлимга ҳомиладор бўлган... Шунда мендаги қотиллик кайфияти шаҳват орқали боламизга ўтган, – дебди.

– Бир-икки мисол билан ҳукм-хулоса чиқариш нотўғри, табиб, – дебди подшоҳ.

– Менинг ҳузуримга яқинда бир одам ўғлини олиб келди. Бу бола ориқ, қўрқоқ, тортинчоқ ва кўримсиз эди. У кишидан бола қайси шароитда туғилганлигини сўрадим. Маълум бўлишича, онаси унга ҳомиладорлигида замон жуда нотинч ва хавотирли экан. Шаҳар гоҳ у, гоҳ бу хон қўлига ўтиб, юзлаб кишиларнинг ёстиғи қуриган. Қолаверса, эр-хотин ҳаммаша йўқчиликда яшаган, ўзаро муносабатлари ҳам шу сабабларга кўра анча совуқ тус олган. Бу ҳолат наслга салбий таъсир кўрсатган. Ўша одамнинг беш фарзанди бор, лекин улар феъл-атвори ва

қобилияти жиҳатидан бир-бирига ўхшамайди. Фарзандлари орасида Хурсанджон исмли ўғли жуда қобилиятли ва одобли. Ота-онасига жуда ёқар экан. Унинг айтишича, бу ўғил замон тинчиган вақтларда туғилган. У киши умрида бир марта омади келиб, хотини билан саёҳатга чиқиш имконига эга бўлган экан. Ажойиб жойларни кўришибди, тўй-томоша ва сайлларда бўлишибди. Рухий хотиржамлик, ҳаловат оғир кунлар қийноғини унутишга сабаб бўлибди. Аста-секин эр-хотиннинг бир-бирларига бўлган муҳаббат ва меҳрибончиликлари жўш урибди. Шундай яхши кайфиятда юришганда хотини ҳомиладор бўлган ва ўғил туғилган. Бу фарзанд хурсандчилик билан дунёга келганлиги учун унга Хурсанджон деб ном қўйишган экан.

– Кўрдингизми, подшоҳим, – деб яқун ясабди табиб, – гарчи болалар бир ота-онадан туғилишган, бир қозондан овқатланишган ва бир хонадонда вояга етишган бўлсалар ҳам, ақл, феъл-атвори ва соғлиғи жиҳатидан бир-бирларидан анча фарқ қилишади. Бунга сабаб аёлнинг бир-бирига ўхшамаган шароитда ва ҳар хил руҳий ҳолатда ҳомиладор бўлганидир.

– Эй, табиб, – деб эътироз билдирибди подшоҳ, – бир саёҳат пайтидаги руҳий завқ оқибатида яхши фарзанд дунёга келади деяпсан. Менинг хонадонимдаги жаннатдек шароитда, қолаверса, қанча-қанча саёҳатларда юганимиз билан фарзандимиз Хурсанджонга ўхшамасди-ку.

– Ў, подшоҳим, бир нозик масалага эътиборингизни жалб қилишга ижозат бергайсиз. Ҳамма гап шундаки, Хурсанджондек хуш ўғил бир-бирларини севадиган эр-хотиндан дунёга келади. Саёҳат даврида бу муҳаббат анжиги минган, эр-хотин ҳам руҳан, ҳам жисмонан бир-бирига талпинган, бир-бирини тўлдирган. Оқибат насл ҳам тўлиқ, ҳам бўлиқ бўлган. Сизнинг оилангизда ана шундай самимий муҳаббат ва фидойижонлик бўлмаган кўринади.

– Бундай дейишга қандай тилинг борди. Биз бир-биримизни севамиз.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, подшоҳим. Тўғри, дастлаб шундай бўлгандир, лекин кейин аҳвол ўзгарган. Ўзингиз ўйланг, сиз ҳарамдаги гўзал канизаклар билан маишат қилган ҳолда, қандай қилиб хотинимни севаман дея оласиз. Чин муҳаббат садоқатни талаб қилади. Сизда эса ундан заррача ҳам бўлмаганга ўхшайди. Йўқса, суюкли хотинингиз туриб, майли гўзал бўлса ҳам, канизакларга қарамасдингиз. Хотинингизнинг ҳам сизни севадиганига ишончим комил. Мени авфу этинг, подшоҳим.

– Йўқ! Бундай дейишга асосинг йўқ, табиб!

– Ихтиёрингиз, аммо мен ўз фикримда қоламан.

– Яхшиси кел, хотинимнинг ўзидан сўраймиз, – дебди подшоҳ.

Уч кундан сўнг подшоҳнинг хотини водийга олиб келинибди. Аёл қадди-қомати келишган бўлса ҳам, юзида маъсуслик ва ташвиш аломатлари кўзга ташланиб турарди. У эрига ғалати тикилганча:

– Подшоҳим, соғайиб ва ёшариб кетибсиз, бундан хурсандман, – дебди. Аммо овозида ҳам, юзида ҳам ҳақиқатдан хурсандлиги билинмабди. Буни подшоҳ ҳам пайқабди.

– Айтингчи, мени севасизми? – сўрабди подшоҳ.

Аёл хаёлга ботиб, сукут сақлабди.

– Маликам, саволимга тўғри жавоб беришингизни, ичингиздагини пинҳон тутмаслигингизни илтимос қиламан. Чўчиманг...

– Ҳақиқатни сўрадингиз, подшоҳим майли айтай. Сиз билан бир ёстиққа бош қўйганимда муҳаббатим алангасидан ўзим ҳам қўрқар эдим. Аммо кўп ўтмай муҳаббатимни харамдагиларга оёқ ости қилдингиз. Муҳаббатим алангасида исиниб улгурмай, тутуни кўзимни кўр қилди, подшоҳим. Аммо сиз сўраб турган юртинг бир қулиман, гарчи малика деб атаётган бўлсангиз ҳам. Сизга нисбатан муҳаббат эмас, нафратим учун мени дорга осиб қўйибсиз.

Бироз фурсатдан сўнг табибни чақириб, подшоҳ дебди:

– Гапларингиз тўғри бўлиб чиқди, табиб қойилман. Шу кунгача кўп ҳаёт сирларидан вофиқ бўлмаганимдек, хотинимнинг нафратини ҳам билмаган эканман. Афсус...

– Бу – биз билиб, билмаган фоний дунё, подшоҳим, сабр-қаноатли аёллар оз эмас. Улар оиланинг манфаатларини кўзлаб, эркакларнинг ноҳуя ҳаракатларини билмасликка оладилар, дилларидаги норозиликларини пинҳон тутадилар. Уларга содиқ бўлиш, иззат-икром кўрсатиш, кўнгилларини олиш ва орзу-ниятларини рўёбга чиқариш ҳар бир эркакнинг бурчидир. Шундагина хотинда ҳам эрга нисбатан муҳаббат ва ҳурмат ниш уради. Аёл эрига нисбатан муҳаббатли дамларда туғилган фарзанд табиатдан отага меҳрибон бўлади, уни қадрлайди. Бу ҳақда бир мисолни эшитинг. Ўтмишда эр-хотиннинг жуда тотувлиги ва севишиб юрган вақтларида улардан бир қиз туғилган экан. Бироқ қизалоқ жуда ёшлигида отаси бошқа аёлга уйланиб, оиласини ўз холига ташлаб кетибди. Она билан қиз бировларни хизматини қилиб зўрға рўзгорни тебратишибди. Вақти келиб, отасини қўмсаган қиз дардга

– Ихтиёрингиз, аммо мен ўз фикримда қоламан.
– Яхшиси кел, хотинимнинг ўзидан сўраймиз, – дебди подшоҳ.

Уч кундан сўнг подшоҳнинг хотини водийга олиб келинибди. Аёл қадди-қомати келишган бўлса ҳам, юзида маъюслик ва ташвиш аломатлари кўзга ташланиб турарди. У эрига ғалати тикилганча:

– Подшоҳим, соғайиб ва ёшариб кетибсиз, бундан хурсандман, – дебди. Аммо овозида ҳам, юзида ҳам ҳақиқатдан хурсандлиги билинмабди. Бунини подшоҳ ҳам пайқабди.

– Айтингчи, мени севасизми? – сўрабди подшоҳ.

Аёл хаёлга ботиб, сукут сақлабди.

– Маликам, саволимга тўғри жавоб беришингизни, ичингиздагини пинҳон тутмаслигингизни илтимос қиламан. Чўчиманг...

– Ҳақиқатни сўрадингиз, подшоҳим майли айтай. Сиз билан бир ёстиққа бош қўйганимда муҳаббатим алангасидан ўзим ҳам қўрқар эдим. Аммо кўп ўтмай муҳаббатимни харамдагиларга оёқ ости қилдингиз. Муҳаббатим алангасида исиниб улгурмай, тутуни кўзимни кўр қилди, подшоҳим. Аммо сиз сўраб турган юртнинг бир қулиман, гарчи малика деб атаётган бўлсангиз ҳам. Сизга нисбатан муҳаббат эмас, нафратим учун мени дорга осишга ҳақлисиз.

Бироз фурсатдан сўнг табибни чақириб, подшоҳ дебди:

– Гапларингиз тўғри бўлиб чиқди, табиб қойилман. Шу кунгача кўп ҳаёт сирларидан вофиқ бўлмаганимдек, хотинимнинг нафратини ҳам билмаган эканман. Афсус...

– Бу – биз билиб, билмаган фоний дунё, подшоҳим, сабр-қаноатли аёллар оз эмас. Улар оиланинг манфаатларини кўзлаб, эркакларнинг ноҳўя ҳаракатларини билмасликка оладилар, дилларидаги норозиликларини пинҳон тутадилар. Уларга содиқ бўлиш, иззат-икром кўрсатиш, кўнгилларини олиш ва орзу-ниятларини рўёбга чиқариш ҳар бир эркакнинг бурчидир. Шундагина хотинда ҳам эрга нисбатан муҳаббат ва ҳурмат ниш уради. Аёл эрига нисбатан муҳаббатли дамларда туғилган фарзанд табиатдан отага меҳрибон бўлади, уни қадрлайди. Бу ҳақда бир мисолни эшитинг. Ўтмишда эр-хотиннинг жуда тотувлиги ва севишиб юрган вақтларида улардан бир қиз туғилган экан. Бироқ қизалоқ жуда ёшлигида отаси бошқа аёлга уйланиб, оиласини ўз холига ташлаб кетибди. Она билан қиз бировларни хизматини қилиб зўрга рўзгорни тебратишибди. Вақти келиб, отасини қўмсаган қиз дардга

оиласида бўла туриб туғма қобилиятсизликлари туфайли ҳеч нарсага эриша олмайдилар. Айрим табиатан иродали кишилар туғма нуқсонларини сир тутиши мумкин. Бироқ вақти келганда унинг нуқсонлари беихтиёр "портлайди". Шунинг учун ҳам ҳалойиқ бу тоифадаги одамларни "бунчалик ёмонлигини билмай юрган эканмиз", деб гапирардилар. Баъзи зийрак одамлар "портлашдан" олдиноқ, ундай шахсларни "хавфли одам, эҳтиёт бўлиш керак" деб огоҳ бўлишга чақирадилар. Бу тоифадаги кишиларнинг туғма нуқсонлари хасадгўйлик, жоҳиллик, зиқналик, очкўзлик, димоғдорлик, мансабпарастлик, шафқатсизлик, қўрқоқлик, лаганбардорлик, ҳийлакорлик ва бошқа ҳуусиятлардан ташкил топади. Буларнинг ҳаммаси бир одам тимсолида бирдай намоён бўлмай, уларнинг бир-иккитасигина кўзга ташланиши мумкин. Шунга ўхшаш қатор ижобий фазилатлар ҳам бир одам тимсолида учраши мумкин. Булар: фаросатлилик, жасоратлилик, саҳийлик, мурувватлилик, инсофлилик, тadbиркорлик, андишалилик меҳмондўстлик, хушмуомалалилик, эҳтиёткорлик. Кишида бу хислатларнинг шаклланиши, ривожланиши учун кўриш, ҳид билиш, эшитиш, табиий ва маънавий озиқлана билиш, лаззатлана билишнинг аҳамияти катталигини кўрдик, подшоҳим. Айниқса аёл кишининг кўнглини ва кайфиятини яхшилашга алоҳида эътибор бериш лозим. Ўзига нисбатан ҳурмат, меҳр, эъзозни севган, ҳис қилган аёлнинг кўзи яшнайди, юзидан нур ёғилади, лабидан табассум аримайди. Бу – эркакнинг бахтидир. Икки яшноқ бахт уйғунлигидан пайдо бўлган фарзандлар фариштали, ақлли, истеъдодли, чиройли ва меҳрибон бўлиб туғиладилар.

Эр-хотиннинг руҳан тайёргарлигисиз, хавотирлик ва таҳликада, пала-партиш, фавқулотда ёки маст ҳолда иш тутиши фарзандларнинг ҳам хоҳ яширин, хоҳ ошкор нуқсонлар билан туғилишига сабабдир. Донишмандлар ҳамиша фарзанд кўришга ниҳоятда катта масъулият билан қараш кераклигини кўп таъкидлаганлар, подшоҳим. Қадимдан "экканингни ўрасан" деган нақлнинг ҳаёт сабоғи ана шундай. Албатта, яхши орзу билан яхши уруғ эккан деҳқон, истагандек яхши ҳосил, сархил ҳосил олади...

Подшоҳ табибнинг маслаҳатларига бажонидил амал қилиб, хотини билан ошиқ-мошиқликда ҳаёт кечирибди. Саройдаги канизакларнинг ҳаммасига жавоб берибди. У ниҳоятда содиқ ва меҳрибон бўлганлиги орқасидан хотининг муҳаббати жўш урибди ва кундан-кунга чиройига-чирой қўшилибди. Натижада подшоҳ оиласида ақлли ва қобилиятли ўғил-қизлар дунёга келибди.

ХУШМУОМАЛАЛИК – ЯРИМ БАХТ

Бир юртнинг донишмандлари тўпланишиб, қандай одамлар бахтли ҳаёт кечиради, деган саволини ўзаро муҳокама қилишибди. Донишмандларнинг бири мансабдор ва бадавлат киши бахтлидир деса, иккинчиси чиройли ва хушовозлар бахтиёр дебди, учинчи донишманд шоир ва олим кишилар бахт топади, деб ишонтиришга ҳаракат қилибди. Серғайратлик ва меҳнатсеварлик ҳам бахт манбаидир деган ва яна бошқа кўп фикрлар ўртага ташланибди. Ҳар ким ўз фикрини тасдиқлаш учун салмоқли далиллар келтирибди.

Донишмандлар тортиша-тортиша, бу хусусиятларнинг ҳеч бири ёлғиз ҳолда кишиларга том маънодаги бахтни бера олмайди деган хулосага келишибди. Ҳатто инсоннинг энг олий фазилати – меҳнатсеварлик ҳам кишини юксаликка қўтара олмайди. Одам меҳнаткаш бўлса-ю, аynи пайтда сержаҳл, ғийбатчи ёки димоғдор ва гиначи бўлса, унинг ҳамиша душмани кўп бўлади, умри жанжал билан ўтади.

– Шунинг учун, – дебди донишмандлардан бири, – хушмуомалали одам ўз бахтини топади, чунки унинг душмани бўлмайди, дўстлар даврасида яшайди.

Бу фикрни донишмандлар яқдиллик билан қувватлаётганларида кўпни кўрган бир нуроний мўйсафид гапга аралашиб дебди:

– Азизларим, хушмуомалалик ярим бахтдир. У бахт эшигини очиши мумкин холос, бироқ бу билан бахтни узоқ ушлаб бўлмайди. Ўзингиз ўйланг, одам хушмуомала бўлса-ю, меҳрибонликни ва ғамхўрликни билмаса, бировнинг мушқулини осон қилмай, фақат ўзининг шахсий манфа-ати учун иш юритса ҳурматга сазовор бўлмайди, борабора яққаланиб қолади. Ҳатто бу тоифадаги кишиларни "шайтон одам" ҳам дейишади. Хуллас, хушмуомалалик замирида меҳнатсеварлик ва ғамхўрлик қайнаб турсагина, ундай одам умрбод бахтли ҳаёт гаштини суриши мумкин.

– Хўш, меҳрибонлик нимадан бошланади? – деб сўрашибди мўйсафиддан. Шунда бу нуроний:

– Энг олий калом – ассалому алайкумдан, – деб жавоб қилибди. Масалан, хотин эрнинг ишдан қайтишидан олдинроқ болалари билан ҳовли ва хоналарни тозалайди, кўрпача ва ёстиқларни тўшайди, дастурхонни тузайди. Аёл киши ўзини тартибга солиб, ёқимли кўринишда бўлишга ҳаракат қилади. Халқимиздаи "Онангни отангга бепарлоз

кўрсатма", деган мақолда ҳикмат кўп. Кечқурун оила султони кун бўйи рўзгор ташвишида ўзини юз ёққа уриб, чарчаб ва толиқиб уйига келади. Шу дақиқа она бошчилигида болалар югуришиб келиб, уни хурсандчилик билан қарши олишади. Оила меҳри отани тетиклаштиради, ғайратини оширади, завқлантиради ва уйига бўлган муҳаббатини метиндек мустаҳкамлайди. Натижада ота ҳамма вақт уйига шошилади, орзиқади ва оиласи учун тинимсиз меҳнат қилгиси келади. Меҳрибонлик иплари барча оила аъзоларини бир-бирига чамбарчас боғлайди. Бундай оилада фарзандлар меҳнатсевар, одобли, меҳрибон ва фаросатли бўлиб етишадилар. Ахир "қуш уясида кўрганини қилади", деганларидек, ота-она меҳр-муҳаббати, оилага садоқати фарзандлар учун яхши ибрат бўлади.

Қарс икки қўлдан чиқади. Аёлнинг меҳрибонлигини эркак ҳам ниҳоятда қадрлаши, унга содиқ бўлиши, кўнглини овлаши, вақти билан совғалар ҳадя қилиши ва уй-рўзгор ишларига кўмаклашиши лозим. Эркак киши меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, хушмуомалалик, сахийлик, меҳмондўстлик, мардлик ва содиқлик сингари олий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирмоғи лозим. Борди-ю, — деб давом этибди ўз сўзида муйсафид, — хотин эри ишдан келганда бошини боғлаб, ҳа деб ўзини касалликка солиб чўзилиб ётаверса, ҳовли-уйлар ифлос бўлса, болалар қасрдадир санғиб юришган бўлсалар, у вақтда унинг кайфияти бузилади, чарчоғига-чарчоғ қўшилади.

Табиатан дангаса ва бепарво хотинлар меҳнат ва меҳрибонлик қилишдан кўра ўзларини касалликка солишни афзал кўрадилар. Бу қайталай берса, унга одатланиб қолинади. Пироварида бундай аёллар чинакам касалликка чалинади. Чунки ўзини уринтирмаслик ва ишёқмаслик касаллигининг уясидир. Ишёқмас аёлларнинг куч-қуввати тилига тўпланиб, ғийбат, ҳақорат ва жанжал қилишга берилиб кетадилар. Натижада андиша ва ҳижолат улар учун аҳамиятсиз бир нарсага айланиб қолади.

Оиладаги эътиборсизлик эркакнинг ҳам, хотиннинг ҳам кўнглини совутади. Эркак уйига шошилмай чойхонадами, ошна-оғайнисиникидами ва бошқа жойларда санғиб юришга одатланади, уйга ухлаш учунгина келадиган бўлиб қолади. Шу тариқа ота, хотин ва фарзандлар бир-биридан узоқлашиб борадилар, бебошлик ва оқибатсизлик юзага келади. Бундай оиладаги фарзандлар дангаса, тартибсиз ва муғомбир бўлиб етишадилар. Пироварида, оилада чиқишмовчилик ва жанжал тобора авжига чиқиб, одам бахтсиз ҳаёт гирдобиде яшашга мажбур бўлиб қолади...

Хуллас, инсон хушмуомалалик, меҳрибонлик ва ғамхўрлик ипларини қаттиқ боғлабгина тўла бахтга эришиши мумкин, – деб хулоса қилибди мўйсафид. Донишмандлар унинг сўзларига қўшилишибди.

ОЛГАН ТУПРОҒИНГ ОЛТИН БЎЛСИН, БОЛАМ

Бир замонларда қишлоқ йўлидан кетаётган икки отлиқ йигит рўпарасидан бир чол киши чиқиб:

– Болажонларим, келинимни дард тутиб қолди, оғир аҳволда ётибди. Доя эса нариги қишлоқда, мени ўша ерга элтиб қўйинглар! – деб илтимос қилибди. – Савоб иш бўлади. Келиним ва чақалоқнинг тирик қолишига сабабчи бўлиб қоласизлар. Буни биз ҳеч қачон унутмаймиз, – деб ёлворибди.

Бироқ йигитлардан бири:

– Бизга бунинг нима даҳли бор. Йўлимизни тўсма, – деб отга қамчи уриб олдинга ўтибди. Шеригини ҳам шунга ундабди.

Бир оздан кейин йигитларнинг бири орқага қайтиб келса, чол икки қўлини осмонга кўтариб бор вужуди билан ва кўз ёшлари билан худодан мадад сўраб турган эмиш. Ҳатто чол унинг келганини ҳам пайқамай қолибди.

– Отажон, – дебди йигит, – Сизни кўзим қиймай, ўртоғимдан ажралиб келдим, тезроқ отимга мингашинг, айтган жойингизга олиб бораман.

Йўлда чол сўрабди:

– Ўғлим, ўртоғингиз жуда яхши кийинган экан, у димоғи баланд бойваччалардан бўлса керак?

– Тўғри айтасиз, у катта бойнинг якка-ю ягона ўғли, эрка бўлиб ўсган. Бироз ичкиликка берилган. Ҳозирда ҳам кайфи баланд эди. Биз иккимиз тенгдошимиз ва бирга ўсганмиз, уларнинг уйида хизмат қиламан. Бой ота мени ўз ўғлидек кўриб уни Ҳасан, мени Ҳусан деб чақиради. Бир ҳафтадан кейин Ҳасаннинг никоҳ тўйи бўлади, биз қариндошларни тўйга таклиф қилгани кетаётган эдик.

Улар қишлоққа келиб дояни топишибди, лекин аравага қўшиладиган отни унинг эри миниб кетган экан. Ҳусан дарҳол ўз отини аравага қўшиб, чол билан дояни олиб келиб, яна бирор хизмат чиқиб қолар деб, пойлаб ўтирибди. Бир вақтда чол чиқиб тўлқинланганича ва жуда хурсанд бўлган ҳолда келинининг ўғил туққанлигини айтибди. Ҳусанни қучоқлаб, унга чуқур миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилибди.

– Неварамнинг отини сенинг номинг билан Ҳусан

қўямиз. У сенга ўхшаб олийжаноб, инсофли ва юксак ахлоқ-одобли бўлиб юрсин. Бизга бебаҳо яхшилик қилдинг, сени қандай рози қилсам экан? Бир эчкимиз бор, шуни сенга ҳадя қиламан. Иложим бўлганда устингдан зар сочардим, начора, камбағалмиз, – дебди чол.

Шунда Ҳусан:

– Отажон ҳеч нарса керак эмас. Мени ранжитманг, кўриб турибман, ҳаётингиз анча фақирона. Яхшиси, мени ҳуржунимда уч-тўртта нон ва озгина пишган гўшт бор, шуни олинг. Ҳозир қаҳатчилик, келинингизга ҳарна мадор бўлади, – деб жавоб берибди.

– Ўғлим, бирор нарса топиб келарман, деб шаҳарга кетган эди, лекин бугун уч кун бўлди – дараги йўқ.

Ҳусан нон ва гўштни зўрлаб чолнинг қўлига тутқазибди. Сўнгра чолнинг ҳовлисидан ирим учун бир сиқим тупроқ олиб ҳуржунига солиб қўйибди. Шу дақиқада чол:

– Олган тупроғинг олтин бўлсин, болам, – деб ҳаяжон билан чин дилидан дуо қилибди. Унинг дуосини ер билан осмон олқишлаганидек қуёш чарақлаб кулибди, дарахтлар эгилиб, барглар чапак чалибди.

Ҳусан хурсанд бўлиб йўлга тушибди. Бироқ унинг хурсандчилиги узоққа чўзилмабди. Йўл юриб, бир қишлоққа яқинлашганда, дарё бўйида фожиа устидан чиқибди. Кўп жойда бўлгани каби бу мўъжаз дарёнинг ҳам кўприги йўқ экан. Одамлар унинг саёз жойидан эҳтиёткорлик билан ўтиб юрганлар. Ҳасан ана шу сувдан ўтаётганида ҳалок бўлибди. Кайф устида дарёнинг саёз жойини ажрата олмай, кучли оқимга тўғри келиб оқиб кетибди. Ҳусан бу ҳолатни кўриб дод-фарёд кўтарибди, Ҳасаннинг ахтариб топишга уринибди. Аммо уринишлари беҳуда кетибди. Бой ва унинг қариндош-уруғларига мудҳиш хабарни етказишга мажбур бўлибди. Фарзанд доғида бой ва унинг хотини касал бўлиб қолишибди. Йил ўтгандан кейин, бой Ҳусанни ўз ҳузурига чақириб шундай дебди:

– Ўғлим, ичкилик ўртоғингни бошига етди, сўзимга қулоқ солмай ўзини ҳам, бизни ҳам тамом қилди. Айниқса, онасининг аҳволи огир, соғайиб кетишига ақлим етмайди. Ичкилик бизнинг хонадонимизга бало бўлди. Биз ўғлимизни эркалатиб ва чўнтагини ақчага тўлдириб хато қилган эканмиз, оқибатда бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам гуноҳкор бўлиб қолдик. Билмадим охиратимиз нима бўлади. Энди якка-ю ягона ишончимиз ва умидимиз сен ўзингсан. Шундай хулосага келдимки, Ҳасанга мўлжалланган келинни сенга олиб берсак, мен сени аял фарзандим деб биламан.

– Катта раҳмат, бой ота. Биласизки, мен бир камбағал оиладанман. Онамдан бошқа ҳеч кимим йўқ. Келин эса шаҳар ҳокимининг қизи...– эътироз билдирибди Ҳусан.

– Бунинг аҳамияти йўқ, – дебди бой. Кўриб турибсанки, гап бойликда эмас, ақл-идрокда ва одобда. Бу хусусиятларнинг ҳаммаси сенда мавжуд. Шунинг учун ҳам зора сендан ибрат олиб яхши одам бўлса, деб ўғлимни сенга қўшиб қўйган эдим, лекин у тузалмади, Оллоҳ шоҳид аб ўзида. Биласанки, ҳоким менинг яқин дўстим, сени у ҳамма вақт мақтаб юради. Бунинг устига келин ҳам сенга турмушга чиқишга розилик берибди. У жуда гўзал ва одобли. Сени бутун маҳалла аҳли меҳнаткаш, жасоратли, одобли, ичкиликни оғзига олмаган йигит сифатида, ҳурмат қилади. Фарзандимиз Ҳусанга ўхшасайди, деган кишилар оз эмас.

Хуллас, бой Ҳусанни ва онасини ўз уйига кўчиртириб олиб келибди. Катта тантана билан уйдантирибди. Шаҳар ҳокимининг шу қизидан бошқа фарзанди бўлмаганлиги учун Ҳусанни ўз ўғлидек кўриб, уни ўқитибди ва тарбиялабди. Пировардида, Ҳусан ҳокимнинг ёрдамчиси бўлиб қолибди. Шундан кейин шаҳарда ободончилик ва тартиб шу даражада яхшиланиб кетибдики, ҳамма бир иш билан келса, Ҳусанга мурожаат қиладиган бўлибди. Шу тариқа Ҳусаннинг обрўси ва мавқеи ошиб бораверибди. У бойни ҳам, ҳокимни ҳам худди ўз отасидек ҳурмат қилибди.

Ҳусан икки ўғил ва икки қиз, кўрибди. Вақти соати келиб бой ва кейинчалик ҳоким ҳам вафот этибдилар. Ҳар иккаласи бутун мол-мулкларини Ҳусанга қолдиришибди. Ҳусан 10 та хумчада тиллага, минглаб қўй, от ва қорамоллар ҳамда бепоён ерларга эга бўлиб қолибди. Бундан ташқари, шаҳар ҳокимлиги ҳам Ҳусаннинг қўлига ўтибди.

Ҳусан ишлари ривож топаётгани, омади олчи келгани сабабини, ўша чолнинг самимий дуосида, деб ўйлабди. Ўзини арзмаган хизмати учун кўзида ёши билан алқаган, астойдил дуо қилган чолни унута олмабди. Уни бутун оила аъзолари билан кўчиртириб олиб келиб, бир катта боғда махсус уй қурдириб берибди.

Кунларнинг бирида подшо шаҳар ҳокимлари билан суҳбат ўтказиб турган вақтида бир лашкарбоши кириб:

– Подшоҳимиз, маълумки уч ойдан бери душман қалъасини қамалда ушлаб турибмиз. Сиз уни тор-мор этиш муддатини қатъий белгиланган эдингиз. Бироқ, бундан бир

ҳафта ўтиб кетди, фармонингизни уддалай олмадик, гуноҳимизни кечиринингизни сўраймиз.

Подшоҳ тутақиб бир неча лашкарбошиларни ўлимга маҳкум қилибди. Шунда мажлисда ўтирган Ҳусан ҳоким ўрнидан туриб:

– Қудратли олампаҳоқ ўлим ҳукмини тўхтатиб туришингизни сўрамоқчиман. Агар рухсат бўлса, қалъани забт этиш менга буюрилса.

Ўтирганлар бу гапдан ҳайратланишибди. Ҳусан ҳоким калласидан жудо бўлади энди деб ўйлашибди. Ҳатто подшоҳ ҳам таажжубланибди. Лекин Ҳусан яна бир бор илтимос қилиб ўз сўзи устидан чиқишлигини баён этибди.

Подшоҳдан рухсат олган Ҳусан қалъага бориб шароитни ўрганиб ақл-идрок билан иш юритибди. Чунончи, у қалъага ҳужум қилиш ўрнига ҳар куни оз-оздан озиқ-овқат ва сув, дори-дармон киргизибди. Бу очликда ва ташналикда ётган душман аскарлари жонига ором берибди, уларда Ҳусанга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари уйғонибди. Бунинг устига Ҳусан уруш тугатилсин ва бирорта киши жазога тортилмасин деб фармон чиқарибди. Шунда душманнинг Довюрак исмли лашкарбошиси қалъадан чиқиб Ҳусан ҳоким билан учрашиш истагини билдирибди. У суҳбатда Ҳусан ҳокимга шундай дебди:

– Эй, олийжаноб инсон, бизга ғамхўрлик қилиб тош юракларимизни малҳамдек эритиб юбординг, энди биз сенинг асирингмиз.

Икки томон қўшинлари бир-бири билан қучоқлашиб, дўстлашиб кетибдилар. Ҳусан ҳоким Довюракни ўзининг биринчи ёрдамчиси қилиб тайинлаб, душман қўшинларини ҳам ўз аскарларидек кийинтириб, пойтахтга келиб қалъа олинганлигини подшоҳга маълум қилибди. Бундан подшоҳ ва сарой амалдорларигина эмас, балки бутун мамлакат аҳолиси ҳайратланиб Ҳусан ҳокимнинг ақл-заковатига тан бериб, уни вазирлик лавозимига тайинлабди. Подшоҳ ўлгандан сўнг Ҳусан подшоҳ бўлиб қолибди. Унинг подшоҳлик вақтида уруш бўлмай, аҳоли тинчлик-осойишталикда яшабди. У адолатли подшоҳ номини олибди.

Ҳусаннинг чолдан олган – "Тупроқ олсанг олтин бўлсин" деган дуоси ҳаётийлиги шу тариқа намоён бўлган экан. Ҳа, кексаларимизнинг дуосида ҳикмат кўп.

АВВАЛ АДАБ...

Бадавлат савдогар ўғил кўриб, унинг исмини ЭркатоЙ қўйибди. Менинг давримда ўғлим ўйнаб кулсин, маишатини қилсин, деб уни жуда эркалатибди. Бола хушига келганини қилибди. Унга ҳеч ким қарши бўла олмабди. Пировардида ЭркатоЙ беадаблигидан ундан ранжимаган, шикаст топмаган одам қолмабди. ЭркатоЙ тап тортмай ота-онасини ҳам ҳақорат қиладиган, турткилайдиган бўлибди. Шундагина савдогарнинг кўзи очилибди, ўз хатосини тушиниб, қаттиқ пушаймон бўлибди, бироқ ўғлининг тўғри йўлга солишга ожизлик қилибди. Кечикибди. У бу ташвишни кўтара олмай, тез-тез йиғлайдиган бўлиб қолибди. Нима қиларини билмай дўстларидан маслаҳат сўрабди. Бир киши савдогарга ЭркатоЙни шаҳардаги энг яхши домлалар тарбиялай олмаслигини, шунинг учун шаҳардан четдаги қишлоқда бир мулла бор, шунга топшириш кераклигини, фақат угина ЭркатоЙни тузатиши мумкинлигини айтибди. Савдогар рози бўлиб, ўғли билан йўлга чиқишибди. Бир кун юрганларидан кейин бир хароба қишлоққа келишиб муллани топишибди. Мулла ўз кампири билан яшаркан. Уларнинг бир қўтир эчкиси ва эски кулбаси бўлиб камбағалчиликда унга тенг келадиган киши йўқ экан. Мулла:

– Болангиз неча ёшда? – деб сўрабди.

Савдогар:

– 12 ёшда, – деб жавоб берибди.

Савдогар мулланинг турмушини кўриб, ўғлини бу ерга олиб келганига ич-ичидан жуда куйинибди. Ҳатто ҳамроҳига ЭркатоЙни қайтариб олиб кетиш нияти борлигини айтибди. Бироқ, меросхўри, ёлғиз ўғлининг эс-ҳуши ўзига келишидан умид қилиб, қолдирадиган бўлибди. Хизматкорларига аравалардаги қўй ва озиқ-овқатларни туширишни буюрибди. Шунда мулла бунга монелик қилибди. Савдогар ноилож ёлғиз ўғлинигина қолдириб, алами ичида, шаҳарга қайтибди.

Келишувга мувофиқ икки йилдан сўнг савдогар яна қишлоққа келибди. Бироқ ЭркатоЙни таний олмабди. У жуда озган, оёқ-қўллари ёрилган, кийим-кечаклари жулдир экан. Ўғлининг аҳволини кўрган савдогар мулла боламни тамом қилибди-ку, деб уни олиб кетибди. Йигирма кунлар чамаси ўтгач савдогарнинг хизматкори қишлоққа келиб муллани шаҳарга олиб кетажagini айтибди. Мулла хотинига:

– Икки йил мобайнида ЭркатоЙнинг саводини чиқара

олмадим, мана энди савдогар мени шаҳарга чақираяпти, ҳойнаҳой, мени жазоласа керак, яхшиси кечаси қочиб кетайлик, менга бир нарса бўлса, сени ҳолинг нима кечади? – дебди.

– Қаёққа ҳам қочардик, бой осмонга чиқсангиз оёғингиздан, ерга кирсангиз қулогингиздан тортиб олади. Яхшиси шаҳарга бориб кўрингчи, нима гап экан, – дебди хотини.

– Тўғри гапирасан, хотин, – дебди мулла ва хизматкор билан шаҳарга кетибди.

Мулла қўрқа-қўрқа, минг хил ҳаёлларга бориб савдогарнинг кўчасига кириб ҳайратда қолибди. Кўча супириб, сув сепилган, ўнлаб нуфузли кишилар қўл қовуштириб туришибди. Савдогар муллани кўриши биланоқ уни қўлтиқлаб одамларнинг саломи ва иззат-икроми истида ичкарига олиб кирибди. Бу ерда ўтирган қанчадан-қанча меҳмонлар ўринларидан туришиб муллани тўрға таклиф қилишибди. Мулла савдогар мени тўрға ўтказиб, ҳамманинг олдида шарманда қилса керак, деган фикрда:

– Бизга ўхшаган муллаи қашшоқларга четроқ жой ҳам бўлаверади, уринманглар, – дебди.

Меҳмонлар муллани зўрлаб тўрға ўтқазишибди, меҳмондорчилик бошланиб ҳофизлар, қизиқчилар иштирокида катта зиёфат бўлибди.

Мулла ҳеч нарсага тушунмай ҳовотирланиб ўтирибди. Бемалол еб-ича олмабди. Зиёфат охирида савдогар муллани ўртага таклиф қилибди, миннатдорчилик билдириб, қимматли сарпо кийгизмоқчи бўлганида, мулла дебди:

– Мен сизнинг олдингизда жуда уятлиман, ҳамма чорани кўрдим, лекин ўғлингизнинг саводини чиқара олмадим. Бунинг учун меҳмонлар ҳузурида сиздан кечирим сўрайман, сарполарингизни ололмайман.

– Мулла ака, – дебди савдогар, – тўғри, ўғлимнинг саводи чиқмабди, лекин у ниҳоятда меҳнаткаш, одобли ва меҳрибон киши сифатида тарбияланибди. Илгари ўғлимдан ҳамма безор бўлса, ҳозирда одамларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда. Ҳатто нуфузли кишилар уни куёв қилиш истагини билдирмоқдалар. Ўғлим шу даражага сиз туфайли эришди. Шунинг учун ҳам зиёфатни сизнинг шарафингизга уюштирдим.

Мулла камтарлик қилиб:

– Боланинг тарбиясида сиздек отаси ва онасини инкор қилиб бўлмайди, – дебди.

– Тўғри, ўғлимиз тотув оилада туғилди. Ўсди, лекин биз уни тарбиялай олмадик. Сизнинг уйингиздаги шароит

ва тарбиянгиз ўғлимни меҳнатни севишга, одамларнинг ва ҳар бир тийиннинг қадрига етишга ўргатган, унинг кўзи мошдек очилиб, ўз хатосини англаган.

Шу онда Эркатоӣ мулланинг бўйнидан қучоқлаб ва ўпиб:

– Сиз менга устоз ва отасиз, сизга катта раҳмат, умрбод қарздорман, – дебди.

У меҳмонлардан мулла ҳақиға дуо қилишларини сўрабди. Улар муллаға таъзим қилишиб, унинг маҳорати ва тарбиясига қойил бўлишибди.

– Ҳар холда, – дебди мулла, – Эркатоӣнинг саводи чиққанда нур устиға нур бўларди, лекин шароитим огирлиги туфайли кўпроқ тирикчилик билан банд бўлдик.

Савдогар айтибди:

– Мулла ака, эшитмаганмисиз, одоб илмдан афзалдир. Кишининг илми бўлса-ю, ўзи одобсиз ва ҳасадгўй бўлса, ундан ёмони йўқ, бундай кишилар катта зиён келтиради. Масалан, бизнинг шаҳримиздаги мингбоши жуда саводли ва нотик киши эди, лекин ахлоқи ёмонлиги, ғийбатчилиги ва очкўзлиги туфайли халқ уни оламон қилиб ўлдирди.

Меҳмонлар орасида бир донишманд гапға аралашиб:– Биласизларми, одамнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам саводли кишилардан чиқади. Маълумки, қаламға тенг келадиган куч йўқ. У шундайки, агар ахлоқсиз ва ҳасадгўй қўлида бўлса оқни қора, қорани оқ, чивинни туядек, туяни чивиндек қилиб кўрсатади, одамларнинг юрагига шубҳа, ҳавотирлик ва нафрат солади, тинчлик ва дўстликни бузади. Одоби ва адолатли инсон қўлидаги қалам эса бахт-саодат учун хизмат қилиб кишиларни завқлантиради, бир-бирларига яқинлаштириб дўстликни мустаҳкамлайди, шу боисдан аввал одоб, сўнгра илмдир, – дебди.

Донишманднинг сўзларини меҳмонларнинг барчаси-маъқуллади.

– Муллаака, кўрдингизми, – дебди савдогар. – Сиз менинг ўғлимға энг муҳими, одобни бердингиз. Шунинг учун ҳам сизға раҳмат. Сиз ўғлимғагина эмас, балки менға ва онасига ҳам чинакам сабоқ бердингиз, ҳақиқий бахт инъом этдингиз, биз сиздан умрбод миннатдормиз. Сиздан бизнинг хонадонимизда қолиб ўғлимнинг саводини чиқаришингизни илтимос қиламан.

Мулла бунга розилик билдирибди. Маълум вақтлардан кейин Эркатоӣнинг саводи чиқиб, мадрасани ҳам битирибди. У одоб ва илмда тенги йўқ одам бўлиб етишибди.

ТЕНГСИЗЛИК ОҚИБАТИ...

Бир тўда навқирон бургутлар саёҳатга чиқишибди, водийларни томоша қилишибди ва омон-эсон ўз маконлари – тоғ чўққиларига қайтибдилар. Бироқ, бургутлардан бири муҳаббат дардига учраб қолибди, кундан-кун соғлиғи ва кайфияти ёмонлашибди. Маълум бўлишича, у водийда мусичани кўриб, уни севиб қолган экан. Бунга бургутлар "мусичанинг нимаси яхшики, сен уни ёқтирсанг, – деб ҳайрон бўлишибди.

Ошиқ бургут мусичани ихчам, майин, юввошлигини мақтабди. Ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай ошиқ бургут водийга учиб бориб, мусича билан турмуш қурибди. Орадан бир неча ойлар ўтгандан кейин тоғдаги бургутлар ошиқ бургутдан хабар олиш учун водийнинг тепасида у ёқдан бу ёққа учишиб, уни осмонга кўтарилишини сўрашибди. Ошиқ бургут дўстларини кўриб ниҳоятда шодланибди, аммо қанча ҳаракат қилса ҳам парвоз қила олмабди. Бургутлар ошиқ бургутнинг мусичага мослашиб кетганлиги туфайли баландга парвоз қилишни унутганлиги ҳамда у ўзини бургутлик хусусиятларини йўқотганлигини англабдилар. Ошиқ бургут пастдан овози борича бақириб:

– Дўстларим, мени қандай бўлмасин олиб кетинглар, – деганда, мусича сакраб унинг бошига ўтириб кетма-кест чўқибди ва дебди:

– Овозингни ўчир, мени ташлаб кетмоқчимисан, номард, – деб койибди, ҳақорат сўзларини айтибди.

– Ўзингнинг кимлигингни унутдингми, яқиндагина тоғ-тошлардаги бир ваҳший қуш эдинг, ҳозир боғ-роғлар қўйнида сувлар бўйидасан, роҳатда ҳаёт кечираяпсан. Эсингдан чиқдими – сен кўзлари, тумшуги, тирноқлари жирканч, бадбашара бир нарса эдинг. Мен сенинг сиртингни текислаб, юзага чиқардим. Водийда сени одамлар, ҳайвонлар ва қушлар томоша қилишаяпти. Бундай иззат ва мартабага мен туфайли эришдинг, оқибатсиз, – дебди мусича.

Борган сари мусичанинг таънаси ва дашноми ошиб бораверганлиги сабабли бургутнинг сабр косаси тўлиб, паймонаси тошибди ва мусичага дебди:

– Ўз маконимга кетаман, акс ҳолда бу ерда ўлишим аниқ.

– Ўлсанг ўлавер, лекин сенга жавоб йўқ. – дебди мусича. – Яна қайтиб шундай десанг, ўзимни ўзим ўлдираман ёки фарёд солиб эримнинг бургутлиги тутиб менга ҳамла

қилаяпти деб, устингдан арз қиламан, оқибат сени хавфли деб ўлдиришади.

– Нима бўлса ҳам кетаман сен мени чўқийвериб бошимда сочимни қолдирмадинг, қанотларим ҳам сийраклашди.

– Ҳали шундайми, мен сенга кўрсатиб қўяман, – деб мусича дод-фарёд солибди.

Бир зумда қушлар тўпланишибди. Нима бўлди, деб сўрашганда, мусича бургут устига тухматлар ёғдирибди. Қушлар ҳайрон бўлиб туришганда, чумчуқ ўртага тушибди:

– Ҳозиргина мен дарахт шоҳида эр-хотиннинг гапларини эшитдим. Мусичанинг гаплари ёлғон. Ҳаммамиз яхши биламизки, мусича менинг эрим бургут – қушларнинг султони, ҳеч кимдан қўрқмайман, деб атрофдагиларни камситиб ва ҳақоратлаб кескайиб кетди, босар-тусарини билмай қолди. У шу даражада ҳаддидан ошдики, уни деб, севгиси деб ўз макони ва қариндошларидан воз кечган бургут – эрини шарманда қилаяпти.

Қушларнинг бургутга раҳми келиб мусичага лаънатлар ўқишибди ва ундан юз ўгиришибди. Шу тариқа бир қарашда беозор кўринган мусичани севиб унга уйланишни ихтиёр этган бургут ўзининг жасоратини, қуввати ва мавқеини йўқотиб, бир ожиз ва заиф нарсага айланиб қолибди.

Илгарилари бургутдан чўчиб юрган мушуклар энди волқеадан хабар топиб, кечаси гердайган мусичани тутишиб базм қилибдилар. Бургут қушларни ёрдамида аста-секин соғайиб ва қувватланиб ўз маконига отланиш олдида бургутларга дебди:

– Дўстларим, бошимга тушган азоб-уқубатларни кўрдингиз, бунга ўзим айбдорман. Ёшлиқ қилиб, ўзимга мутлақо тенгсиз мусичага ўйламай кўнгил қўйиб, умрим хорликда ўтди. Сизларга гапимнинг хулосаси шуки, менинг ачинарли ҳаётим бошқаларга ибрат бўлсин, ҳеч ким муҳаббатда, турмуш қуришда нодонлик ва юзакиликка йўл қўймасин. "Тенг-тенги билан" деган мақолни унутмаслик керак экан.

КИШИНИНГ ДЎСТИ КИМ ЭКАН?

Узоқ вақтлардан буён донишмандлар инсон ҳаётига оид қадриятлар устида бош қотириб келадилар. Шу жумладан, инсоннинг асл дўсти кимлиги ҳақида ҳам бу кўҳна дунёда ҳамон жавоб изланади. Бу борада кўп фикрлар ўртага ташланган. Айрим донишмандлар инсоннинг дўсти тили,

хотини, фарзандлари, қариндош ва оғайнилари деса, бошқа бировлар тахт ва бойлик деб ишонтирадилар. Хуллас, узоқ-узоқ баҳслашувда кўрсатилган фикрларга қўшилувчилар ҳам, инкор қилувчилар ҳам бўлган, албатта. Ҳар ким ўз сўзини қувватлаш учун далил-исботлар келтирган. Бундай тортушувларда донишмандлар бир нуқтага кела олмагани табиий. Навбатдаги баҳс қизигандан қизиб бораётган бир пайтда тўқсон ёшли чол сўз олиб шундай деган экан:

— Ҳар кишининг дўсти ҳам, душмани ҳам, инсонлар орасидадир. Бироқ уни дарров билиб олиш осон эмас. Бунинг учун вақтга мурожаат қилиш керак. Масалан, ота-оналар фарзандларининг нечоғли дўстлиги (оқибатлилиги, меҳрибонлилиги ва ҳимматлилиги) анча вақт ўтгач, улар вояга етиб оилали бўлганларидан сўнг, бу фазилатлар ўзини тўла намоён қилганидан сўнг биладилар. Шундай фарзандлар учраб турадики, улар бўйдоқлик пайтида ота-онасига меҳрибон бўлади, бироқ оилали бўлгандан кейин уларнинг айримларида бу хислат йўқолади. Эр-хотиннинг бир-бирларига дўстлиги, содиқлиги ҳам бошларига кулфат ёки йўқчилик тушганда билинади. Шу боисдан, — деб давом этибди донишманд чол, кишининг дўсти биринчи галда вақт ҳисобланади. Вақт оқни-оққа, қорани-қорага ажратади. Шунинг учун ҳам вақтга, сабр-қаноатга таянган одамлар адашмайдилар. Вақтнинг одамлар учун берадиган яна бошқа улкан сабоғи ҳам бор. У ҳам бўлса шуки, вақт ўтиши билан кишиларнинг оқибатлилиги ҳам равшан бўлади. Оқибат эса дўстликни таъминловчи энг муҳим омиллардан биридир.

Донишмандлар чолнинг сўзини маъқуллаб, дебдиларки, вақтсиз дўстлик ва оқибатни билиб бўлмайди, шу боисдан кишиларнинг асл дўсти вақтдир.

САБР ТАГИ ОЛТИН

Ўтган замонда бир киши туяси билан кирачилик қилиб зўрға тирикчилигини ўтказиб юрар экан. Шу боисдан уни туячи дейишар экан. Айрим вақтларда у катта савдо карвонларига қўшилиб чет мамлакатларга ҳам борар экан. Кунларнинг бирида бепоён чўл ва адирларда савдо карвони тунги дамдан сўнг йўлга отланаётган пайтда туячи ўзининг туяси йўқлигини пайқаб қолибди. Туячи уни қидириб, бир барханнинг орқа томонига ўтганда таажжубли воқеанинг гувоҳи бўлибди. Қарасаки, бир каламуш туянинг тумшугига жиловланган узун арқоннинг учини тишлаб, уни у ёқдан

бу ёққа эргаштириб юрганмиш. Ҳайратланган туячи ўзини панага тортиб воқеани кузатибди. Туя кун бўйи каламушнинг кетидан эргашиб юраверибди. Каламуш эса улкан ҳайвоннинг уни раъйига бўйсунётганидан фахрланиб ва завқланиб, хурсандлигидан бетиним чийиллармиш. Туячи бу манзарани кўриб, туя ўзидан минг маротаба кичик ва ожиз бир маҳлуқнинг кўнглини олишга ва суюнтиришга ҳаракат қилаётганлигини англабди. У ўз туясининг сабр-тоқати, камтарлиги ва беозорлигидан хурсанд бўлибди.

Ниҳоят, қоронғу тушиши билан каламуш арқонни ўз инига торта бошлабди. Туя тумшуғи каламуш инининг оғзи-га тақалгунча бораверибди. Тумшуғи ин оғзига келса ҳам арқонни тортмса каламушнинг тиши синмасмикин дегандек чўкка тушиб тураверибди. Бир вақт ин ичидан арқонни тортиш мумкин деган ишора сезилибди. Шундан кейингина туя орқасида тисланиб арқонни торта бошлабди. Арқоннинг каламуш тишлаган учи қавақдан чиқиши биланоқ атрофни шўъла қоплабди. Ҳайратланган туячи югуриб бориб қараса арқоннинг учига ёнғоқдан каттароқ жавоҳир боғланган экан. У кўзни қамаштиргудек атрофга шўъла таратаётган экан. Бу туянинг меҳрибонлиги ва сабр-тоқатиға каламушнинг миннатдорчилиги экан.

Бу ҳодисадан хабар топган подшоҳ туячи ва жавоҳирни саройга олиб келтирибди. Шунда жавоҳир узоқ замонларда бир подшоҳ томонидан йўқотилганлиги ва уни кўп подшоҳлар топа олмаганликлари маълум бўлибди. Афтидан, уни каламушлар топиб ўз инларига олиб кетганлар. Жавоҳир шу даражада нодир ва қимматли эканки, бир нечта давлат хазиналарини жамлаганда ҳам унга тенг келмас экан.

Жавоҳир эвазига туячига сарполар, туяга эса алоҳида хона ва майдон ажратиб берилибди. Баён этилган воқеадан кейин "сабрнинг таги олтин" деган мақол юзага келган экан.

ҚАБРИСТОНДАГИ ИБРАТЛИ СУҲБАТ

Ўтмишда бир донишманд киши ота-боболарининг қабрини зиёрат қилиб турар экан. Кунларнинг бирида гўрков унга бундай дебди:

— Одатда қабристонга зиёратга келувчилар бир гўр ёнида маъюс ҳолда бир оз ўтириб қайтиб кетишади. Сиз эса фарзандларингиз ва дўстларингиз билан бир неча қабрларни зиёрат қиласиз, ўзингиз эса уларни сийпаб-сийлайсиз ва марҳумларга миннатдорчилик сўзларинини изҳор

қиласиз. Айниқса мана бу қабр ёнида кўп ўтирасиз. Сизнинг бундай қилишингиз ҳаммани хайратда қолдиради. Хўш, айтингчи, бу ерга кимларингиз дафн қилинган?

— Бу жойда менинг ота-боболарим кўмилган. Мен бу оламдан ўтган етти пуштимнинг номи, ҳунари ва феъл-атворини биламан. Бу ҳақдаги маълумотлар бувамнинг буvasи томонидан тузилиб, пировардида улар менга ўтган. Сиз кўрсатган қабр бувамники. У киши менга ва дўстларимга мураббий ва устозлик қилган. Бизларнинг тарбиямизга ва келажагимизга алоҳида аҳамият бериб, қандай бўлмасин кўнглимизни олишга ҳаракат қиларди. Бир мисол: беш-олти ёшлик вақтимда кўчада ўртоқларим саман отни маза қилиб минганликларини мақтаб гапиришди. Шунда мени уларга жуда ҳавасим келди ва бу ҳақда бувамга гапирдим. Бувам бошимни силаб ва эркалаб деди:

— Қўзичоғим, ҳеч ҳафа бўлманг, сизга ҳеч кимда йўқ от топиб бераман, маза қилиб минаверасиз.

Шу куни кечқурун бувам мени устиларига мингазиб, катта айвоннинг у ёғидан бу ёғига эмакладилар, ора-чора кишнадилар ҳам. Эртасига ўртоқларимга менинг гапирадиган ва соқолли отим бор деб мақтанганимда улар ҳайратланиб, уни кўрсатишни қистадилар. Уларни уйга олиб кириб, бувамдан от бўлишликни илтимос қилдим. У киши дарҳол бизларни навбат билан устиларига мингаздилар ва кишнаб бердилар. Ўша пайтдаги қувончимизни таърифлашга сўз топа олмайман. Бувам бизларга қизиқ эртаклар айтиб, ҳар доимгидек мева ва ширинликлар билан меҳмон қилдилар. Хуллас, у киши ўзларининг хушмуомалалиги, ғамхўр ва меҳрибонлиги билан бизларни ўзига шу даражада ром қилдиларки, нима десалар шуни бажонидил бажарар эдик. У киши қатъийлик, талабчанлик билан иш юритардилар, интизомли ва сабр-тоқатли бўлишга ўргатардилар. Уларнинг бизга бахтли ҳаёт ҳақидаги айтган сўзлари ҳамон эсимда. Бу тўғрида шундай деган эдилар:

— Ҳар бир инсон меҳнатсевар, адолатли, мард, оқибатли, содиқ ва ватанпарвар бўлгандагина обрў-иззатга сазовар бўлади. Бундай олийжаноб хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган киши бахтга эришади.

Бувам мен ва уч ўртоғимни худди шу тарзда тарбияладилар ва ўзлари муаллимлик қилиб бизларнинг саводимизни чиқардилар. Сўнгра у киши ҳаммамизнинг мадрасага киришимизга ва уни тугатишимизга ҳар томонлама ёрдам беридилар. Бувамнинг энг яхши фазилатлардан яна бири шунда эдики, у келинларга, хусусан, менинг онамга ниҳоятда ғамхўр ва меҳрибон эди. У онамни худди

ўз фарзандидек кўрарди. Бувамнинг онамга меҳрибонлиги менинг у кишига нисбатан эътиқодимни янада оширди ва мустаҳкамлади.

Гўрков айтибди:

– Бувангизга минг раҳмат. Чинакам инсон бўлган эканлар. Сизлар туфайли у кишининг қабри ҳамиша файзли ва зиёратчилар диққатини ўзига жалб этади. Шуни айтадилар-да, яхши одамларнинг қабри ҳам кўркам бўлади, ёмонларники эса харобага айланади, деб. Менинг эллик йил гўрковлик қилган марҳум отамнинг бир гапларини сизга айтиб берай. Кунларнинг бирида отам бир қария мурдасини кўмаётганда одатга кўра:

– Бу одам яхшимиди? – деб сўрабди.

Бироқ, халойиқ бу саволга жавоб бермай тураверибди. Бундан отам унинг кимлигини англабди-ку, лекин, начора, уни кўмишга мажбур бўлибди. Бир оз фурсатдан кейин бир киши отамга мурда тириклигида қариллигига қарамай дилозор, ғийбатчи, ишёқмас ва ҳасадгўйликда ном чиқарганлигини айтибди. Шу кечаси бундан қаттиқ нафратланган отам уйқудан бирданига чўчиб туриб, қабристон томонга чопибди, орқасидан акаларим:

– Сизга нима бўлди? – дейишиб югуришибди.

Отам ўша дилозор гўрининг тепасига бориб уни дарҳол очишликни буюрибди. Сабабини сўрашганда отам:

– Тушумда дилозорнинг мурдаси ён-атрофдаги мурдаларни калтаклаб ва кафанларини шилиб юрган эмиш. Ўликларнинг дод-фарёдига уйғониб кетдим, – дебди.

Отамнинг қистови билан акаларим дилозорнинг мурдасини қабристоннинг ташландиқ, бир жойига кўчириб кўмишибди.

Мен ҳам ёмон одамнинг мурдаси хор бўлганлигининг гувоҳи бўлдим. Бир киши кслиб кекса бир киши ўлганлигини ва гўрни чуқурроқ қазишни сўради. Бироқ мурдани иккинчи кун ич киши аравада олиб келишди. Бундан жуда нафратландим. Маълум бўлишича, у қария тириклигида ичкилик ичавериб кишиларга кўп ёмонлик қилган экан. Бундай азоб чекканлардан бири – ғассол қария мурдасини ювишдан, халойиқ эса қабристонга олиб боришдан бош тортибди. Айтишларича, ҳатто мурдани қабристонга эмас, балки шаҳарнинг чеккасидаги ташландиқ жойда кўмиш ҳақида таклиф бўлган экан.

– Хуллас, – дебди гўрков гапида давом этиб, – яхши одамларнинг фазилатлари каби ёмоннинг қилмишлари ўлгандан сўнг ҳам унутилмайди.

БОҒИ БОРНИНГ ДОНҒИ БОР

Навқирон подшоҳ вазирлар ва ҳарбий саркардалари билан шаҳар чеккасидаги кўчадан ўтиб кетаётганда Иброҳим ота исмли кекса кишининг кўчат экаётганини кўриб қолибди.

– Отахон, – дебди унга подшоҳ, – терлаб-пишиб кетиб-сиз, сизга нима зарур эди ўзингизга шувча жабр қилишининг? Оёгингизнинг бири ерда бўлса, иккинчиси гўрда. Бу кўчатлар ҳосил бергунга қадар яшайман деб умид қилаяпсизми, – дебди.

– Ота-боболаримиз эккан кўчатлар мевасини, биз истеъмол қилаяпмиз, биз яратган боғлардан авлодларимиз баҳра олса ажаб эмас. Яхши ният, болам, – жавоб берибди Иброғим ота.

– Бу яхшику-я, лекин сизнинг жонингизга ачинаяпманда. Бу ерларни боғ-роғларга айлантиришга ёшлар ҳам ожизлик қилади. Меҳнатингиз беҳуда кетиб, одамларнинг таънасига қолмасангиз эди, деб қўрқаяпман, – дебди подшоҳ.

– Борди-ю, кучим етмаса олампаноҳдан мадад сўрайман, – дебди чол.

– Давлат маблағинини сувга оқизишни ўзимга эп кўрмайман, – деб подшоҳ йўлида давом этибди.

Иброҳим ота эса ўз ишини давом эттирибди.

Орадан неча йиллар ўтиб, подшоҳ яна ўша манзилдан ўтиб қолибди. Кўз ўнгида ажойиб манзарали боғ намоён эмиш. Подшоҳ ўз ҳамроҳлари билан бу ерга киришса, ҳовуз бўйидаги салқин супада бир кекса киши ўтирганмиш. У меҳмонларни иззат-икром билан кутиб олибди, боғни томоша қилдирибди.

Боғ подшоҳга шу даражада ёқиб қолибди. Шу ерда уч кун меҳмон бўлибди. Йўлга отланиш олдида кексага шундай дебди:

– Мен боғингиздан роҳатландим. Унинг об-ҳавоси мусалфа ва мевалари ширин-шакар. Уйқусизлик касалим тугади, кайфиятим кўтарилди. Ҳамроҳларим ҳам бениҳоя хурсанд. Сизга миннатдорчилик эвазига совга бермоқчиман. Қани айтинг, кўнглингиз нимани истайди? Биласиз, истаганингизни муҳайё қилишга қурбим етади.

– Раҳмат, олампаноҳ менга ҳеч нарса керак эмас, совгасиз келаверинглар. Эшигимиз меҳмонларга ҳамма вақт очиқ.

– Айтмагунингизча кетмаймиз.

– Бўлмасам илтимосимиз шуки, совга тариқасида менга шафтоли, узум ва бошқа мевалардан олиб келасизлар...

– Отахон, менинг подшоҳлигимни била туриб, шаънимга номуносиб нарсаларни сўраяпсиз. Ахир бунини эшитган ҳалойиқ нима дейди? Дарвоқе, боғингизда айтган меваларнинг барча турлари, яна сархил фарқ пишиб ётибди. Бунинг устига дастурхонга ўзингиз қўйган мевалардан бирортасидан емадингиз. Энди ўзингизга мева совға қилишимизни сўраяпсиз. Бунинг сабабини билсак бўладими?

– Ҳа, олампаҳо, бир қошиқ қонимдан кечсангиз айтаман.

– Айтинг.

– Сиз ўн икки йил муқаддам шу ерга кўчат экаётганимда бу ишнинг фойдаси йўқ, деган эдингиз. Нарироққа борганингизда ёшлик қилибми вазирларингизга агар шу кекса яшаб, экаётган кўчатларининг мевасини еса, хотиним минг талоқ бўлсин, деб қасам ичиб юбордингиз. Мана, бир неча йилдирки, подшоҳимиз хотинлари минг талоқ бўлмасин деб боғимнинг мевасини оғзимга солганим йўқ. Бошқачароқ қилиб айтганда, "кўрмоқ бору, емоқ йўқ".

– Ўша кекса – сизмисиз?

– Ҳа, мени Иброҳим ота дейишади, ўша вақтда саксон беш ёшда эдим, ҳозир тўқсон еттига кирдим.

– Офарин. Мени мулзам қилдингиз, кечирим сўрайман.

Подшоҳ ҳамроҳлари билан маслаҳатлашиб, боғда яна икки кун туришга қарор қилибди. У хотинини ва шайхуисломни келтириб, ҳамроҳлари ҳузурида дастурхондаги мевалардан Иброҳим отанинг оғзига солибди. Шу заҳоти баён этилган қасамга кўра подшоҳнинг хотини минг талоқ бўлибди. Шундан кейин Иброҳим отанинг розилиги билан шайхуислом подшоҳни хотини билан қайта никоҳлаб қўйибди.

Бу антиқа воқеанинг гувоҳи бўлиб турган сарой амалдорлари, олимлар, уламолар ва бошқа нуфузли кишилар Иброҳим отанинг донолигига ва подшоҳпарвар эканлигига тан беришибди.

Подшоҳ Иброҳим ота билан ота-бола тутинибди ва боғ ўртасидаги тепаликка ҳашаматли сарой қуриб унга совға қилибди. Иброҳим отанинг донғи бутун мамлакатга ёйилибди. Одамлар ундан сабоқ олиб қанчадан-қанча янги боғлар барпо этибдилар.

ҚҶЙ МИЖОЗЛИК

Мадрасада таълим олаётган Қорахўжа исмли муллавачча ғоятда эзилган ва паришон ҳолда кекса муддарисга дебди:

– Биласизми, мадрасада бир неча йиллардан буён ўқиб, араб ва форс тилларини, адабиёт ва тарих фанларини яхши ўзлаштирдим. Муаллимларнинг вақти бўлмай қолганда улар ўрнига муллаваччаларга сабоқ бердим. Ҳатто ўқишимиз тугагандан кейин мени хон саройига ишга юбориш ҳақида гап кўтарилди. Аммо ҳамма ишларим яхши кетаётган пайтда бир сабаб билан бутун ҳаётим остун-устун бўлиб кетди.

Воқеа бундай бўлди. Мадрасанинг ошхонасида уч кишилик палов тайёрладим. Лекин ўртоқларим келмаганларидан кейин бир коса паловни еб қотиб ухлаб қолибман. Бир вақт кўзимни очсам, тепамда ёш мударрис ва икки миршаб ҳўмрайиб туришибди. Ёш мударрис бир шаполоқ уриб:

– Сенинг кимлигингни билмас эканмиз, мадраса шаънига доғ туширдинг, ифлос. Аввал сени овқатдан заҳарландимикан деб қозондаги ошни текширсак унга наша қўшилган экан. Бу камдек, хонангдан наша ва қора дори ҳам топилди. Шунчаки учига чиққан бангимисан?!

Ўзимни оқлаш учун кўп уриндим, лекин заррача ишонмай ўн дарра савалашди. Тўхматга чидай олмай танишимникида бир ҳафтадан буён кўкрагимни заҳга бериб ётибман. Энди қайси юз билан ота-онам ва қариндошларим кўзига кўринаман. Бегона шаҳарга қочиш ёки ўзимни сувга ташлаб ғарқ бўлишликни ўйлаб турибман. Бироқ сиз эсимга тушиб маслаҳатга келдим. Кундузи юришга андиша қилиб ярим кечада йўлга чиқиб боғингиз этагидаги пана жойда тонг отгунча турдим. Сўнгга бу ерга бир амаллаб келдим. Менга йўл-йўриқ кўрсатинг, андиша мени кундан-кунга емириб бормоқда.

– Қорахўжа, мен сизни пок одам сифатида яхши биламан. Бироқ ўта қўрқоқлигингизни кўриб ҳайронман. Сиз андиша ҳақида кўп гапирдингиз, лекин том маъносини билмас экансиз. Сиз биронта ножўя иш қилмасдан тўхматга учрадингиз. Бундай жиддий ҳолатда андишага бормай, очиқ курашиш ўрнига андишани бўйнингизга сиртмоқ қилиб ўраб, ўлишгача рози бўлиб турибсиз. Бу ҳаракат андиша белгиси эмас, бу – ўта қўрқоқлик ва ношудликни билдиради.

– Хўш, мен нима қилишим керак?

– Тухматчини топиб, жанг қилишингиз лозим.

– Кечирасиз, устоз, жанг сўзини эшитиб юрагим орқамга тортаяпти. Тухматчи қариндошларимдан бўлганда эди, ҳаддим сиғиб таъзирини берардим, бегона одам билан курашиш хатарли ва мушкул. Тагин бошимга яна бир фалокат орттирмасдан "ёпиғлиқ қозон ёпиқ", – деб қўя қолайлик.

– Шунчалик мўрт ва ваҳимачимисиз, дарҳол ўзингизни қўлга олиб ҳаракат қилинг, шерга ўхшаб довюрак бўлиб кетасиз.

Қорахўжа қандай бўлмасин тухматчи билан тўқнашишдан ҳоли бўлиш учун ўзига тегадиган гапни беҳосдан гапириб юборибди:

– Мени беозор ва ёввошлигимдан одамлар "қўй мижоз" дейишади. Маълумки, қўй билан шер орасида ер билан осмонча фарқ бор. Шунинг учун "қўчқордек довюрак", бўласан десангиз ёпишиб тушарди.

– Баракалла, ҳали сиз "қўй мижозман" деб фахрланиб юрибсизми? Шуни билиб қўйингки, уй ҳайвонлари орасида энг қўрқоғи ва чўчийдигани қўй ҳисобланади. Ун минг қўй бир бўрини кўрса, бас, оёқларига титроқ туриб довдираб қоладилар. Бироқ қўйлар ўзаро бошлари ёрилгунча сузишадилар, бошқа ҳайвонлардан бирортаси сал-пал тиқилинч қилса, тумтарақай қочадилар. Шунга ўхшаш, сиз ҳам қариндошларингиз билан тўқнашишга тайёрсиз, лекин бегонага қарши курашишга юрагингиз бетламайди. Ҳақиқатдан ҳам "қўй мижоз" экансиз. Қўйларнинг хусусиятлари ҳақида бир ҳикояни эшитинг:

– Саёқ бўри ўз тўдасидан чиқиб боши оққан томонга кетаверибди. Йўлда тулки билан яқинлашиб тирикчилигини ўтказибди. Улар анча йўл босганидан кейин минглаб қўйлар ўтлаб юрган ажойиб манзарали волийни кўрибдилар. Тулки бўрига дебди:

– Сен табиятан ваҳший ва очкўз бўлганлигинг туфайли ноҳўя ҳаракатларни қилишинг ҳеч гап эмас. Агар менинг сўзимга кирсанг, роҳатда яшаймиз.

– Майли, сен нима десанг, шунга розиман.

– Бугун кечаси ўтовга секингина кириб чўпонларни ўлдириб, уларнинг кийимларини кийиб чўпонлик вазифасини ўтаймиз.

– Башарамиз одамга ўхшамайди-ку, дарров сиримиз очилиб қолади.

– Хотиржам бўл, қўйлар шундай содда ва анқов ҳайвонки, уларни "олий зот", "жафокаш", "беозор" ва бошқа сўзлар билан мақтасанг ҳамда силаб-сийпасанг, бас, тал-

тайиб ҳеч нарсани англамай қолади. Чўпонликни қўлга олганимиздан кейин, кечқурун қўчқорларни уруштиришни ташкил этамиз. Шу равишда сопини ўзидан чиқариб, енгилиб, ҳолда тойган қўчқорни ўтовга олиб келиб еймиз.

– Қойил режаларинг жуда зўр-ку.

Тулки билан бўри чўпонликни қўлга олишиб, юқорида айтилганидек иш юритишиб жиққа мойга ботишибди.

Бир неча кунлардан кейин узоқдан одамлар кўринибди. Тулки ва бўри дарҳол ўз қиёфасига киришиб бақирӣқ-чақирӣқ билан қўйларни ўша томонга ҳайдашибди. Ҳамма ёқдан чанг-тўзон кўтарилиб қўйлар отлиқ одамлар томон чопаверибди. Улар ҳам ваҳимага тушиб орқага қочишибди. Тулки ва бўри қўйларни ҳайдашни тўхтатмабдилар. Қўйлар бир катта жарликка дуч келиб, бирин-кетин у ерга ўзларини ташлайверибди. Шу равишда минглаб қўйлар икки ваҳший ҳайвонга бас кела олмай ҳалок бўлибдилар.

– Қорахўжа, сизга ўхшаган юзта "қўй мижозли" одамлар битта жасоратли одамга тўқнаша олмаслиги турган гап. Шунинг учун ҳам "юзта ожиздан битта тез яхши" деган мақол бекорга айтилмаган. Энди асосий масалага ўтайлик. Айтингчи, туҳматга учраганингиздан кейин мадрасадагиларнинг сизга нисбатан муносабати қандай бўлди?

– Мадрасадагилардан фақат Болтабек исмли муллавачча мендан тез-тез хабар олиб турди. Унинг сўзича, мени зиндонга ташлаб, хоннинг ўз ҳукм чиқарар эмиш. Шунинг учун у менга қочишни таклиф қилди. У билан илгари шунчаки саломлашиб юрардик, туҳматга учраганимдан кейин дўстлашдик.

– Менимча, туҳматни Болтабек уюштирганга ўхшайди. Бу ҳақда қозига айтишимиз керак.

– Домлажон, асло бу ишни қилманг, у қўнжида катта пичоқ олиб юради.

Кекса мударрис Қорахўжа билан иш битмаслигини англаб воқеани қозига маълум қилибди. Катта сиқувдан кейин Болтабек Қорахўжани бадном қилиб, унинг ўрнига саройга ишга бориш ниятида қозонга ва хонага наша қўйганлигини бўйнига олибди.

Кекса мударрис мадрасага келиб йиғилганлар ҳузурида Қорахўжада айб йўқлигини билдириб, дебди:

– Мадрасалар маърифат ва илм ўчоғидир. Бу ерда софдил, қобилиятли, жасоратли ва мард кишилар таълим олмоғи лозим. Шундагина зиёлилар илм чўққиларини эгаллаш билан бир қаторда ўз халқи ва ватани учун жонини фидо қила олади.

тайиб ҳеч нарсани англамай қолади. Чўпонликни қўлга олганимиздан кейин, кечқурун қўчқорларни уруштиришни ташкил этамиз. Шу равишда сопини ўзидан чиқариб, енгилиб, ҳолда тойган қўчқорни ўтовга олиб келиб еймиз.

– Қойил режаларинг жуда зўр-ку.

Тулки билан бўри чўпонликни қўлга олишиб, юқорида айтилганидек иш юритишиб жиққа мойга ботишибди.

Бир неча кунлардан кейин узоқдан одамлар кўринибди. Тулки ва бўри дарҳол ўз қиёфасига киришиб бақиріқ-чақиріқ билан қўйларни ўша томонга ҳайдашибди. Ҳамма ёқдан чанг-тўзон кўтарилиб қўйлар отлиқ одамлар томон чопаверибди. Улар ҳам ваҳимага тушиб орқага қочишибди. Тулки ва бўри қўйларни ҳайдашни тўхтатмабдилар. Қўйлар бир катта жарликка дуч келиб, бирин-кетин у ерга ўзларини ташлайверибди. Шу равишда минглаб қўйлар икки ваҳший ҳайвонга бас кела олмай ҳалок бўлибдилар.

– Қорахўжа, сизга ўхшаган юзта "қўй мижозли" одамлар битта жасоратли одамга тўқнаша олмаслиги турган гап. Шунинг учун ҳам "юзта ожиздан битта тез яхши" деган мақол бекорга айтилмаган. Энди асосий масалага ўтайлик. Айтингчи, туҳматга учраганингиздан кейин мадрасадагиларнинг сизга нисбатан муносабати қандай бўлди?

– Мадрасадагилардан фақат Болтабек исмли муллавачча мендан тез-тез хабар олиб турди. Унинг сўзича, мени зиндонга ташлаб, хоннинг ўз ҳукм чиқарар эмиш. Шунинг учун у менга қочишни таклиф қилди. У билан илгари шунчаки саломлашиб юрардик, туҳматга учраганимдан кейин дўстлашдик.

– Менимча, туҳматни Болтабек уюштирганга ўхшайди. Бу ҳақда қозига айтишимиз керак.

– Домлажон, асло бу ишни қилманг, у қўнжида катта пичоқ олиб юради.

Кекса мударрис Қорахўжа билан иш битмаслигини англаб воқеани қозига маълум қилибди. Катта сиқувдан кейин Болтабек Қорахўжани бадном қилиб, унинг ўрнига саройга ишга бориш ниятида қозонга ва хонага наша қўйганлигини бўйнига олибди.

Кекса мударрис мадрасага келиб йиғилганлар ҳузурида Қорахўжада айб йўқлигини билдириб, дебди:

– Мадрасалар маърифат ва илм ўчоғидир. Бу ерда софдил, қобилиятли, жасоратли ва мард кишилар таълим олмоғи лозим. Шундагина зиёлилар илм чўққиларини эгаллаш билан бир қаторда ўз халқи ва ватани учун жонини фидо қила олади.

қишда эса иссиқ жойларда талтайиб ётдик ҳамда роса ухладик. Ўзимиздан бошқа ҳайвонларни ва қушларни назар-писанд қилмай мағрурландик ва катта гапирдик. Бугунги кунларда эса очликдан ўзимизни қаерга қўйишимизни билмай қолдик. Ҳозирда биз шуни тушундикки, гўдак бола она сутисиз яшай олмаганидек, биз сенсиз тура олмаймиз.

— Ишга ярамайдиган бўлиб қолдим. Менга умид боғламай ўз овқатларингизни ўзларингиз топинглар, бошқа илож йўқ, — дебди қассоб.

— Бундай қилишга қодир эмасмиз, чунки биз бутун аъзойи баданимиз ва руҳимиз билан текин овқат ейишга мослашиб кетган эканмиз. Шу сабабли, тез чопиш, сакраш, чаққонлик ва умуман овқат топиш усулларини унутибмиз. Бир мисол: мен, тулки ва айиқ йўлда кетаётганимизда тўсатдан оёғи шикастланган қуён чиқиб қолди. Бундай ўлжани кўрганимиздан бениҳоя хурсанд бўлдик, лекин уни тута олмадик, чунки биз тез чопсак ҳарсиллаймиз, оёғимиз эса зирқиллаб оғрийди. Айниқса, мана бу айиқнинг аҳволи ачинарлидир. Арзимаган чуқур ёки кичкина ариқдан ўта олмай кўзини жовдиратиб туради. Ҳозир тоғдаги ҳайвонлар бизни ҳолимизни кўриб масхара қилмоқдалар.

Бургут ҳам гапга аралашиб дебди:

— Бўрининг гаплари тўғри. Биз қушлар ҳам тайёр овқатга ўрганиб баландга ва узоқроқ масофага уча олмайдиган бўлиб қолдик. Меҳнатсиз ва машаққатсиз ейилган овқат ҳамда кўпинча дам олишимиз орқасида қанотларимиз анча қотибди. Бошқа жойлардаги бизга ўхшаш қушлар ўз меҳнати билан тирикчилигини ўтказаётганлиги туфайли осмонда бемалол парвоз қилмоқдалар. Уларга ҳавасимиз келади-ю, лекин тенглашишга ожизмиз.

— Мен сизларга яхшилик ва меҳрибонлик қилганимда бунинг оқибатини ўйламаган эканман, — дебди қассоб.

— Бизку, — дебди бўри, — ҳайвонмиз, сен одам боласи бўла туриб, ўйламай иш қилишинг уят. Хўп, майли сен ишга ярамайдиган бўлиб қолибсан, нима учун икки ўғлинг қассобчиликни давом эттира олмайдилар.

— Эй ҳайвон ва қушлар, — дебди қассобнинг хотини, — сизлар очликдан қанчалик қийналаётган бўлсангизлар, бизлар ҳам икки ўғлимизнинг ўта дангасалигидан ва ношудлигидан шунчалик азобдамиз. Эрим икки ўғилни сизларга ўхшаш текин овқатга ўргатди, эркалади ва меҳнатга йўлатмади. Менинг давримда ўғилларим роҳат кўрсин деб, кафтида кўтариб юрди. Натижада сеvimли

фарзандларимиз бамисоли худди тўнканинг ўзи бўлди. Иложи бўлса, унга қўнган пашшани биров қўрмаса, ҳатто қозондаги тайёр овқатни сузишга ва чой дамлашга эри-нади. Биз, эр-хотин, уларга эмас, аксинча, улар бизларга иш буюради. Булар ҳам майли-я, отасининг дардига малҳам бўлиш ўрнига, ундан бекитган пулларингизни чиқаринг, деб тиқилинч қиладилар. Ваҳоланки, бизда жамғарма маблағ йўқ. Уларнинг меҳнатга ҳеч тоби йўқ. Борди-ю бирор ишни буюрсак, жиғибийрон бўлади ва ақл ўргатади. "Берсанг ейман, бермасанг ўламан", дегандек юрадилар.

Шу пайт икки ўғил кириб:

– Отажон, ҳамон ётибсизми, неча кундан буён гўштсиз қолдик, ўрнингиздан туриб ишингизни қилаверинг, ажаб эмас тузалсангиз, – дейишибди.

Ўз фарзандлари, йиртқич ҳайвонлар ва қушлар ўровида қолган қассоб ўз қилмишларига пушаймон бўлиб, улар умрига зомин бўлганлигини англабди... Қассобнинг хотини вазиятни юмшатиш мақсадида иккита тузланган гўштни майдонга отганда ҳайвонлар ва қушлар у ерга ўзларини урибди. Уларнинг орқасидан беихтиёр икки ўғли ҳам гўштларни биз олишимиз керак, деб югураётганида онаси уларнинг йўлини тўсиб зўрға қайтарибди. Бунинг учун улар онасини роса ҳақоратлашибди.

Кундан-кунга фарзандлари, ваҳший ҳайвонлар ва қушлар уйига кириб тиқилинч қилавериши ёмон оқибатларга олиб келишини англаган қассоб хотини билан тунда уй-жой ва фарзандларини ташлаб қаёққадир ғойиб бўлибдилар. Йиртқич ҳайвонлар ва қушлар очликдан бирин-кетин ўлибдилар. Фарзандлари эса уй-жойни сотиб айшу-ишратга берилибдилар. Пировардида, бор-йўқларини ўринсиз сарфлаб, гадойчилик қилишдан бошқа иложлари қолмабди.

Шу равишда отанинг нодонлиги орқасида бир оила йўқ бўлиб кетган экан.

ҚЎЙ ОҒЗИДАН ЧЎП ОЛМАГАН ЙИГИТ

Ўтган замонда бир бадавлат кишининг одоб-ахлоқда ва гўзалликда тенги йўқ қизи бор экан. Бу қиз балоғатга етгандан кейин совчилар ёғилиб кела бошлабди. Бироқ қизнинг ота-онасига бирорта йигит ёқмабди. Кунларнинг бирида кечқурун бадавлат киши уйига келганда хотини уни жуда очик чехра, яхши кайфият билан қарши олиб дебди:

– Худога минг шукурки, мен орзу қилган куёв топилди. Бугун мен уни маҳалласига бориб роса суриштириб илма-тешик қилиб юбордим. Одамлар бир оғиздан уни ёввош, тортинчоқ, бировга тик қарамайдиган итоаткор ва ким нима деса шунга юрадиган ажойиб йигит дейишди. Агар у кўчада бўлса, қоронғу тушиши билан бир фалокат бўлмасин деб ғириллаб уйга кирармиш. Бир куни маҳаллага ўғри келиб тўс-тўполон бўлгандан кейин нақ ўн беш кун уй остонасини ҳатлаб кўчага чиқмабди. Шу даражада эҳтиёткор эканки қўй, эчки, сигир, мушук ва итни кўрса дарров ўзини панага олармиш. Хушмуомалаликда унга тенг келадиган бўлмаса керак. Ҳатто ҳайвонларни сизлар экан. Буни ўз қулоғим билан эшитдим. У эркак қўйга қараб:

– Қўчқор ака, қорнингиз очдими, овқат ейсизми?– деса бўладими.

Бундан ҳайратда қолиб оғзим ланг очилиб қолибди. У тагин сузмасин деб, қўчқор тахта билан тўсилганлигига қарамай унга ҳашакни дастаси анча узун ҳаскашда узатди. Буни қарангки, мабода кечаси туриш зарурияти туғилса, ота-онасини уйғотар экан. Хоҳ кундузи, хоҳ кечаси уйда ёлғиз қолишни ўзига эп кўрмайдиган йигит дейишди. Хуллас, у, қўй оғиздан чўп олмаган ва ота-онасининг кафтида вояга етган ипакдек йигит экан, эржон. Бунақанги "хитой қоғозига" ўралган йигитлар кам учрайди. Тезроқ унга қизимизни унаштирайлик, акс ҳолда биров илиб кетади. Эсим қурсин уни яна бир яхши томонини айтишни унутибман. Уни "ҳожигиз" деб аскарликка олишмабди. Ўзингизга маълум, эри аскарликка олинган қанчадан-қанча хотинлар азобда яшамоқдалар.

Қизнинг отаси тутоқиб кетиб:

– Ўзи сенга нима бўлди хотин? Шунчалик содда ва фаҳм-фаросатсизмисан. Йигитни яхши кўрдингми, у чи-накам эркакми? – деб сўрабди.

– Вой дод! – шанғиллабди хотини, – мен не азобда қиз туғиб балоғатга етказсаму, энди ҳеч нарсага тушунмайдиган бўлиб қолдимми? Ўзингиз-ку қўша-қўша ўғил туғдира олмаганингиздан кейин ичкучев қиламан деб юриб-сиз. Ҳамма айб ўзингизда! Ўғлимиз бўлганда биз куёв билан бирга яшашни ўйламаган бўлардик. Ичкучевликка шаддод йигитлар тўғри келмаслигини ҳамма гапираяпти.

– Хўп, сенинг айтганингдек уни куёв қилдим. Кейин нима бўлади? Куёв умрида меҳнат қилмаган бўлса, чорва молларига, деҳқончиликка, бозор-ўчарга ва бошқа хўжалик ишларига ким қарашади?

– Хизматкоримиз Тошмурод бор-ку.
– Кечаси уйда ёки кўчада бир ҳодиса рўй берса бизга ким таянч бўлади?

– Тошмурод.

– Меҳмонларни кутиш ва муомала қилиш нима бўлади?

– Тошмурод бор-ку.

– Биласан, мен савдо ишлари билан ўн-ўн беш кун уйдан чиқиб кетаман. Бўлажак куёв бола ўз соясидан қўрқадиган одам экан. Сизларни ким қўриқлайди?

– Тошмурод бор-ку.

– Кўриб турибсан ҳамма ишимизга балогардон – Тошмурод.

– Худо хоҳласа "ҳожи қизни" куёв қилиш насиб бўлса, сиздек бадавлат кишини паноҳида савлат тўкиб ва бой-вачча бўлиб юради, ҳамманинг ҳавасини келтиради. Кимсан фалончининг куёви деган сўз тарқалади. Буларнинг ҳаммаси обрўйимизга-обрў қўшиб душманларимизни дилини сиёҳ қилади.

– Менга усти ялтироқ ичи қалтироқ куёв керак эмас. Бунақа одамни миси чиқиб, қизимизнинг умрини ҳазон қилган бўламиз.

– Бадавлат бўла туриб куёвингизни миси чиққунча қараб турасизми?

– Ў, хотин, одоб-ахлоқ шундай нарсаки, уни бойлик билан ушлаб бўлмайди! Сен танлаган куёвингдан бўладиган болалар отасига суяк тортиб "ҳожи қиз" бўлсалар борми, унда кўрасан, зоти-зурриётимизнинг айнаб кетишини. Шундай вақт келадики, хизматкоримиз Тошмурод ҳам уйланиб биздан ажралиб кетади. Биз эса қариб, куч-қувватдан қоламиз. Шунда "ҳожи қизга" таянамизми? Энди сўзимга яхшилаб қулоқ сол. Бизга жасоратли, меҳнаткаш ва тадбиркор куёв керак. У "юлдузни бенарвон урадиган" бўлсин, ўтдай чақнасин! Бундай эркак оилани мустаҳкамлайди. Натижада оила ночорлик ва хўрлик билмайди, иззат-икром билан тилга олинади. Ундай отадан фарзандлар фахрланади ва унинг фазилатларини ўзлаштиради. Шундагина қизимиз бахтли ҳаёт гаштини суради.

– Сиз айтган йигитни тушингизда кўрасиз.

– Ажабо, бундай йигит билан яшамоқдамиз-ку. Ана-Тошмурод!

Она бу мутлақо ҳаёлдаги йўқ гапдан беҳуш бўлибди. У тузалгандан кейин ота ўз фикрини қатъийлигини билдирганда она қизининг фикрини билиш кераклигини айтибди. Қизини чақириб, аввало ўзи танлаган йигитнинг

мақтовини келтирибди. Бунга жавобан қиз: у йигитнинг феъл-атвори кўпроқ ожиз ва қўрқоқ аёлларникига ўхшар экан, дебди.

– Рози бўлмасанг ундан баттарига учрайсан. Отанг сени Тошмуродга бермоқчи. Биламан, отанг қайсар ўз айтганини қилади.

Қиз хурсанд бўлиб онасини ўпиб:

– Отамлар ақлли ва доно кишилар! – дебди.

– Вой ўлай, розимисан?

– Ҳа, – дебди қизи.

Икки ўт ўртасида қолган она анча совиб ўйлабди:

– Айтгандек, Тошмуродни ўзим тарбияладим. У жуда меҳрибон ва одобли. Касаллигимда қимирламай ёнимда бўлди, парвариш қилди. Эрим билан қизимнинг гапида жон бор. Дарвоқе қанчадан-қанча йигитларни суриштирдим, бирортаси Тошмуроддек эмас...

Кўп ўтмай тантана билан тўй ўтказилибди. Ҳар икки ёш бир-бирига ошиқ-мошиқ бўлишиб, серфарзандли бўлишибди ва узоқ умр кўришибди. Ота ва она умрларининг охиригача улар ҳаққига дуо қилибдилар.

"БО НИЯТИ ШИФО"

Қулбек ака қариндош-уруғлари орасида ва маҳаллада нуфузли кишилардан бири ҳисобланиб, тақводорлиги ва қаттиққўллиги билан ажралиб турар экан.

У табибникига бориб дебди:

– Қарийб бир ой бўлдики кўнглим доимо ғаш, сал нарсага тутоқиб кетаман, иштаҳам яхши эмас. Ҳатто фарзандларим ва хотиним кўзимга ёмон кўриниб кетаяпти. Нима дардга мубтало бўлдим экан, давоси бормикин?

– Касалингизни тузатадиган дори-дармон кўп, лекин уларнинг орасида тез фойда берадигани шаробдир, – дебди табиб.

– Ҳазиллашаяпсизми, шаробни ичиш у ёқда турсин, ҳатто ўзини кўриш гуноҳку. Уни ичганимдан кўра ўлганим яхшироқ.

– Ихтиёр ўзингизда, сизга бошқа дорининг нафи йўқ.

Қулбек ака аччиқланганича чиқиб кетибди. Бир неча кундан кейин яна табибга учраб:

– Касалим оғирлашаяпти, ажалим етганга ўхшайди, нима бўлса ҳам даволанг! – дебди.

– Сизни дарддан ҳоли қилиш учун аввало иштаҳангизни очиш лозим. Шунинг учун ҳам шароб ичишни таклиф этган эдим. Биз табиблар одамларнинг касалига

қараб шаробни, чўчқа, ит, эшак гўшти ва ёғларни дори сифатида тавсия этамиз. Ваҳоланки, улар шариат назарида ҳаром ҳисобланади. Бироқ, улар касални тузатиш мақсадида истеъмол қилинса гуноҳ бўлмайди. Фақат уларни истеъмол қилишдан олдин "Бо нияти шифо", яъни дарддан ҳоли бўлиш ниятида истеъмол қилаяпман дейилса, бас.

Шароб ичишнинг шарти шуки, у тузалгунча ичилади. Сўнгра ундан дарҳол юз ўгириш лозим. Акс ҳолда оқибати фожиа билан тугалланади. Агар шу шартга рози бўлсангиз шаробни бераман.

Иложсиз қолган Қулбек ака шаробни олиб кетибди. У кечқурун хона эшигининг орқасига тамба қўйиб, кўзини чирт юмган ҳолда бир катта пиёладаги шаробни "Бо нияти шифо" деб ичиб юборибди. Бир оз фурсатдан сўнг у ўз-ўзидан кулаверибди. Яна бир пиёла ичганда кайфи ошиб:

– Эй, шароб жаҳонда тенги йўқ мўъжиза экансан, сени яратганнинг жони жаннатда бўлсин. Сен билан аввалроқ учрашганимда ўтган умримга ачинмас эдим. Ҳозир бамисоли бургутга ўхшаб осмонда парвоз қилиб юрибман. Энди менинг ҳам даврим келди, одамларга ўзимнинг кимлигимни кўрсатиб қўяман. Шароб омон бўлса, ақлимга-ақл қўшилиб, ҳеч бўлмаганда шаҳарга ҳоким бўламан. Сўнгра подшоҳ саройга яқинлашиб, у ердагиларни ҳам ичишга ўргатаман ва дўстларни кўпайтираман. Ажаб эмас, тахтни ҳам қўлга олсам.

Қулбек шу тариқа ичишга одатланибди.. Унда манманлик ва мақтанчоқлик туйғулари пайдо бўлибди. Ҳатто кечани бегона аёллар билан ўтказадиган бўлибди. Шу равишда шароб Қулбекни тирноғидан то тепа сочигача бўлган бутун аъзои баданини қоплабди. У шаробни ҳаёт рамзи ҳисоблаб, унга сигинибди. Уни ичиш олдидан "Бо нияти шифо" дейишни ҳеч унутмабди. У бу иборани бегона аёллар билан муомала қилишдан олдин ҳам айтаверибди. Бу аёллардан бири:

– "Бо нияти шифо" нинг маъноси нимада? – деб сўрабди.

– Дардга чалинганимда, – дебди Қулбек, – табиб "ҳаром" нарсаларни "Бо нияти шифо" деб истеъмол қилинса гуноҳ бўлмайди, деган эди. Иккаламизнинг орамиздаги ўзаро алоқа никоҳсиз ва ўғринча бўлганлиги учун ҳаромдир. Шунинг учун "Бо нияти шифо" ни айтишни унутмайман. Сен ҳам бу иборани ишлатишга одатлансанг гуноҳларинг ювиларди.

– Энди вақт ўтди. Ҳаром йўлга кирганимга ўн беш йилдан ошди. Келажакни ўйлаб ваҳимага тушаман. Ҳеч

кимим йўқ, ҳалойиқ мендан ҳазар қилади. Пировардида хор-зор бўлиб ўлсам керак.

— Менинг аҳволим ҳам ачинарли, бола-чақам олдида юзим қора бўлди, топиш-тутишимни баракаси учди. Яхшиямки, бойлигимни сенга асрашга бериб қўйган эканман. Акс холда икки бармоғимни бурнимга тиқиб қолардим. Ҳозир уни сендан олмоқчиман.

— Берган омонатингиздан тонмайман, лекин у менга жуда керак. Мен фақат уни илинжида сизга ўз ихтиёримни берган эдим. Наҳотки, буни англамаган бўлсангиз.

— Менда англаш ва узоқни кўриш қобилияти бўлганда ичкилик ва бузуқчилик кўчасига муккамдан тушар эдимми. Бу камдек бойлигимни хотиним ва фарзандларимга ишонмай сенга берармидим. Мен нодонларнинг нодони ва аҳмоқларнинг аҳмоғи бўлиб чиқдим.

— "Бо нияти шифо" деган ҳикматли сўзни асл маъносига тушунишни истамай уни барча ножўя ишларимда ишлатиб гуноҳимга-гуноҳ қўшдим. Мана энди ичкилик ва бузуқчилик иккаласи биргалашиб мени жар ёқасига келтирди, обрўйимдан ва бойлигимдан айрилдим.

Менга шафқат қил, бойлигимнинг жилла бўлмаса ярмисини қайтариб бер!

— Кўп бошимни қотирмаг, барибир мендан ҳеч нарса ололмайсиз. Сиз сўраган бойлиқнинг ярмисини пулнинг илинжида аёлларга илашадиган йигитларга сарфлаб, бошини айлантириб тегиб оламан.

— Мен сени эрга тегишингни кафлини олган эмасман, ўз ҳақимни талаб қилаяпман.

— Яхшиликча бу ердан қорангизни ўчиринг, бўлмаса шармандангизни чиқараман.

— Шундайми?

— Шундай, қўлингиздан келса, осмонга олиб чиқиб ташлаб юборинг.

Бу кутилмаган воқеадан ларзага тушган Қулбекнинг кўзи косасидан чиқар даражада тутақиб, ўйнаш аёлни бўғиб ўлдирибди. Бироздан кейин юраги ёрилиб ўзи ҳам дунёдан ўтибди.

ҚАРИЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ

Шаҳардаги маҳаллаларнинг бирида ҳунарманд Мансур ака жамоа аҳли орасида "жаннати одам", "нуроний", "пирии бадавлат" каби мақтов сўзлари билан тилга олинар экан.

У бир йигитга етмиш ҳунар оз деганларидек, ёшлигида бўзчилик, тикувчилик, кўнчилик, кулолчилик ва устачиликни мукаммал эгаллаб, шуҳрат қозонган экан.

Йигит кимдан қайси ҳунарни ўрганса, аввало ўша кишининг одоби, ахлоқи, оқибати, дўстга садоқати қандай эканлигига эътибор берибди. Ўз кўнгил, қалб бисотини, бир чимдимдан тўлдириб борибди. Шу сабабли у ақлли ва фаросатли киши сифатида обрўга эга бўлибди.

Кўнларнинг бирида Тошболта исмли савдогар унинг ҳузурига келиб дебди:

– Тақсир, бугун масчитда ўғилларимни "оқ" қилиб шармандасини чиқардим. Биласизки, фарзандларимга атаб ҳашаматли иморатлар қурдим. Тўйларни шу даражада катта қилдимки, уларнинг доврўғи ҳанузгача огиздан тушгани йўқ. Эндиликда бойликларимни сарфлаб, куч-қувват ва топиш-тутишдан қолганимда ҳеч кимга керак бўлмай қолдим. Айниқса бетоблигимда ҳолимга маймунлар йиғлади. Хотиним вафот этиб кетганлиги орқасида, бир пиёла чойга зор бўлдим. Яна шуниси алам қиладики, ошна-оғайниларимдан бирортаси ҳам ҳолимдан хабар олмади. Нима бало охир замон бўлдики ўзи?

– Замон ўзгаргани йўқ. Гап шундаки, қариянинг обрўйи ва мавқеи унинг феъл-атворида боғлиқдир. Кўп қариялар бунинг ҳисобга олмай, ўзларига иззат ва ҳурматни талаб қиладилар. Бунинг оқибатида ўзаро муносабатлар кескинлашиб жанжаллар юзага келади.

Умр бўйи етти ўйлаб, бир қирқишга, ҳар қандай шаронгта ўзини тутатилишга ва хушмуомалаликка одатланиш керак. Бу фазилатларни ўзида экс эттирган қариялар ўз атрофига фарзандларини, келинларини, жигарларини жамлай олади. Борди-ю қария тили аччиқ, қўрс ва жоҳил бўлса, яккаланиб қолади. Бундай кишиларни ҳалойиқ "ёмон қарибди", деб унга яқинлашгиси келмайди. Ўзингиз ўйланг, қариянинг куч-қуввати ва топиш-тутиши бўлмай, фақат жоҳил бўлса, у кимга ёқади? Бунинг эътиборга олган қариялар ўғиллари ва келинлари билан баҳамжиҳат яшашади.

Бир донишманддан "жанжалнинг уяси қаерда?" деб сўрашганда "катта оилада", деб жавоб қилган экан. Бундай оилада айниқса ота-онага, яъни катталарга қийин. Улар умумий қозондан овқатланадилар. Бироқ бу овқатлар кўпинча қарияларга мос тушавермайди. Бунинг устига келинларнинг орасида қайнона ва қайнотани оёқ ости қилувчилари ёки эътиборсиз қолдирувчилари оз эмас. Бундай ҳолларда айрим фарзандлар хотинларининг раъй-

ига қарайди. Шунга қарамай ота-она чидашга мажбур бўлса-да, лекин ич-ичидан азоб чекади. Улар ўзларича рўзгор тебратишга қодир бўлмай, фарзанд ва келинларга қарам бўлганликлари туфайли тилларини тийиб юришга мажбурлар. Бундай қила олмаганлар оиласида эса доимо жанжал кўтарилади.

Мен кексайганимда ана шу қарамлик сиртмоғига илинмаслик мақсадида ўттиз ёшимдан бошлаб даромадимнинг маълум қисмини ҳар куни ҳумчага ташлаб бордим. Етмиш ёшга кирганимда, яъни қирқ йилдан кейин ҳумчани очсам кексалигимни таъминлайдиган маблағ йиғилибди. Ҳозир мен хотиним билан ўзимизга алоҳида қозон осиб истаган овқат ва нози-неъматларни истеъмол қиламиз. Бу билан биз фарзандларимиз ва келинларимизга қарамликдан ҳоли бўлдик. Бу бизнинг эркинлигимиз ва тинчлигимизни таъминлади.

Қариганда, айниқса зиқна одамларнинг ҳаёти мушкуллашади. Уларнинг феъли торайиб, фикри-зикри пул ва мол йиғишда бўлиб қолади. Ҳатто улар ўзларини овқатдан ҳам сиқадилар. Бундай кишиларни "нон емас" деб аташади. Улар дуч келган жойдан бирор нарсани юлишга ҳаракат қиладилар. Улар фавқулодда арзимаган харажат қилса борми, жон-пони чиқиб кетади. Бир мисол. Мен иш юзасидан дўстимни зиқналикда ном чиқарган қариндошимникига олиб бордим. Дўстим дастурхондаги бодомни чақса, унинг устидаги уч-тўрттаси юмшоқ, тагидагилари эса қаттиқ экан. У буларни чақишга уринган пайтида зиқнанинг ранги ўчиб, вой-бўй аждарҳомисиз деса бўладими. Шу пайтда унинг хотини менинг қариндош бўлганлигимни назарда тутиб:

– Адаси, меҳмонларга овқатга олов ёқайми? – деганда, зиқнанинг жони чиқиб:-

– Эй, нодон зарурат бўлса, ўзим айтаман, – деганини билмай қолди.

Шундан кейин гапга-гап уланмай чиқиб кетдик. Бу аҳволга тушмаслик учун қариялар саҳий ва меҳмондўст бўлишлари лозим.

Қариялар орасида кийинишга ва озодагарчиликка эътибор бермайдиганлари йўқ эмас. Улар уй кийими билан масжидга ҳам, меҳмонга ҳам бораверадилар. "Одамга либос, эшакка тўқим", деганларидек ҳар бир қария ўзига ярашадиган, хушбичим кийимда юриши, соқолларини, сочини ва тирноқларини ўз вақтида тартибга солиши лозим. Афсуски, ойлаб ҳаммом кўрмайдиган қариялар ҳам учрайди. Кексайганда сергаплик ва мақтончоқлик, наша

чекиш, қора дори ейиш ва бошқа хунук одатлар ярашмайди. Шунингдек қариялар учун бачканалик, ёшларга хос қилиқларни қилиш тўғри келмайди.

Баён этилган нуқсонлар қарияларни халойиқнинг назаридан қолдиради ва уларга ҳеч ким ҳавас қилмайди, аксинча, нафрат уйғотади.

– Ҳамма гапингизга, – дебди Тошболта, – тушундим, бунинг учун миннатдорман. Ўйласам "гапирса ҳам бой боласи гапирсин", деб оғзимизга келганини тортинмай гапираверган эканмиз. Дарҳақиқат, тилим аччиқ, жоҳилман, фақат зикна эмасман, холос. Хуллас, сиз санаб ўтган кишининг обрўйини тўқувчи ва яккаловчи нуқсонлар ўзимда борлигини ҳозиргина англадим, пешонам қурсин, нодон эканман.

Тошболта бу ердан биров савалагандек чиқиб кетиб карвонга қўшилиб, у қаерга юрса ўша томонга бораверибди. Ниҳоят бир шаҳарга келганда бозор атрофида бир ташландиқ уйга ўрнашибди. У ўзига ўхшаган кишиларга қўшилиб бозорда қоровуллик вазифасини ўтабди. Ўз ҳамроҳларига бошидан ўтган ташвишларини ҳикоя қилибди, йиғлабди ва пушаймон бўлибди. Бироз ўзини тутиб олгандан кейин саводли бўлганлиги туфайли дарвешлик касбини эгаллаб, Мансур аканинг ёшлик вақтларидаёқ қарияликни таъминлаш чораларини кўриш ва уларнинг хулқ-атвори қандай бўлиши ҳақидаги мулоҳазаларини тарғибот қилибди.

УЧҚУНДАН АЛАНГА...

Ўтмишда маҳаллаларда чойхона, новвойхона, сартарошхона ва савдо дўконларини ўз ичига олган гузарлар бўлган. Бу ерларда, айниқса жума кунлари одам кўп тўпланган. Шундай кунларнинг бирида, кўпчиликка таниш қассоб гузарнинг ўртасидан болтани осмонга ўқталиб:

– Ушланглар, ушланглар, ёрдам беринглар, – деб бировни қувгандай чопиб ўтибди.

Одамлар қассобнинг бошига оғир мусибат тушибди деб ўйлаб, унинг кетидан "ушланглар, ушланглар", деб бақаришиб чопиб кетаверишибди. Бу оломонга йўл-йўлакай бошқа одамлар ҳам қўшилибди. Шу кетишда қассоб бир катта толнинг тагида турган қўйнинг бошига болта билан уриб ўлдирибди. Шу дақиқада қўй эгаси келиб:

– Қўйимни нимага ўлдирасан? – деб бир-бири билан тоза уришибди. Сўнгра у қассобни пичоқлаб ташлабди.

Етиб келган оломон қараса – қассоб ўлдирилган. Қувган кишиси шу бўлса керак деб уни уриб ўлдиришибди. Бу воқеадан хабардор бўлган қўй эгасининг ўғиллари ва қўшнилари келишиб оломон билан шу даражада уришибдиларки, ҳар икки томондан ўнлаб киши ўлдирилибди ва қаттиқ яраланибди. Ҳукумат вакиллари бу фожиали тўполонни зўрға тинчитиб, урушнинг сабабини сўраганларида ҳеч ким аниқ айтиб беролмабди.

– Қани қассобнинг уйига борайликчи, – дейишибди одамлар, – ахир у шу ердан кимни қувиб чиқдийкин?

Улар қассобникига келишса, ҳовлида катта тана сўйилган ва қассобнинг хотини ичак ювиб ўтирибди. Улар аёлдан:

– Уйингизда бирор жанжал бўлдими, қассоб нима учун уйдан чиқиб кетди? – деб сўрашибди.

Аёл пинагини бузмай:

– Ҳа, жаҳолат қурсин, қассоб "сенмисан мени чақадиган" деб бир арини қувлаб кетганди, шу пайтгача дараги йўқ, тинчликми?

Шундан кейин одамлар англабдики, қассоб аридан ўч олиш мақсадида уни қувлаган ва одамларни ёрдамга чақирган. Ари бориб қўйнинг бошига қўнган, қассоб у билан қўйни биргаликда болта билан урган. Одамлар ҳанг-манг бўлишиб, қанчадан-қанча кишилар бекордан-бекорга ўлиб кетганидан қаттиқ ларзага келибдилар, бутун шаҳар мотамсара бўлибди. Эртасига жума номозига шайхулислом дебди:

– Ҳурматли жамоа аҳли, кўз ўнгимизда бекордан-бекорга одамлар ўлиб ва жароҳатланиб иснод келтирувчи фожеа юз берди. Бунинг бирорта арзигулик сабаби бўлганида ҳам кишининг юраги бу даражада ўртанмас эди. Бир одамнинг нодонлиги ва жиззакилиги орқасида қанчадан-қанча қонлар тўкилди, болалар етим, аёллар эса бева бўлиб қолдилар. Афсуски, бундай нохуш воқеалар ўтмишда ҳам бўлганлиги маълум. Буларнинг ҳаммаси ҳеч нарсадан, ҳеч нарса йўқ кек сақлаш ва ўч олишга мойил бўлишдан, енгилтакликдан юзага келган.

– Бир куни, – деб гапини давом эттирибди шайхулислом, – мен боғимда ишлаётган мардикор билан суҳбатлашиб қолдим. Маълум бўлишича, йигирма йил бурун ўз уйидан бош олиб чиқиб кетибди. Тўртта ўғил-қизи бор экан. Бир куни хотини билан жанжаллашиб қолибди. Хотини бехосдан дод-фарёд кўтарибди, қўшнилари тўпланишибди, хотинини хафа қилган эркак шаънига тегадирган сўзлар айтилибди. Шу ондаёқ у чопонини

елкасига ташлаб, боши оққан томонга кетибди. Шундан буён шаҳарма-шаҳар кезиб мардикорлик билан тирикчилик қилиб юраркан.

– Хотинингизнинг қайси гапидан қаттиқ ранжидингиз? – деб сўрадим. Хотини кўпчилик олдида:

– Ҳаромидан бўлган эркак хотинини уради! – деган экан.

Бу гап юрагига пичоқдек тақалибди. Болалари ҳурмати юзасидан қаҳрини босибди. Шунча узоқ вақт ўтишига қарамай хотининг ўша сўзи ҳамон юрагини сирқиратар экан. Эркак киши бўлатуриб, дунёдаги энг яқин киши-сидан ҳақорат эшитгани алами дилидан кетмас эмиш. Бу алам ҳанузгача юрагини тирнар экан. Ҳозир у гап кўтаролмайдиган бўлиб қолибди. Ўша таҳқирланишдан сўнг ўзини чивин чақса ҳам уни ер тагидан бўлса ҳам топиб жазосини бериб ўч оладиган бўлиб қолибди.

Шайхулислом мардикор ҳақидаги воқсани тамомлаб дебди:

– Мен мадрасада ишлаб юрган кезларимда оддий муаллим бир муллаваҷчани ўз ҳолига қўймай, ўқишига тўсқинлик қилишга ва асабини бузишга ҳаракат қиларди. Сабабини билсам, ўша муаллим муллаваҷчанинг отаси мадрасада дарс берган вақтларида унда ўқиган экан. Бир куни тартиб-қондани бузганлиги учун у киши кўпчилик ҳузурида уни қаттиқ мулзам қилибди. Гарчан бу асосли бўлса-да, лекин "хаф саними" деб қўйган экан. У одам вафот этди. Кўп ўтмай унинг ўғли, яъни ўша муллаваҷча мадрасага ўқишга кирибди. Шундан кейин ўлими муносабати билан отасидан ололмаган ўчини ўғлидан ола бошлабди. У бир-икки йил чидабди, азоб чекибди, лекин сир бой бермай секингина бошқа мадрасага ўтиб кетибди. У жуда хушёр, ақлли ва тadbиркор йигит экан. Унинг бу хусусияти муаллимнинг аламига-алам қўшибди. Вақти келиб, муллаваҷча мадрасани муваффақиятли битиргандан кейин хон саройига хизматга олиниб, обрўси ва мартабаси тобора кўтарилиб борибди. Бунда, албатта, хоннинг қўли борлигини англаган муаллим аламидан хоннинг шаънига тегадиган сўзлар айтиб юборибди. Хон буни эшитиб ичи қора муаллимни ўз ҳузурига чақирибди. Нима учун муллаваҷчани ёқтирмаслигини сўрабди. Бунга жавобан муаллим, муллаваҷчадан отасининг ўчини ололмай доғда қолганини, энди бу аламни ўғлидан олаётганини айтибди. Хон ғазабга келиб дебди:

– Сизнинг отангиз душманларим тарафида туриб менга қарши курашган, сўнгра жазодан қочиб хорижий мамла-

катга кетган ва ўша ерда вафот этди. Мен ҳам сизга ўхшаб отанинг айби учун унинг ўғлидан, яъни сиздан ўч олишни лозим топдим. Агар яхши одам бўлганингизда бу ишни қилмаган бўлардим, албатта.

Хон фармонига кўра ичи қора муаллим ўлимга маҳкум этилибди.

– Мухтарам жамоа! Сўзимнинг якуни шундан иборатки, – дебди шайхулислом, – ўч олишнинг фожиали оқибатларини ўзимизда юз берган қассоб воқеасидан ва мен ҳикоя қилган қўшимчалардан яққол кўрдингиз. Бундай мисоллар ҳаётда кўп учрайди. Учқун алангага айланганидек ўч олиш, кўп ҳолларда оғиздан отилиб чиққан айрим ўринсиз сўзлардан ва кўз илғамайдиган ножўя хатти-ҳаракатларидан юзага келиб оила ҳаётини издан чиқаради. Кек сақлашга ва ўч олишга мойил шахслар ўзларининг ор-номусини, ғурурини ва қадр-қимматини ҳўрламаслик ниқоби остида иш юритадилар. Ваҳолонки, улар амалда бу яхши фазилатларни барбод қиладилар. Беҳудага кек сақлаш ва ўч олиш одамзот бошига битган балодир. У тарихда қанчадан-қанча одамларнинг ёстигини қуритган, оилаларига ва умуман ҳаётга салбий таъсир қилган. Унинг гирдобига мана бугун бизнинг шаҳримизда бўлгани каби беғуноҳ одамларнинг тортилиб кетиши ва ҳалок бўлиши ачинарлидир. Шу боисдан ҳиссиётларга ва жаҳолатга берилиш сабабини суриштирмай, фавқулоддаги тўполонларга аралашиш халққа кўп фожеа келтиради.

ҲАСАДГҶЙНИНГ ТАҚДИРИ

Ўрта хол оиладан чиққан Асилжон ака ўзининг ақл-идроки ва ишбилармонлиги туфайли обрўйи ва мартабаси тобора ошиб борибди. У элликбоши, сўнгра юзбошии мансабларига сайланибди. Бироқ шу жараёнда бошидан кўп ташвишларни ҳам ўтказибди. Айниқса, унга Қашқир лақабли девор қўшниси анча номаъқулчиликларни кўрсатибди.

Кунларнинг бирида бир аёл йиғи-сиғи билан сочлари ёйилган ҳолда қозининг олдига келиб дебди:

– Бошимга ёмон мусибат тушди қозим! Уни ҳеч кимга гапириб бўлмайди. Начора, сиздан мадад сўраб келдим. Бугун кечаси одамлар авлиё деб юрган Асилжон қўшнимиз уйимга бостириб кириб номусимга тегди. Энди нима деган одам бўлдим, бундан ўлганим афзалроқ.

– Жуда хунук воқеа рўй берибди, гувоҳлар борми? – сўрабди қози.

– Э, бундай ёмон ишларни одам гувоҳ билан қиладимиз? Ўзим ҳам гувоҳ, ҳам жабрланувчиман. Наҳотки, бадавлатликда тенги йўқ Қашқир аканинг хотини ёлғон гапирса? Биз туҳмат қилишга худодан қўрқамиз.

Қози ҳайрон бўлиб Асилжон акани чақиртириб сўроқ қилибди. Бироқ у аёл гапларини туҳмат дебди.

– Мен сизни яхши биламан ва жуда ҳурмат қиламан, дебди қози. Бироқ бу оқлашга асос бўла олмайди. Аёлнинг даъвосини далил-ашёлар билангина йўққа чиқариш мумкин. Шу боисдан мен бир чорани ўйлаб қўйдим. Аввал бу хонага сиз, кетингиздан аёлни киритиб, устингиздан эшикни қулфлайман. Сиз аёлни босқинчилик йўли билан бўйсундиришга ҳаракат қилинг.

– Ҳазиллашаяпсизми? Бундай иш ҳам гуноҳ, ҳам жиноят-ку. Ундай қила олмайман!

– Фақат мен айтган тадбиргина бошингизга ёғилаётган маломат туҳмат эканини фош этади. Агар сиз бунга юрмасангиз, Қашқир ака сизни дорга осдиришга эришади.

Анча тортишув ва тушунтиришлардан сўнг Асилжон аканинг рози бўлишидан бошқа иложи қолмабди.

Қози уни хонага киритгандан кейин аёлни чақиртириб дебди:

– Одатда эркак киши босқинчилик қилганда аёл қаршилик қилса, унинг баданида моматалоқлар ҳосил бўлади. Сизда эса булардан ном-нишон йўқ. Бинобарин, даъвоингизни инobatга ололмайман. Аммо Қашқир акага ҳурматим юзасидан сизга ёрдам бермоқчиман.

– Бунинг учун нима қилишим керак?

– Ҳозир мана бу хонага кирасиз. Асилжон ака сизга босқинчилик қилганда имкони борича қаршилик кўрсатасиз. Акс ҳолда эрингиз олдида бадном бўласиз. Олишув натижасида баданингизда моматалоқлар юзага келади. Сўроқ вақтида бу белгиларни бу хонада эмас, балки уйимда Асилжон ака босқинчилик қилган вақтда бўлган деб туриб оласиз. Бу менга Асилжон акани ўлимга ҳукм қилиш учун асос бўлади.

– Барака топинг, қози акажон, яхшилигингизни унутмайман. Эрим сизга атаб катта совға тайёрлаган. Хотиржам бўлинг, мен бўш келадиган аёллардан эмасман. Пўлатдек мустаҳкам иродам бор.

Қози аёлни хонага киритибди. Икки соатлардан кейин улар олдида кирса, Асилжон ака сулайиб ётган эмиш. Аёл эса ғолибона оҳангда дебди:

– Қози акажон кўрдингизми; кучи етмай ер-парчин бўлиб ётибди.

– Баракалло, сизда бешта эркакнинг кучи бор экан-ку.
– Хоҳласам, бунақанги эркаклардан иккитасини чил-парчин қиламан. Тагин мақтанаяпти деманг, бу ҳақиқат.
– Айтинг-чи, кеча Асилжон ака уйингизга бостириб кирганда ҳам олишув бўлган эдими?

– Ҳа, бундан ҳам қаттиқроқ курашганмиз.

– Шундай экан, нима учун ўша куни баданингизда ҳозиргига ўхшаб маматалоқлар бўлмади. Балки унга хоҳиш билдиргансиз. Шу тарзда воқеа содир бўлган бўлса, у вақтда сиз ўз эрингизга ҳиёнат қилганлигингизда айбланиб жазога тортиласиз. Аммо ишончим комилки, сиз беномус аёллардан эмассиз. Бу хонада ўтказилган тажрибадан яққол исботландики, ўзингиз айтгандек "пўлатдек мустаҳкам иродага" эгасиз. Ҳатто хоҳласангиз "икки эркакни чил-парчин" қилиб ташлашга қодирсиз! Кўриниб турибдiki, аёлда хоҳиш бўлмаса, эркак зўравонлик билан мақсадига эриша олмайдди. Шу боисдан Асилжон аканинг босқинчилиги ҳақидаги даъвоингиз туҳматдан бошқа нарса эмас!

– Мени ниҳоятда усталик билан тузоққа илинтирдингиз, – деди аёл. – Масаланинг бу даражада газак олиши ҳаёлимга келмаган экан. Виждон азобидан қийналаётганимнинг чегараси йўқ Ҳаммасига эрим – Қашқир сабабчи бўлди. У мен турганда бир зоти паст Асилжон мингбоши бўладими деб, жиннига ўхшаб қолди. У доим Асил аканинг обрўи ошиб бораётганидан тутоқиб юрарди. Шу даражага етиб бордiki, у менга нима сабабдан Асилжон боғидаги дарахтлар бизникига нисбатан яхши ҳосил беради, нима учун унинг оти ва моллари семириб, ялтираб кетаяпти, дерди. Бир кун, унинг Асилжоннинг боғига кесак отаётганини кўриб, сабабини сўрадим. У:

– Булбул бизнинг боғимизга қўнмай, ҳадсб уникида сайрайверадими? – деб айтди.

Икки кун илгари у менга:

– Туҳмат билан Асилжоннинг шармандасини чиқарамиз, – деди. – шундагина йўл очилиб, мен мингбоши бўламан. Бу ишни сен амалга оширасан.

Мен бош тортдим. Бироқ у сўзига кирмасам ўзини-ўзи осажагини айтиб ертўлага кетаётганда орқасидан бориб розилик беришга мажбур бўлдим.

– Асилжон ака софдил, ҳалол ва беозор одам. Биламан туҳмат қилганим учун қаттиқ жазо оламан. Аммо, Асилжон ака ҳақида ҳар хил гаплар кўпайиб, мингбошиликка сайланмай қолиши мумкин. Бу эримга жуда қўл келади. Икки ўртада мен ва Асилжон ака қурбон бўлиб кетмайлик.

Кўзим очилди, нодонлик қилибман. Мени кечиришингизни илтимос қиламан.

Асилжон ака аёлнинг аҳволига ачиниб қозидан уни жазоламасликни илтимос қилибди. Аёл унинг оёғига йиқилиб узр сўрабди.

Қози вазиятни ҳисобга олган ҳолда, овоза қилмай ишни ёпиб юборибди. Аёл виждон азобида оғир дардга чалинибди, кўп ўтмай вафот этибди. Шундан кейин Қашқир аканинг аламига-алам қўшилиб, икки кўзи қонга тўлибди. У нима қилишини билмай гангиб қолибди. У ўзининг узоқ яшамаслигига ақли етиб бекорга ўлиб кетганидан кўра заҳар ичишга ва буни Асилжон акага тўнкаб, уни бадном қилишга қарор қилибди. У Асилжон аканинг уйига кириб бир оз суҳбатлашгандек бўлибди, оғзига бир нарса солиб чой ичиб юборибди. Сўнгра:

– Вой-дод! Мени Асилжон заҳарлади! – деб бақираверибди.

– Қашқир ака ҳириллаган овоз билан Асилжон акага дебди:

– Энди, сен икки дунёда ҳам мингбоши бўла олмайсан. Сен энди жонингдан ҳам айрилдинг. Сени қотил сифатида осишади. Бунга ўзинг сабабчисан. "Фақир киши панада" тарзида юраверганингда ёки "мингбошиликка менга нисбатан ақллироқ Қашқир акам борлар", – деганингда бошқача бўларди. Ўзинг ўйлаб кўрчи, отнинг ўрнини эшак эгалласа чидаб бўладими? Сен неча йилдирки, юқорига интилиб юрагнимни ловуллатиб келдинг. Буни асло кечира олмайман. Нариги дунёда ҳам сен билан курашни давом эттириб, суякларингнинг кулини кўкка совурмасам юрак ўти ўчмайди...

Би оз фурсатдан сўнг у вафот этибди.

Бироқ дунёда яхши одамлар кўп. Табибдан заҳар олаётиб ғазаб билан "Асилжон акани бадном қиламан!" деганини ўзи ҳам билмай қолганини айтишиб, қора юрак Қашқирни яна фош этишибди.

Бу ҳақда табибнинг ўзи гувоҳлик берибди. Асилжон ака эса мингбоши қилиб тайинланибди.

Аммо Асил мингбоши бўлгандан кейин ҳам доимо қўлидан келганича ҳаммага яхшилик қилибди. Ҳеч кимнинг кўнглини ранжитмасликка ҳаракат қилибди. У Қашқир ака ва унинг шериклари душманлигининг сабаби ҳақида кўп ўйлабди. Бу ҳақда донишманд шундай фикр билдирибди:

– Шуни ёдда тутиш лозимки, ҳар ўн беш-йигирма киши орасида битта-иккита туғма ҳасадгўйлар учраб туради.

Буларни, мабодо, ранжитсангиз, кечиришлари мумкин, лскин ишбилармон бўлиб, обрўйингиз ва мансабингиз кўтарилиб борса, у вақтда кўра олмасликдан юраклари ўз-ўзидан қип-қизил чўғга айланиб кетаверади. Ҳасадгўйлар мансабпараст ва шуҳратпараст бўлиб, ўзлари-ни доимо олдинги сафда ва ҳамманинг диққат марказида бўлишга ҳаққим бор деб ҳисоблайдилар. Бунга эришиш учун фисқу-фасод уруғини сепиб, одамларни бир-бирларига тўқнаштириб қўядилар. Ҳасадгўйнинг Қашқир акага ўхшаган ашаддийлари ўз мақсадларини рўёбга чиқариш учун ўз хотини ва ҳатто ўз жонини ҳам қурбон қилишдан тоймайдилар. Улар лаганбардорликни, иккиюзламачиликни ва туҳматни ўз ўрнига қўйишга уста бўладилар.

Бир фожеали воқеанинг гувоҳи бўлганман, – деб давом этибди донишманд. – От пойгасида бир ҳасадгўй маррага яқинлашганда оти қоқилиб чопа олмай қолди. У дарҳол ўзини ўнглаб, ўзини олдинги сафда кетаётган пойгачи отининг оёғи тагига ташлади. Уни оғир жароҳатланган ҳол- да олиб чиқиб, нима сабабдан шундай қилганини сўраш-ганда:

– У одам биринчиликни олгандан кўра, менинг ўлганим яхшироқ! – деб жон берди.

Ҳасадгўйларда бўриларга хос бўлган хусусиятлар мавжуд. Маълумки, бўрилар тўдасининг ичида фақат бошлиғи ўзининг кимлигини кўрсатиш мақсадида доимо думини кўтариб юради. Мансабга эга бўлган ҳасадгўйларнинг эса димоғлари шишиб, бурунлари кўтарилади.

Сизга ўхшаш софдил ва меҳнаткаш одамлар, кўпгина раҳбарлар ҳам ҳеч кимга зиёнимиз тегмай, яхшилик қилаётирмиз-ку, демак душманимиз йўқ деб хотиржам юришади. Ваҳоланки, одамлар орасида ҳасадгўйлар бор. Буни унутманг, чорасини кўриб юрган одам қоқилмайди.

АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА МИРШАБ СУҲБАТИ

Машҳур шифокор Абу Али Ибн Сино оғир дардга чалинган бир кишини даволабди. Бунинг учун у киши миннатдорчилик изҳор қилиб шундай дебди:

– Табиблар "касалнингга даво йўқ, кўпи билан бир ойлик умринг қолди", дейишган эди. Ўлганимда олти фарзандим стим қоларди. Сиз туфайли соғайиб кетдим, яхшилигингизни умрбод эсдан чиқармайман. Нима хизмат буюрсангиз бажонидил бажаришга тайёрман. Миннатдорчилигим рамзи сифатида шу кичик совғамни олсангиз.

– Совғангизни олмайман. Ўз вақтида сиз ҳам менга яхшилик қилгансиз, – деб жавоб қилибди улуғ ҳаким.

– Кечирасиз, балки мени кимгадир ўхшатаётгандирсиз. Негаки, сиз билан илгарилари бевосита учрашган эмасман. Сиз менга дори-дармон бериб, бир неча кун овора бўлдингиз.

– Сиз билан сўзлашмаган бўлсам-да, сизни яхши билман. Сиз донғи чиққан Ботир исмли миршабсиз. Бир вақтлар қишлоқ мингбошисиникига бемор кўргани кетаётганимда бозорга ҳам кирдим. Бу ерда кайфи ошган иккита безори мени урмоқчи бўлганда, бир савдогар уларни роса савалади. Сўнгра унинг ўзи қаёққадир ғойиб бўлди. Ҳатто унга миннатдорчилик изҳор этишга улгура олмадим. Шунда мингбоши келиб нохуш воқеа рўй берибди, деб узр сўради. Унинг айтишича, безориларни урган савдогар аслида Ботир исмли миршаб, яъни сиз бўлиб чиқдингиз. Сиз махсус топшириқ билан хавфли жиноятчини тутиш мақсадида савдогарлик қилиб юрган экансиз. Иккинчи воқеани ҳам эслатаман. Беморни даволаш ниятида Самарқандга кетаётганимда йўлда икки дарвешнинг мени зимдан кузатаётганини пайқадим. Бир вақт отим дардга чалиниб юра олмай қолди. Шунда ўша дарвешнинг бири қаёққадир ғойиб бўлди. Маълум вақтдан кейин атрофдаги қишлоқ оқсоқоли унинг кузатувида от, сув ва озиқ-овқат келтирди. Кейин билсам, бу дарвеш ҳам сиз экансиз.

– Тўғри, хоннинг кўрсатмасига мувофиқ мен ва шеригим Сизнинг ҳавфсизлигингизни таъминлашга сафарбар қилинган эдик.

Юқорида қайд қилганимиздек, мен сизни икки ҳолатда, яъни савдогар ва дарвеш қиёфасида учратдим. Сизни элчининг ёрдамчиси сифатида чет мамлакатга борганингизни ҳам эшитганман.

– Бизнинг касбимиз шундайки, зарурат туғилса савдогар, деҳқон, мардикор, ҳаммол ва бошқа кишилар қиёфасида иш юритамиз. Бироқ, бизлар ўз хизматимизни ниҳоятда сир тутамиз.

– Ботиржон баданингиздаги доғлар ниманинг асорати?

– Кечаси шерикларим билан кўчада бурчимизни адо этаётганимизда бир хонадондан аланга кўзга ташланди. Мен дарҳол ёнаётган эшикни ёриб, хонага кириб икки болани қутқарганман. Шунда куйганман.

– Баракалла, том маъноси билан Ботир экансиз. Бунақанги исми жисмига тўғри келадиган одамлар кўп эмас. Мен саройда амалдорлар билан сўхбатда бўлганимда миршаблар ҳақида сўз очилиб вазир деди: миршаблар давлати-

мизнинг кўз-қулоғи ва халқ осойишталигининг посбонларидир. Улар орасида софдил, иродали ва сезгир кишилар бор. Масалан, Ботир исмли миршаб шулар жумласидандир. Бу миршаб ниҳоятда жасоратли ва мард. У ўз касбининг шу даражада билимдоники, жиноятчиларни қилни ҳамирдан сугургандек қўлга туширади. У бор жойда жиноятчилар ўз-ўзидан ғойиб бўлишади. Шунинг учун халойиқ миршаб Ботир хизматидалигида кўчада бемалол юриш, эшикка тамба қўйилмаса ҳам беҳавотир ётиш мумкинлиги ҳақида гапирдилар. Мен ўзим Ботир миршабсиз тунда кўчага чиқмайман. Миршабларда бир хусусият борки, у бошқа амалдорларда камдан-кам учрайди. Чунончи улар жиноятчилар билан олишувда ўз ҳаётларини қурбон қилишгача борадилар. Масалан, кейинги тўрт йилда ўнта миршаб ҳалок бўлди. Қани айтинглари, қайси бошқа давлат хизматчилари бу ишни қила олади. Аксинча улар жиноятчиларга дуч келиб қолсалар, бор нарсаларини топшириб, ўлдирмасанглари бўлди, деб тиз чўкадилар. Бундай ҳолатда бир амалдор ўз хотинини ташлаб қочганини эшитганман.

Шу тарзда машҳур табиб Абу Али Ибн Сино вазир сўзларини тугатиб дебди:

– Миршаблар одамлар жонини, номусини ва мол-мулкни кўз қорачиғидай муҳофаза қиладилар. Улар жамиятни жиноятчилардан тозалаб, уни соғломлаштирадilar. Шу боисдан мен миршабларни жамият табиблари деб ҳисоблайман. Кўрдингизми, азизим Ботиржон, иккимиз ҳамкасбмиз.

Ботир миршаб баён этилган сўзларни эшитиб, ўзининг ўн йиллар давомида миршабликдан чеккан азоб-уқубатларининг бекорга кетмаганлигини янада чуқурроқ англабди.

Айниқса, Абу Али ибн Синодск буюк кишининг баҳоси Ботир миршабни тўлқинлантириб, кучига-куч қўшибди. У ўзининг шарафли касби билан фахрланибди.

СУНЪИЙ КАЙФИЯТ

Менинг Муллазиё исмли отам (Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин) умрларида ичиш ва чекиш нималигини билмай ҳаёт кечирдилар. Байрамларнинг бирида отамни хонамизга таклиф қилдим ва ширин суҳбатлашиб, отамга ҳазиллашиб шароб қуйиб ичишни таклиф этдим.

– Майли ичсак, ичайлик, – дедилар.

Мен отамнинг жуда осонлик билан розилик билдирганликларига ичимдан ҳайрон бўлдим. Отам қўлларига пиёлани олгач:

– Сизга бир савол бераман, агар жавоб мени қониқтир-са, шаробни ичишга тайёрман,– дедилар. – Ҳўш, айтингчи ўғлим, ичгандан кейин киши ўзини қандай сезади ва қандай ҳолатга тушади?

– Ичкилик кишига кайф бахш этади ва завқлантиради,– дедим.

– Шундайми, унутмангки, ичкилик киши аъзои бада-нини зўрлик билан қўзғатади ва сунъий кайф беради. Унинг оқибатида кишида кўпинча манманлик, зўравонлик ва мақтанчоқлик пайдо бўлади.

Истасангиз, шу хусуслаги кўпчиликка маълум бир ҳикоятни айтиб бераман. Қадим замонда бир табиб ша-робни ихтиро қилиб, подшоҳнинг ҳузурига келибди-да шундай бир ажойиб дорини топганини, у дори кўрнинг кўзини очишини, шолнинг оёғини тузатишини ва ҳатто гадоини бой қила олишини айтибди. Ҳайратланган подшоҳ шундай кишиларни (кўр, шол, гадоиларни) саройга олиб келиб тажриба ўтказибди. Табиб уларга бир пиёладан шароб ичирибди. Улар кайф қила бошлагандан кейин яна шароб солинган пиёлани кўрга тутишибди. Бу икки кўзи кўр киши пиёлани қўлида эҳтиёткорлик билан ушлаб:

– Бай-бай рангинг бунча ҳам тоза ва гўзалсан, – деб шаробни тинимсиз мақтайверибди.

Шунда замбилда икки оёғини қимирлата олмаётган шол:

– Эй, кўр, тезроқ пиёлани бўшат, ҳозир қорнингга бир тепиб аъзои баданингни парчалаб ташлаймиз, – дебди.

Кайфи ошган гадои эса:

–Эй, шол, кўрни тезроқ тепиб ўлдир, унинг ҳунини ўзим тўлайман,– дебди.

Бу ҳодисани кузатиб турган сарой аҳллари ҳайратланиб бирданига кулиб юборишибди. Подшоҳ кўрибдики, шароб кишида сунъий кайфият пайдо қилар экан, жанжал чиқараркан. Шунинг учун табибга шароб тайёрлаш сирини ҳеч кимга айтмасликни буюрибди. Бироқ подшоҳ табиб-нинг қулоғига шивирлаб:

– Бу шаробдан бизга бекитиқча келтириб туринг, ичиб турайлик, – дебди.

Кейинчалик шароб подшоҳ саройидан тарқалиб мамла-катда кўнгилсиз ва фожеали воқеалар кўпайибди.

Маълумки, қора ниятли ва ҳасадгўй одамлар ичкилик воситаси билан яхши кишиларнинг тагига сув қуйган, аёлларни бадном қилган ва ёшлар умрини хазонга айлан-тирганлар. Ҳатто жасоратлилик, ҳийлакорлик ва эҳтиёт-корлик ҳам ичкилик қаршисида тиз чўккан вақтлари

бўлган. Эшитганим бор: тоғ бағридаги водийда бўри ва тулки кўпайиб деҳқонларга катта зарар келтирибди. Доно кишиларнинг маслаҳати билан деҳқонлар ҳайвонларга шароб аралаштирилган овқатларни идишларга солишиб бир неча жойга қўйишибди. Шу кечаси кўплаб оч тулкилар овқатни ейишиб, роса базм қилишибди ва бақиршиб бутун тоғ ҳайвонларини ўзларига тобе қилиш ҳаракатига тушишибди. Улар аввало бўриларни жангга чақиршибди. Шу дақиқада бўрилар етиб келишиб маст тулкиларни бир зумда тилка-пора қилишибди. Сўнгра бўриларнинг ўзлари ҳам идишдаги овқатлардан ейишиб, маст бўлишиб бемалол ётишибди. Шунда деҳқонлар уларни қириб ташлашибди. Шу тариқа ичкилик воситаси билан жасоратли бўрилар ва ҳийлакор тулкилар ҳам осонгина йўқ қилинган экан.

– Тарихда ичкилик туфайли, – деб давом этди ўз сўзида отам, – оила, айрим кишиларнинг сирлари ва ҳатто маҳфий ишлари ошкора бўлган. Шунингдек, ичкилик туфайли қўшинларнинг тор-мор этилганлиги маълум. Бир подшоҳ ҳокимлигининг дастлабки йилларида шароб ичиш қаттиқ назорат қилинмаган экан. Шунинг учун аскарлар уни истъомол қилиша берар эканлар. Айниқса жанг олдидан аскарларга жасоратни уйғотиш учун кўпроқ шароб бердирар экан. Бундан хабардор бўлган душман айғоқчилари аскарларга бериладиган шаробга бекитиқча ухлатадиган дори солиб қўйганлар. Буни тўйиб ичган подшоҳнинг икки минг аскари ухлаб қолган ва душман томонидан қириб ташланган. Шундан кейин подшоҳ ичкиликни таъқиқлаш чорасини излади. У кейинроқ душман устидан қозонилган бир ғалаба шарафига кечқурун зиёфат уюштириб, уларга хоҳлаганча ичишга рухсат берибди. Кўп миқдорда шароб келтирибди. Аскарлар шу даражада ичишибдики, уларнинг деярли ҳаммаси тун бўйи майдонда ухлаб қолишибди. Подшоҳ кўрсатмасига биноан маст ҳолда беҳуш ётган аскарларнинг ҳаммасини қипяланғоч қилиб ечинтиришибди ва кийим-кечакларини ёндиришибди. Эрта тонгда шаҳар аҳолиси яланғоч ётган аскарларни гоҳ кулги, гоҳ нафрат ва уялтириш билан томоша қилишибди. Ҳар бир аскар хушига келгандан кейин ўз оиласи ҳузурига шаҳар бўйлаб яланғоч боришга мажбур бўлибди. Бу воқеа бутун мамлакатда ичкиликка нисбатан ғоятда кучли нафрат уйғотибди. Подшоҳ шу тариқа шаробнинг жирканч оқибатини халойиққа намойиш қилиб, уни таъқиқлаш ҳақида фармон чиқарган экан. Фармонга биноан, ичкилик ичиб биринчи марта қўлга тушган кишиларни ўн дарра урилибди, борди-ю, унинг

сурункасига ичганлиги маълум бўлсаа, дорга осиладиган бўлибди.

– Мана, кўрдингизми, ўғлим, ичкилик киши бошига битган бир балодир. Шунинг учун мен ичкиликдан олинадиган сунъий кайфни ўзимга эп кўрмайман, ҳамма вақт табиий кайфга интиламан.

– Табиий кайф деганда нимани тушунасиш, – деб сўрадим.

– Ота-она розилиги, ҳалол меҳнатнинг гашти, орзу-ҳавас ва режаларнинг амалга ошиши, фарзандларнинг қобиллиги, дўстларнинг муваффақиятлари, ўзгаларнинг мушқулини осон қилиш, яхши одамлар билан суҳбат қилиш, мазали овқатлар, манзарали жойларни кўриш кишида чинакам завқ ва шавқ уйғотади. Бу ҳам кайфдир. Унинг сурури ўзгача бўлади. У кишида саломатлик, тинч-тотувлик ва обрўни юзага келтиради.

– Кўрдингизми, ўғлим, шу боисдан мен ичкиликни оғзимга олган эмасман. Аммо ўғлим илтимоси ерда қолмасин деб, пиёгани қўлга олдим. Ичинг, десангиз, ичаман. Аммо маслаҳат бермайман.

Мен отам сўзларидан мулзам бўлиб шаробни шишага солиб қўйдим.

ПОДШОҲНИНГ ЎЛИМИ

Кунларнинг бирида бозорда тўсатдан подшоҳ пайдо бўлиб "енгилдим!", "енгилдим!", деб овозининг борица шовқин солиб, у ёқдан бу ёққа юра бошлабди. Ниҳоят ҳайратланган халойиқ ҳеч нарсага тушунмай подшоҳнинг кетидан юраверибди. Пировардида подшоҳ толиқиб чойхонага кириб чой буюрибди. Шунда бир донишманд киши подшоҳдан сўрабди:

– Подшоҳим, қаршингизда тўпланган халойиқ таажжубда. Биз биламизки, сиз ўттиз йилдирки тахтда ўтирибсиз, урушларда бирор марта енгилганингиз йўқ. Сиз қудратли давлат барпо этган пошоҳ сифатида шухрат қозонгансиз. Буни ҳамма яхши билади. Бу ташвишингиз боиси нима?

– Гапларингиз тўғри, – дебди подшоҳ. – Лекин кейинги вақтларда мен давлатни бошқариш ўрнига ичкиликка муккамдан тушиб кетибман. Натижада оилам ва сарой аҳилларининг жонига шу қадар тегибманки, улар бугун мени тахтдан маҳрум қилиб, кўчага ҳайдаб юборишди. Шундагина ичкилик мени кўйдирганлиги ва шарманда қилганини англадим. Узоқ вақтлар давомида не машаққат ва куч-ғайрат билан қўлга киритган ғалабалар ва ҳокимият

осонгина қўлимдан чиқиб кетди. Айниқса хотиним ва фарзандларимнинг мендан юз ўгиришганлигига ҳеч чидай олмайман. Чуқурроқ ўйласам, уларда ҳам айб йўқ, ҳаммасига ўзим сабабчиман. Ким менга ичманг, оқибати ёмон бўлади, деса, ўзимга душман деб билдим. Ҳатто бу ишда менга қатъиятлик кўрсатган хотиним, подшозодалар, сарой амалдорлари ҳам жазо олдилар, уларни ўзимдан четлатиб юбордим. Бу ҳам майли-я, умрида шаробни оғзига олмаган кишиларни ичишга мажбур қилдим. Оқибатда атрофимга ичкилик ва маишатга берилган кишилар тўпланиб қолишди. Мамлакатда ўзбошимчалик ва талон-тарож авжига чиқди. Ҳеч ким мени назар-писанд қилмай қолди. Шу тариқа ичкилик мендай қудратли подшоҳни енгди.

— Хўп, бўлар иш бўлибди, нима учун сиз бозорда ўз сиригингни ошкор қилиб юрибсиз?— дебди донишманд.

— Тўғри, бу ишим шармандалик. Лекин одамлар билиб қўйсинки, мендек қанчадан-қанча қўшинга, мол-мулкка ва тахтга эга бўлган подшоҳ ичкиликдан енгилганидан кейин, оддий одамларнинг ундан енгилиши ҳеч гап эмас. "Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр", деган мақол бежиз айтилмаган экан.

Подшоҳ ўрнидан туриб яна "енгилдим", "енгилдим" деганича, пешонасига уриб-уриб тўғри дарё томонга бораверибди. Айтишларича, ичкилик унинг бор иродасини йўқотган, у чорасиз қолиб, тахт учун курашга ҳам ожизлик қилиб, ўзини дарёга гарқ қилган экан.

Бу воқеани кўрган донишманд халойиқа дебди:

— Халойиқ, кўрдингизки ичкилик шоҳни ҳам, гадони ҳам аямас экан. Ундан бирорта одам соғ қолган, яхшилик кўрган эмас. Подшоҳнинг бу қилмишлари унинг ўзигагина эмас, балки бутун мамлакатга катта иснод. Подшоҳ ҳам ичаяпти-ку деб фуқаролар орасида ҳам ичувчилар кўпайиб кетди, бозорларда шаробхоналар сони ортди. Шунга ўхшаш оила бошлиғи ичаверса, фарзандлари ҳам ичкиликка ўрганади. Улар "шогирд устозидан ўзади", деганларидек, ичкиликнинг чинакам қули бўлиб қолади.

НАҲОРГИ ОШНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Тошкентда Аҳмад бува исмли киши 115 ёшга кирганда шаҳар ҳокими унинг ҳузурига кириб, дебди:

— Падари бузрукимиз. Сизни халойиқ жуда меҳнатсевар, энг табаррук ва обрўли киши сифатида жуда қадрлайди. Сизни зиёрат қилувчиларнинг кети узилмайди.

Онамизнинг ҳам ёшлари юздан ошди, фарзандлари юзни қоралаб келишаяпти. Сизнингча узоқ умр кўришнинг сири бормикин?

— Аввало, шуни айтиб ўтиш лозимки, узоқ умр кўриш асосан ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун ёшликданоқ қатъий тартиб ва режа билан ҳаёт кечиришга одатланиш лозим. Ота-оналарнинг кўпчилиги тирикчилик ва фарзандлари ташвишларининг асирига айланиб, секин-аста тирикчилик ботқоғига ботадилар. Натижада ўзларини парвариш қилиш, соғлиқларига қарашга старли аҳамият бермайдилар. Мен эса торозининг бир палласига меҳнат ва уринишларни, иккинчи палласига эса саломатлик ва хурсандчиликни қўйиб, унинг мувозанатини сақлашга ҳаракат қилиб келдим. Бу ҳолат менинг у ёки бу томонга оғиб кетмаслигимни таъминлади. Демак, ҳаётимни бир меъёрга ўтказдим. Киши овқатланиш қоидаларига риоя қилиши керак. Чунончи, ҳар мавсумда ештирилган ноз-неъматларнинг барча туридан тўйиб ейиш фойдали. Бу меваларнинг ҳаммаси фойдали ҳисобланса-да, лекин уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, узум ва ўрик юрак ва қон томирларга, тарвуз ва бодринг буйракка, олма ва нок ошқозон ва ичакка кўпроқ таъсир этади. Қовун ва шафтолидан суяк намланади. Анор, олма ва бошқа мевалар баданни таранглаштиради.

Борди-ю, ҳўл ва қуруқ мевалардан бирортаси истеъмол қилинмаса, у вақтда ундан озиқланадиган у ёки бу аъзо заифлашиб боради. Киши отмиш ёшдан сўнг ошқозонини толиқтирмаслиги учун ҳўл ва қуруқ мевалар шарбати ёки димламасини ичиб туриши фойдадан холи эмас.

Саломатликни сақлашда гўштларнинг аҳамияти бсқийс-дир. Унинг турлари кўп. Қўй, қорамол, от, хўроз, бедана, каклик, чумчуқ ва балиқ гўшtlари дегандек...

Бу гўшт турларининг ҳар бири меваларга ўхшаш одамнинг барча аъзоларига наф келтирса-да, лекин уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари бор. Масалан, паррандаларнинг гўшти ва балиқ кўпроқ кўкрак ва бош томонларга; қўй, қорамол ва чумчуқ гўшtlари киндикдан пастки аъзоларга кўпроқ фойдалидир. От гўшти қиш ва эрта баҳорда меъёрида истеъмол қилинса, кишининг тирноғидан сочигача бўлган барча аъзоларни кучлантиради. Баён этилган гўштлардан бири истеъмол қилинмаса, у вақтда ундан озиқланадиган аъзо сусаяди. Масалан, парранда гўшти ва балиқни мунтазам истеъмол қилмайдиган кишиларда хотира суссайиб боради ҳамда кўкрак қафасида, бош-юз атрофида салбий ўзгаришлар содир бўлади.

Шу боисдан гўштнинг барча турларидан навбати билан истеъмол қилиб туриш керак.

Маълумки, одам кун бўйи меҳнатда ва турли-туман ташвишлар билан бўлиб кечга бориб чарчайди. Шунинг учун кечки овқат баданга яхши сингмайди. Овқатланишнинг энг яхши вақти эрта тонгдир. Уйқудан кейин кишининг бадани бамисоли зилол сувга ўхшаб тинийди, ошқозон ва ичаклар тозаланади. Шу боисдан нонуштага бақувват овқатдан истеъмол қилиш керак. Ҳафтада бир маротаба балиқ истеъмол қилиш жуда фойдали. Наҳорда кучли овқат ейишнинг фазилати кундузги меҳнатга қувват ва яхши кайфият ҳосил қилишдир. Эрталабки енгил-елпи овқатнинг қуввати билан меҳнат қилган киши тез толиқади ва пировардида касалликка чалинади.

Хуллас, аввал қувват тўплаб кейин меҳнат қилиш узоқ умр кўришда муҳим ўрин эгаллайди. Кўпчилик кишилар эса бунинг аксини қиладилар. Шуни ҳисобга олиб қарийб саксон йил давомида ҳар куни наҳорда палов ейишни тарк этганим йўқ. Ҳар куни палов ейиш жонга тегмайдими, дейишингиз мумкин. Агар паловни тайёрлаш қоидаларига тўла риоя қилинса меъдага тегмайди. Мен паловга бир гал қўй, иккинчи гал хўроз, учинчи гал мол ва бошқа гўшт турларини навбати билан солдираман. Шу тарзда бир ҳафта давомида гўшт хилларининг кўпидан фойдаланамиз. Паловни тайёрлашда турли ёғларни ишлатамиз. Зиғир ёғи, мол ёғи, қўй ёғилар шулар жумласидандир. Паловнинг мазали ва фойдали бўлишида сабзининг аҳамияти бекиёс. Паловни тайёрлашда сабзининг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Бу ҳақда бир маълумотни диққатингизга ҳавола қиламан. Неча юз йиллар илгари Искандар Зулқарнай (македониялик Александр) Самарқандни босиб олиб, кечқурун дам олаётганида бир лашкарбошиси ниҳоятда мазали ва қувватли овқат еганлигини унга айтибди.

– Хўш, дебди Искандар – у у овқат нималардан тайёрланган экан.

– Бу овқат гуруч, гўшт ва ёғдан иборат, – дебди лашкарбоши. Шунда Искандарнинг устози (Аристотель):

– Лашкарбошига ёққан овқатда сабзи деган нарса бўлмаса, уни ҳазм қилиш қийин бўлади, – дебди.

Искандар ошпазни чақиртирибди ва ундан "сен тайёрлаган овқатга нималар зарур бўлади", деб сўраганда, у жавоб қилибди:

– Биринчи навбатда сабзи керак. Агар сабзи кўп қайнатилиб эзилтириб юборилса ёки хом пиширилса, у вақтда паловнинг мазаси бўлмайди. Умуман, палов кўпи

билан бир соат ичида тайёрлансагина маромига етади. Искандар кўрмасдан туриб паловга сабзи солишликни билганлиги учун устозига бир хумча тилла совға қилган экан.

Яна бир нозик масала бор. Мен иложи борича шу паловни маънавий лаззат олиш билан уйғун равишда бажаришга ҳаракат қилдим. Шунинг учун созанда ва ҳофизлар билан бирликда овқатланганга нима етсин!

Наҳорги паловдан олдин ҳофизларнинг ашулаларига бутун вужудим билан бериламан ва тебранаман. Шу вақтда паловни келтиришади. Қўлим ошда, ҳаёлим ашулада бўлганидан завқ оламан. Буни қарангки, мен билан улфатда бўлган ҳофизлар ҳам узоқ умр кўришди.

Шаҳар ҳокими Аҳмадбуванинг сўзларини ҳаяжон билан тинглабди. Сўнгра ўз маҳкамасига келиб маҳалла оқсоқолларини йиғиб фармон берибди.

– Эндиликда никоҳ ва суннат тўйларида эрта тонгда ҳофизлар таклиф қилиниб, халойиққа палов тортилсин. Дастурхонларга ҳар хил ноз-неъматлар қўйилсин. Меҳмонларга бир-икки ашулани эшитгандан кейин палов тортилсин. Хоҳловчилар маросимнинг бошидан охиригача ўтиришлари мумкин. Бундан мақсад шуки, – дебди ҳоким, – халойиқ ҳам Аҳмадбувага ўхшаб узоқ умр кўрсинлар.

Тошкентда наҳорга ош тортиш шундан кейин расм бўлган экан.

УМР ТАРОЗИСИ

Қадимги вақтларда Шорасул деган киши етмиш ёшга кирганда ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлини бир чўтга солишга уринибди. Қараса, умрининг ўттиз йили уйқуга, йигирма йили ёшлик даврига, ўн йили ҳунарларни ўзлаштиришга, етти йили бетоблик ва ҳафагарчилик, ғам-андух кунларига сарфланибди. Жамлаганда бу рақамлар етмиш етти йилни ташкил этибди. Етмиш йилнинг қолган уч йилигина ҳурсандчилик вақтлари йиғиндиси экан.

– Буни қаранг, – дебди у дўстига, – агар инсон умри чўтга солинса, унинг асосий қисми чиппакка чиқиб кетар экан-ку. Етмиш йил мобайнида қанчадан-қанча машаққатли ишларни қилиб ва ташвишларни бошимдан кечириб, атиги уч йилигина роҳат кўрибман-а. Бу денгиздан олинган бир томчи сув билан баробардир.

Бунга жавобан дўсти дебди:

– Инсон ҳаёти қисқа, лекин унинг йўли узоқ ва порлоқдир. Бу йўл одамларни вақт ўтган сари нариги дунёга яқинлаштириб бораверади. Бироқ уларнинг одоб-

ахлоқ ва меҳнат меваси ортда қолиб бамисоли занжир тизмалари сингари бир-бирларига уланиб авлоддан-авлодга ўтиб бораверади. Бу меросдан ҳар бир авлод баҳраманд бўлиши билан бирга уни бойитиб боради. Шу туфайли минг йиллар давомида жамоаҳаёти такомиллашиб бораверади. Бунда юз минглаб кишиларнинг ҳиссаси бор. Бу ҳиссада унумли меҳнат ва юксак одоб-ахлоқ бир-бирини тўлдириши лозим. Борди-ю, бир одам меҳнаткаш бўлса-ю, лекин дилозор, ҳасадгўй, очкўз ва бошқа хусусиятларга эга бўлса, у вақтда ҳаётга путур етказилади. Шу туфайли бундай кишилар лаънатларга сазовор бўладилар, холос. "Яхшидан от қолади, ёмондан дод", деган мақол бежиз эмас. Шу боисдан киши умрини чўтга солиб ҳисоблаганда, аввало одоб-ахлоқни, меҳнатсеварликни ва фарзандлари тарбиясини эътиборга олиш лозим. Буни англамоқ учун бир воқеани сўзлаб берай. Ўтмишда бир киши йигирма беш ёшидан бошлаб ертўлада бир неча хум сақлабди. Хумларнинг бирига ўз меҳнатида келган самарали ишлари учун биттадан тошни ташлаб бораверибди. Иккинчи хумга эса бировларнинг мушкулени осон қилгани учун, учинчи хумга бировдан кўрган яхшиликлари учун, тўртинчи ва бешинчи хумларга бировларнинг кўнглини ололмагани ва бировлардан ёмонлик кўрганлиги учун тошлар солибди.

Ўша киши етмиш ёшга кирганда, яъни қирқ беш йил кейин хумларни очиб қараса, тўртинчи ва бешинчи хумлардан тўрт-бештадангина тош чиқибди. Бошқа хумлардаги тош эса тўла эмиш. Умумлаштирганда ахлоқ-одоби ва меҳнати самараси учун солинган тошлар кўп бўлибди. Бировлардан яхшилик кўрганлигини англатувчи тошлар эса уч хумни тўлдирибди. Шунда ўша киши ўзича, одамлардан кўп яхшилик кўриб қарздор бўлиб қолибман, деб хижолат бўлган экан. Унинг яқин дўсти унга тасалли берибди:

– Ранжиманг, дўстим. Маълумки, бир дона уруғдан ўзига нисбатан бир неча минг марта катта қовун ёки тарвуз етилади. Шунга ўхшаш, сепилган ҳар бир яхшилик уруғи ўзига нисбатан анча ортиқ яхшиликни қайтариб келибди, – деган экан.

Шорасул аканинг дўсти ўз ҳикоясини якунлаб, шундай дебди:

– Сиз ҳам иззат-икромда яшаб,, одамлардан кўп яхшилик кўрдингиз. Ўз навбатида, яхшиликка яхшилик кўрсатдингиз. Ҳатто ичи қора одамлар мушкулени осон қилишга ҳам тайёр турдингиз, – дебди. – Баён этилган

фазилатларингиз бутун етмиш йиллих умрингиз мобайнида қилинган моддий ва маънавий меҳнатингиз самарасидир. Шу боисдан Сизнинг ҳаёт йўлингиз баракали ва ибратлидир. Сизга ўхшаш олийжаноб кишилар туфайли ҳаётимиз бу дунёнинг зийнати бўлиб турибди. Бу зийнат солинган "умр тарозиси" чинакам бахт-саодатнинг рамзидир.

Борди-ю, у ёки бу одамнинг "умр тарозиси" нинг палласида ёмон одатлар ва ишлар кўпроқ ўз аксини топган бўлса, у вақтда у юз йил ва ундан ортиқ яшаса-да, нафратдан бошқа ҳеч нарсага сазовор бўла олмайди.

ТОҒ МАЛИКАСИ

Бир навқирон подшоҳ овга чиқиб, кийикни тирик ҳолда ушлайман деб, унинг кетидан пойлаб кетаверибди. Бироқ, у кийикни ушлаш у ёқда турсин, йўлдан адашиб, қасққа боришини билмай қолибди. Пировардида ҳолдан тойиб беҳуш йиқилибди. Бир вақт у кўзини очса бегона уйда ётганмиш ва атрофида чол, кампир ва бир қиз ўтирган-миш. Бу ерда у ўн кун давомида яшаб давола-нибди. Бунда чолнинг қизи ниҳоятда меҳрибонлик қилиб-ди. У гиёҳ ўтлардан ўзи тайёрлаган дорилари билан подшоҳни тузатибди.

Подшоҳ дебди:

— Адашганимда жонимдан умидимни узган эдим. Бироқ сизлар туфайли тирик қолдим. Бунинг учун сизларга катта раҳмат. Одам қадами етмаган бу жойларда яшашингизнинг боиси нима?

— Оиламиз билан, - дебди чол, - ҳар йили баҳордан то кеч кузгача шу ерда туриб гиёҳ-ўтларни тўплаш билан шуғулланамиз. Сўнгра буларни табибларга сотиб тирик-чилик ўтказамиз.

— Қизингиз жуда ақлли экан, унинг исми нима ва неча ёшда?

— Унинг исми Тўтихон, лекин шаҳарда маҳалламиз аҳолиси уни "Тоғ маликаси" деб аташади. Чўнки у беш ёшдан бошлаб тоққа қатнайди. Ҳозир йигирма уч ёшга тўлди. У ўзининг довураклиги ва меҳрибонлиги туфайли йиртқич ҳайвонлар ва қушлар билан дўстона алоқа ўрнатган. Айрим мисолларни келтираман. Кунларнинг бирида қизим гиёҳ-ўтларни қидириб бўрилар уйига яқинлашганини сезмай қолибди. Бу ерда у бўрининг инграган овозини эшитибди. Қараса, икки тош орасида она бўри оёғи қонга беланган ҳолда ётган экан, болалари эса очликдан сулайиб қолибди. Дарҳол унинг оёғини тозалабди. Бир неча кун давомида

унинг ярасига дори қўйиб тузатибди. Ўзини ва болаларини боқибди. Буни қарангки, йиртқич ҳайвонлар ҳам яхшиликни билар экан. Ўша бўрилар қизимга дуч келиб қолганда бамисоли салом бергандек думларини ликиллашиб туришибди. Қизим бир кун сой бўйида бир овчининг иккита бўри боласини кўтариб кетаётганлигини кўрибди. Бундан ғазабланиб овчига дебди:

– Амакижон, уларнинг онасини ўлдирганингиз камми, энди болаларини қафасга солишга олиб кетаяпсиз. Бу шафқатсизликку. Кечирасиз, юзингизнинг бир ёғи ва лабингиз қийшайибди, нима қилган?

– Оғир касалликдан сўнг шунақа бўлдим, – дебди овчи.

– Агар қўлингиздаги бўри болаларини берсангиз, у вақтда сизга дори бераман, уч кунда тузаласиз.

Овчи дарҳол рози бўлибди, бўри болаларини ташлаб кетибди. Қизим буларни то ўзларини эплагунча уйда боқди.

Қизим айиқларни асал билан меҳмон қилиб, улар билан ҳам дўстлашиб олган. Гоҳ у ёки бу айиқни қўмсаганда уйимиз қаршисида қизимиз чиқишини кутиб ўтиради.

Бир куни қизим дарахт тагида бемор бургутни кўриб қолиб, уни уйга олиб келиб бир неча кунларда тузатди ва учираб юборди. Шу-шу бургут осмонга парвоз этганда, уйимиз тепасида бир икки айланиб, сўнг йўлини давом эттиради.

Подшоҳ чолнинг сўзларини ҳаяжон билан эшитиб дебди:

– Аввало, ўзимни танитай. Мен сизларга қўшни мамлакатнинг подшоҳиман. Шаҳарга қайтганимда албатта тоғларда ов қилишни таъқиқлаш ҳақида фармон чиқараман. Қизингиз том маъноси билан "Тоғ маликаси" экан, – дебди.

Подшоҳ чол-кампири ва "Тоғ маликаси"ни шаҳарга олиб келибди. Бу ерда уларга зўр меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатибди.

Подшоҳ онасига айтибдики, хотинимнинг вафотига бир йил бўлди, уйланиш ниятидаман.

– Ўнлаб гўзал қизлар сенинг таклифингга интизор бўлишиб туришибди. Бирини танласанг, тўйни бошлаймиз, – дебди онаси.

– Онажон, мен "Тоғ маликаси"га уйланишга қарор қилдим. Буни эшитган онанинг оёқ-қўлига титроқ турибди.

– Ўзингизнинг кимлигингизни унутманг, шоҳим. У қиз "Тоғ маликаси" бўлса ҳам, тахт эгасига муносиб эмас. Хунуклигини айтмай қўя қолай. У билан қандай қилиб бир ёстиққа бош қўясиз, табиатингиз тортадими?

– Онажон, билмасдан унинг шаънига ҳақорат сўзлари-

ни айтманг, гарчанд у хунук қиз бўлса-да, лскин мен учун жуда гўзалдир.

Сиздан илтимос шуки, у билан ўн-ўн беш кун бирга яшаб синовдан ўтказсангиз, сўнгра нима десангиз розиман.

– У билан бирга туриш қўлимдан келмайди, подшоҳим, – дебди она.

– Мен сизнинг якка-ю-ягона ўғлингизман, агар мени фарзанд сифатида чин юракдан севсангиз, илтимосимни инобатга олинг

Ноилож она "Тоғ маликаси" билан икки ҳафта бирга-ликда яшашга рози бўлибди. Кўрсатилган муддат ўтгач, ўғлига дебди:

– Ўғлим, ҳали кўп нарсаларни билмас эканмиз. Шу кунгача одамларнинг сиртқи қиёфасига қараб баҳо бериб келган эканман. "Тоғ маликаси" билан бирга туриш фикримни тубдан ўзгартирди. Хотин танлашда адашмабсиз. У ниҳоятда ақлли, фаросатли, андишали ва чаққон қиз экан. Унинг бир кунда қилган ишини канизаклар бир ойда ҳам қила олмайдилар. У тайёрлаган таомлар шу даражада хилма-хил ва ширинки, уни таърифлашга сўз ожизлик қилади. Унинг хушмуомалилиги, овозининг тиниқлиги ва ёқимлилиги мени ром қилди. Булар ҳам майли-я, у табибликда ҳам зўр экан. У гиёҳ ўтлардан ўзи тайёрлаган дорилар бериб касалларимни тузатди. Энди йигирма ёшга яшарганга ўхшайман. У билан суҳбатлашиш ва овқатланиш менга роҳат бахш этаяпти. "Тоғ маликаси" фазилатларининг асири бўлиб қолдим, – дебди. – Бошингизга бахт қуши қўнибди, тўйни тезроқ бошлайлик.

Никоҳ тўйида меҳмонлар орасида ғовур-ғувур авж олибди, келиннинг хунуклиги ҳақида гап кўпайибди. "Подшоҳнинг ишқи қурбақага тушибди", деган ибора неча бор эсланибди. Фақат подшоҳ ва онаси бунга асло эътибор беришмабди.

Кунларнинг бирида подшоҳ амалдорлар, олимлар, ула-молар ва умуман нуфузли кишиларни чақириб зиёфат берибди. Шунда "Тоғ маликаси" ўртага тушиб ўзи ёзган икки шеърини ўқибди. Шеърнинг бири меҳмонларни йиғлатган бўлса, иккинчиси роса кулдирибди. Бундан меҳмонлар ҳайратланиб, аёл қобилиятига тан берибдилар ва уни олқишлабдилар.

Вақт ўтиши билан "Тоғ маликаси"нинг олий фазилат-лари халойиққа аён бўлиб борибди, катта иззат-икромга сазовор бўлибди. Ҳатто подшоҳ давлат ишларини ҳам унинг маслаҳатисиз юргизмайдиган бўлибди. У олти ўғил ва икки қиз кўриб роҳатда яшабди.

КЕЛИНЛАР, ҚАЙНОНАЛАР, ҚУДАЛАР ХУСУСИДА

Қадим замонда подшоҳ вазирга дебди:

— Ўғлимни уйлантирганимда келинлик бўлдим деб бошим осмонга етган эди. Келинни ўз қизимиздек кўриб илтифот ва ҳурматлар кўрсатдик. У тўй арафасида ўғлимга "меҳнатдан қочмайман, ота-онангизни хизматини қилиб, дуоларини оламан", деган экан. Ота-онаси эса қизимизнинг гўшти сизники, суяги эса бизники дейишган эди. Гарчанд уйимизда ишларни канизаклар қилишса-да, лекин келиннинг ва ота-онасининг илиқ сўзларидан жуда мамнун бўлган эдик. Бироқ, бир йил ўтар-ўтмас келиним ва қудамиз босар-тусарини билишмай, ножўя гапларни ва ҳаракатларни қиладиган бўлиб қолишди. Менинг жаннатдек уйимдаки шундай ҳол юз берган бўлса, фуқароларнинг оилаларида аҳвол жуда ачинарли бўлса керак деб ўйлайман. Бунга қарши чораларни кўриш бизнинг бурчимиздир. Сизга топшириқ шуки, нуфузли беш-олти киши билан ҳамкорликда маҳаллаларга бориб келинлар ҳаётига доир маълумотларни тўпласангиз яхши бўларди.

Вазир бир неча ойлардан кейин топшириқ адо этилганлигини подшоҳга маълум қилибди. Подшоҳ мансабдорлар, руҳонийлар, савдогарлар ва бошқа тоифадаги кишилар иштирокида катта йиғин чақирибди. Ана шу кенгашда вазирга сўз берибди.

Вазир дебди:

— Шаҳаншоҳимиз, Сизнинг бизга юклаган топширингизни бажариш жараёнида биз шундай хулосага келдик. Оиланинг тинч-тотув яшашида асосан келин, қайнона ва аёл қуда муҳим ўрин эгаллар экан. Биз улардан бир нечасини таклиф этдик. Аввало сўзни келинларидан куйган қайноналарга беришга рухсат этгайсиз. Булардан бири мана Ойниса хола:

Ойниса хола деганлари ўртаниб сўз бошлабди:

— "Келин олсанг пастдан ол, қиз берсанг юқорига бер" деган мақолга риоя қилиб, тирикчилигини зўр-базўр эплаб турган ночор оиланинг қизига ўғлимни уйлантирган эдим. Бундан қариндошларим ва қўшниларим таажжубланиб сабабини билишга қизиқдилар. Чунки эрим таниқли савдогар, ўғлим эса не-не нуфузли оилалар куёв қилишни орзулаган ақлли, одобли ва келишган йигит эди. Эрим қаршилиқ кўрсатган бўлса-да, лекин ўғлим онам ҳурмати деб сўзимни қайтармади, ўша қизга уйланишга розилик берди. Мен келинни уйимиздаги мўл-кўлчиликда ва ҳамма

ҳавас қиладиган ўғлим билан яшаб ўзини бахтли ҳис этса керак, деб ўйлаган эдим. Аммо умидим пуч бўлиб чиқди.

Келиним никоҳ куниданоқ ўзини мағрур тутиб ҳамманинг кўнглини қолдирди. Унинг юзидан шодлик нурлари эмас, балки заҳар ёғиларди. Бошиданоқ юрагим бир зил кетди-ю, тишимни-тишимга қўйдим. Тўйимиз жуда дабдабали ўтди. Кунлар кетидан кунлар ўтиб борди. Келин уй ишларини чала, пала-партиш қилар экан. Бунинг устига у кўпроқ гаплашишни ёки уйга кириб ўтиришни яхши кўрар эди. Бу ҳол мени қаттиқ ташвишга солар, уни кўпроқ меҳнатга жалб қилишга, шу жумладан, овқатларни пиширишни ўргатишга ҳаракат қилдим. Бирор марта уни уришмадим, билмаганини юзига солиб таҳқирламадим. Келин туширганимиздан кейин бир йил ўтар-ўтмас эримни ишлари юришиб бойлигимизга бойлик қўшилди, ўғлим эса саройга хизматга олинди. Биз ниҳоятда шодландик, лекин келинимиз писанд қилмади, афтидан у суюнишни ҳам билмасди.

Вақт ўтиши билан келинимнинг димоғ-фироғи ва чирсиллаши ошиб бораверди. Кунларнинг бирида унга:

– Болажоним, кўзим тириклигида билмаганингизни ўрганиб олинг, кейинчалик шу уйнинг эгаси бўлиб қоласиз. Биласиз, рўзғоримиз катта, келди-кетди кўп. Худога шукр, ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ. Бу кетишингизда қоқиласиз, меҳнат кишини юзага чиқаради, девдим, балога қолдим. Бирданига келиннинг башараси хунуклашиб кетди. У зарда билан ўрнидан туриб, икки қўлини биқинига тираб йиғи-сиги аралаш:

– Бас, қилинг! Камбағал қизининг қорни тўйса ва эғни бут бўлса ишлайверади, деб ўйласангиз керак-да! Мен қул эмасман, насиҳат қилавериб, жонимга тегдингиз, чўри бўлишни истамайман, – деб бақириб берди. Шундан кейин яқинимга келдида қўлини пахса қилиб, – энди ман санга кўрсатаман, жазойингни тортасан! – деб кўчага чиқиб кетди.

Икки кундан кейин келиним онаси ва холаси билан келди. Онаси ғазаб билан дсди:

– Қуда, бойлигингизга учиб, қизимизга зуғум қилаверманг. Айбимиз камбағаллик холос, биз ҳам одаммиз. Сизлардан баландроқ жойлардан совчилар келиб турганда, бориб бошимни айлантириб қизимни олдингиз. Энди иш билмайдиган бўлиб қолдими? Ҳадеб қизимга иш қилишни ўрганинг дермишсиз, ахир ошиб-тошиб ётибсизлар, битта-ю битта келинингизга хизматкор солиб беринглар. Ана шунда ҳамма сизга қойил қоларди. Ҳали қизим ёш, энди

ўн тўққизга тўлди, бир кун аммасиникига, иккинчи кун холасиникига, уч-тўрт кун меникига юбориб тулинг. Шунда чехраси очилади ва яйрайди. Шунинг билинги, "ялангоч сувдан тоймас" деганларидек, биз ҳеч нарсадан қўрқмаймиз. Биз ўлсак ўламизки, лекин бировларга оёқ ости бўлмаймиз ва бош эгмаймиз.

– Қудажон, – деб жавоб қилдим мен, – қизингизни ҳеч ким уришаётгани ҳам, хафа қилаётгани ҳам йўқ. Гапим ёлгон бўлса, айтсин. Фарзандларни ишлатиш, пазанда қилиш ва муомалага ўргатиш ота-онанинг бурчи ҳисобланади. Наҳотки буни тушунмасангиз? Қизингизга мен ҳам онаман, уни ишбилармон ва ширин сўз бўлсин дейман, сизлар эса буни зулм деб баҳоламоқдасизлар. Қизингизни уй-рузгор ишларини билиши ва саранжом бўлиши уни бахтли бўлишига олиб келади. Бўлмаса умри ночорликда ўтади.

– Ҳали шундай дснг! – деди онаси. – "Ўқизнинг шохига урсанг туёғи зирқирайди", дсганларидек, гапларингиз баданимга нинадек санчилди. Қизинг ҳам сенга ўхшаб ночорлик ҳаётини кўради демоқчимисиз, худога шукур бир бурда нонни топиб еб юрибмиз. Биз ҳар қандай шароитда ўзимизни камситишга йўл қўймаймиз. Биринчи эрим "маҳсимни тортгин", "калишимни ювиб қўйгин", деганда мани хўрламоқчимисан деб башарасига туфлаганман, дод-фарёд кўтариб, башарасини тимдалаб қонатганман. У шу қочганича мана йигирма беш йилдирки, ҳали ҳам қорасини кўрсатмайди.

Сўнгра келиннинг холаси менга қараб:

– Ким айтади, сизларни бой ва тушунган деб, опам ҳақиқатчи ва ўз қадри-қимматини биладиган аёл. Келиннингизнинг сўзига қараганда, у бечора хўрликда ва зулмда яшаётган экан. Охиратни ўйламай бировнинг фарзандини ўз ҳошишига қўймай, буни ундоқ, уни бундоқ қилиш ксрак деявериш, албатта жонга тсгади. Иш қочиб кетмайди, кўпчиликсизлар, ишларни ўзингиз, қизларингиз, ўғлингиз ва эрингиз навбат билан қилишаверсинлар. Мана опамлардан, яъни қудангиздан сўранг, поччам овқатларни пиширади, супиради ва ҳатто кир ҳам юваверади, ўлиб қолганлари йўқ. Охирги гап шуки, келиннингизни кафтингизда кўтариб юринг, унинг ҳуснининг ўзи сизлар учун катта бахт. Бўлмасам ора очиқ.

Шу орада эрим келиб овқат тайёрлашни буюрди. Бироқ, қудам деди:

– Қайнота ҳам келиннинг отаси ҳисобланади. Лекин биз буни сезмаётирмиз. Хотинингиз қизимни безиллатиб

қўйибди. Қизим бу ерда туролмайман, зиндондан мени қутқаринглар деб йиғлаяпти. Шартимиз шуки, келинингизга кундузи уч-тўрт соат ухлаб олишга, қариндошлариникига ва дугоналариникига боришга ижозат берасиз. Қизим шунга одатланган.

Эрим қуданинг ва холасининг бемаънилигини англаб, ҳозир келин билан уйингизга кетаверинглар, ўзимиз маслаҳатлашиб жавобини берамиз, деди. Кечқурун ўғлим келгандан кейин воқсани айтганимизда, деди:

— Аввало, хотинимда андиша йўқ ва хижолат тортишни билмайди. Арзимаган гапни баҳона қилиб, кечаси билан жаврайди ва тинчлик бермайди. "Чиқаси келса эгаси сабабчи", бўлади деганларидек ўз оёғи билан кетгани яхши бўлибди. Уни уч талоқ қўйдим".

Шундан кейин бир йил ўтгач ўғлимни уйлантирдим. Худога шукур, келиним жуда яхши, уч болали бўлди.

— Ойниса хола, — дебди подшоҳ. — Ўша биринчи келинингизнинг тақдири нима бўлганлигини биласизми?

— Хабарим йўқ, бошқа узоқ маҳаллага кўчиб кетишган дейишади.

Шу пайтда сочлари оқарган, қўллари дағал ва юпун кийинган аёл ўртага тушиб:

— Ўша келин мен эдим! — деса бўладими?

Ўтирганлар уни кўриб ҳайрон бўлишибди.

— Мени, — дебди у аёл, — келин бўлганимга ўн йилдан ошди, лекин уни ҳаётимнинг энг лаззатли қуни деб биламан. Ўша вақтдан буён ҳали яхши кунларни кўрмай, хор-зор бўлиб юрибман. Собиқ қайнонам — Ойниса хола-нинг гапларининг ҳаммаси тўғри, у ниҳоятда олижаноб аёл ва мени ўз қизидек билиб тарбиялашга ҳаракат қилди. Бироқ мен бунинг моҳиятини тушунмай бсандишалик қилдим. Бунда аввало, онам ва холамнинг айби каттадир. Улар никоҳ арафасида мени ўртага олиб, сен бой жойга бораётирсан, камбағалнинг қизи деб, сенга иўл хизматлар қилдиришлари аниқ. У ерда чиройли буюмлар ва хилма-хил овқатлар сероб, тагин бу кунларга эришганимга худога шукур деб бошингни эгиб юрма. Бундай қилсанг. Чўрига ўхшаб қоласан, дейишиб қўйишмади. Мен ҳам ёшлик қилиб. яхши кийимга, лаззатли овқатларга, ҳашаматли уйларга ва ҳурматга шукур қилмасликка ҳаракат қилаверганимдан суягимгача сингиб кетди. Натижада шукур қилишни ўзимга ор деб билдим. Ваҳоланки, эрим, қайнонам, қайнотам ва қайнисингилларим атрофимда гирдика-палак бўлишиб юришарди. Буларнинг қадрига етмадим.

Эримдан ажралганимдан сўнг бир неча ой ўтмасдан

холам ҳам эридан чиқиб бизникида туриб қолди. Отам дардга чалиниб вафот этди. Яхшиямки мана шу собиқ қайнонам сахийлик қилиб, менга атаб қилган кийим-ке-чакларни, гиламларни ва бошқа нарсаларини берган эди. Уларни сотиб бир йил мобайнида рўзгорни тебратдик, касал боқдик ва ўлик кўмдик. Шундан кейин уч киши бир бурда нонга зор бўлдик. Мусофирхонадагилар ва қўшниларикинг кирларини ювиб тирикчилик қилишдан бошқа илож қолмади. Шундагина онам, холам ва мен ношукурчилик фожеасини англадик. Онам бечора кўп вақт оёқ-қўли шол ётиб ўлими олдида:

— Қизим, шундай ачинарли кунларга қолдикки, ҳолимизга маймунлар йиғлаяпти. Бу фожеанинг айбдори, сабабчиси — мен ва холанг учун марҳум онамиз, сенга эса биз айбдордирмиз. Биз ҳаммамиз эрларимиз, қайноналаримиз ва қудаларимиз олдида гуноҳқормиз, — деб жон берди.

Кўп ўтмай холам ҳам ўз қилмишларига минг карра пушаймон бўлиб, касалга чалиниб оламдан ўтди. Уйимизни судхўрга гаровга қўйиб, кетма-кет икки ўлимни кўмдим ва маросимларини ўтказдим. Кечасию-кундузи мени кечиргин, деб худога нола қиламан, эрта тонгдан то кеч тунгача кир юваман, гоҳ пайтларда ҳолдан тойиб йиқилиб қоламан. Мен онамни ва холамни касаллигида боқдим ва ўликларини кўмдим. Қани айтинглар-чи, мабодо ўлсам мени ким кўмади? Судхўрга қарзни беролмаслигим аниқ, бу уйимдан маҳрум бўлиш деган сўздир. Наҳотки, қилган ношукурчилигим, шунчалик шафқатсиз бўлса? — деб ўзини туютмай йиғлайверибди.

Бу юракни эзувчи сўзлардан одамлар қаттиқ ҳаяжонга тушибдилар. Ҳатто подшоҳ кўзига ёш олиб дебди:

— Халойиқ! Кўриб турибсизларки, айб бу жувонда эмас, балки бемаъни онасида. Менинг фармоним шуки, судхўрга қарз пулини хазина ҳисобидан берилсин ва уй ўз эгасида қолдирилсин.

Шу дамда Ойниса хола дебди:

— Олампаноҳ, бир ғариб жувонга кўрсатган илтифотингиз учун раҳмат. Яқинда шаҳар четидаги боғимиздаги хизматкоримизнинг хотини оламдан ўтган эди. Бу жувонни яхши кўриб келин қилган эдим. Гап шуки, уни ўша хизматкоримга никоҳлаб қўяман, бири қизим, бири куёвим бўлсин.

Йиғиндагилар Ойниса холанинг олижаноблигига тан берибдилар ва олқишлабдилар. Кўп ўтмай никоҳ тўйи ўтказилибди.

Сўнгра сўз қайнона Замира холага берилибди.

– Подшоҳимиз, – деди у, – мен келинлардан куйганлардан бириман. Ўзимиз ўрта оиладан бўлиб, фарзандларимиз билан аҳилчиликда яшаётган эдик. Вақти келиб ўғлимни уйлантириш ҳаракатига тушиб, бир уй ва айвон қуриб, келинга тегишли молларни тахт қилдик. Меҳнат қилавериб ҳолдан тойган кезларда эрим: "Онаси, худо хоҳласа келин туширсак, огирингни енгил қилади, сенга ҳамроҳ бўлади, тўй ва маросимларга бемалол борадирган бўласан", – деб юпатар эди. Бундай сўзларни қўшниларимиз ҳам айтишиб кўнглимни кўтаришар эди. Ниҳоят орзиқиб кутилган никоҳ куни етиб келди. Шу даражада қувондимки, азойибадан имдаги меҳнат ва азоб-уқубатлар бамисоли ҳавога учиб кетгандай бўлди. Тўйни эсон-омон ўтказиб олгандан кейин келинимни бағримга олиб, уйимиз шароитини тушунтирдим, барча ишларга бош-қош бўлдим. Ундан қўлимиздан келганча яхши гапларни ва ғамхўрликларни аямдик.

Шу тарзда тўрт ой ўтди, лекин келиним меҳрибонликни ва ширин сўзларни яхши сингдира олмай ғаши келарди. Бундан таажжубланар эдик-ку, лекин яна кўнглига олмасин, деб индамас эдим.

Кунларнинг бирида пешин маҳали биз эри-хотин ва фарзандларимиз дастурхон атрофида ўтирган вақтимизда келиним катта лаганда ошни дастурхонга зарда билан қўйиб деди:

– Буни куйдиргингларга енглар. Ойижон мана ош ҳам келди, сиз бўлсангиз ҳали овқат пишмадими, деб қозоннинг тепасида туриб олдингиз. Ошхонадан қўлим бўшамайди, сизлар эса без бўлиб ўтираверасизлар.

– Аввало ош саялик, совимасин, кейин нима гап бўлса сўзлашаверамиз, дедим.

– Бунақаси кетмайди, ош совиса ҳам гап совимасин, уни маромига етказмасам юрагим сиқилиб кетади. Эшитмаганмисиз, "темирни қизиғида ур", деган гапни, – деб жавоб қилди келиним. Шу пайтда келинимни важоҳати, худди бўрининг ўз ўлжасига ташланган вақтидаги ҳолатига ўхшарди. Ўғлимнинг фигони ошиб ўрнидан турмоқчи бўлганда, келиним унга овқатда заҳар бор эканми, қўлингизни артдингиз? – деди.

– Заҳар, – деди ўғлим, – ошда эмас, балки сенинг тилингда экан.

– Унақа бўлса "қисиб" ўтириб ношукурчилик қилмасдан ошни еб қўйинглар, акс ҳолда худонинг қаҳрига учрайсизлар, – деса бўладими? Шунда дастурхонга замбаракни

ўқи тушиб портлагандай бўлди. Эрим "ё тавба, ё тавба" деб кўчага чиқиб кетди. Бизлар ҳам зудлик билан тарқалдик. Лекин келинимнинг иштаҳаси очилиб, чамаси икки эркакнинг овқатини еди. Шундан кейин у ҳовлига чиқиб, "сизлар дарахтнинг шохида юрсангизлар, мен баргида юраман, ҳаммангизнинг тумшуғингизни ерга шундай ишқалайманки, бу дунёга келганларингизга пушаймон бўласизлар", – деди.

Ўғлим "кирадиган эшигингни қаттиқ бекитма" деганларидек оғзинга қараб гапир, шунчалик беормисан, деди. У бўлса "насиҳатингни ота-онангга қил, номард", деди. Бунга ўғлим дўқ-пўписа қилганда келиним: "мана урсанг ур, ўлдир, хотинчалиш, чинакам эркак сўкади ва уради" деб бақирди.

Одатда жанжал одамнинг иштаҳасини бўғайди ва ҳолдан тойдиришга олиб келади, бу ҳеч кимга сир эмас. Бироқ, келинимга жанжал мойдек ёқадими, назаримда унинг кучига-куч қўшилди, тетиклаштирди ва жонлантирди. Ўзидан-ўзи ишга киришиб, молхонадаги гўнглари ўрага ташлади, ем солинган оғир қопларни бир жойдан иккинчи жойга тартиби билан қўйди, ҳовлига чиқиб кетган бир ойлик бузоқни кўтариб жойига келтириб қўйди. Сўнгра болта билан саржинни ёриб, ўтин тайёрлади. Тоғорадаги хамирни ағдариб нон ясади ва ёпди. Ўйигрма челақ келадиган ахлатни кўчага олиб чиқиб ташлади. Шундан кейин ҳеч гап бўлмагандек очиқ чехра билан, "ойижон, манти қилсам ейсизларми? – деб сўради. Жавоб олгандан кейин қовоқни қиришга ва гўштни қиймалашга киришди. Кечқурун мантини пишириб, дастурхонга қўйиб ўзи хонасига кириб уйқуга кетди. Биз унинг шунча ишни ўзи қилганлигидан ҳайрон қолдик.

Мен унинг бу ҳаракатларидан хавотирланиб эримга дедим:

– Адаси, тагин келинимиз жинни бўлиб қолган бўлса-я, унда ҳолимиз не кечади. Таниш табибингизга бориб воқеани айтинг, нималигини билайлик.

Эрим деди:

– Гапларинг тўғри, менимча келининг соппа-соғ, бир ўзи икки кишининг ишини қилишга қодир-у, лекин тилига одам чидай олмайди. Агар бу касални тузата олса жуда улуғ иш бўларди.

Эрим табибга учраганда, у дебди:

– Дўстим, сизнинг айтганларингизни мағзини чақиб, шундай хулосага келдимки, келинингизда руҳий касаллик йўқ ва ҳар жиҳатдан саломатлиги яхши, лекин у анди-

шага, ор-номусга аҳамият бермайдирган оилада тарбияланган бўлиши керак. Шундай ота-оналар борки, фарзандларининг олдида бир-бирларини ҳақоратлайдилар ва тез-тез жанжаллашиб турадилар. Бундай одобсизлик фарзандларига ҳам ўтади. Натижада, ота-она ва фарзандлар бир-бирларини менсимасликка мослашиб кетади. Улар арзимаган сўзлар ва кўз илғамайдиган хатти-ҳаракатларни қаттиқ ушлаб олиб жанжал чиқарадилар. Бу ҳолат ойлаб ва йиллаб такрорланвергандан кейин азойи-баданига сингиб, хумори тутадиган бўлиб қолади. Хумори тутганда уларнинг кайфияти бузилади ва ишёқмас бўлиб қолади. Қачонки ҳақоратли сўзлар ва жанжал авжига чиқса, уларга жон киради ва гайрати жўшади. Ана шунда улар тоғни урса талқон қилади. Сизнинг келинингиз худди шу хилдаги одамлардан экан. Менимча, келинингизнинг тўрт-беш кунлардан кейин хумориси яна тутса керак, сиз ўзингизни четроққа олиб юринг.

Дарҳақиқат, бир ҳафта ўтар-ўтмас келин, бошим гангияпти, деб уни рўмол билан боғлаган ҳолда ниманидир йўқотган кишидай безовталанди, кайфияти пасайди ва ишга қўли бормай қолди. Биз ҳаммамиз тагин бир баҳона топиб уришни бошлаб юбормасин дейишиб, унга гапирмай юрдик. Бир вақт келиним тўсатдан, "вой-дод соқов ҳайвонларнинг орасида яшаб, юрак бағрим қонга тўлди, эй худо, бу золимларнинг жазосини ўзинг бергин", деб, сопол ва чинни идишларни ерга ураверди.

Менинг жоним ачиб, "жиннилик қилманг, тўхтанг, уят бўлади", десам, – "башарангиз қурсин, сизни кўргани кўзим йўқ", деб ҳақоратлади. Ўғлим келинимнинг қўлини орқасидан қилиб боғлади ва оғзига латта тиқиб, хонасига судраб кетди. Тун бўйи уларнинг хонасидан ҳақорат сўзлари эшитилиб турди. Эрта тонгда улар бир-бирини урган бўлса керак, иккисининг юзи моматалоқ эди. Ўғлим хотинини орқасидан итариб кўчага чиқариб, эшикни орқасидан тамбалаб қўйди.

Бир неча кунлардан кейин келинимнинг хатти-ҳаракатларини маълум қилиш мақсадида қуданинг уйига бордим. Бир пиёла чой ичилгандан кейин мен умумий тарзда воқеани баён этдим. Отаси дедик:

– Аслини олганда сизлар бизларга муносиб кишилар эмассизлар, лекин худонинг хоҳиши билан ўғлингизни куёв қилдик. Бизнинг табиатимиз шундайки, ҳамма гапни очиқчасига айтаверамиз, ичимдагини топ деган писмиқ одамларни ёқтирмаймиз. Мана бу нодон ва аблаҳ хотинимга, кўп ҳовлиқма, роса суриштириб, сўнгра розилик

билдириш керак дейишимга қарамай тўйни бошлаб юборди, энди азобини ҳаммамиз тортаяпмиз.

– Ҳамма айб сизда, – деди эрига аёл қуда, – сиздан бошқа одам бўлганда қизини калтак едиртириб, томоша қилармиди, бориб уларнинг ҳаммасини дабдаласини чиқарган бўларди. Сиз ҳезалак ва эшак табиатли инсон бўлганингиз туфайли, бепарволик қиляпсиз. "Одамларнинг сири ичида, ҳайвонники сиртида", деганларидек, мен қудаларнинг тили-жағи йўқлигини ва тепса-тебранмаслигини қаёқдан билай? Менинг алашим камдай яна сиз эзасиз. Сиз ҳўкиздан баттар ҳайвонсиз!

– Эй, тилингнинг заҳарлиги илонникидан ҳам ўткир, уни бир кунмас бир кун таги билан қирқиб ташлайман, – деди эри.

Хотини тилини бир қарич қилиб чиқариб, мана кесинг, мана кесинг, деб рўпарасига яқинлашиб туриб олди. Тили шу даражада хунук эканки, баданим сесканиб кетди. Эри сента худо бас келмаса, ҳеч ким бас келолмайди, деб қўя қолди.

Бир оз вақт ўтгач, эр-хотин гўё ҳеч гап бўлмагандай бир-бирларига меҳрибончилик билан муомалада бўлишди. Эри кўчага чиқиб, ширмой нон ва пашмак келтириб, очиқ чеҳра билан дастурхонга қаранглар деб қўйди. Хотини эса "намунча бозордан қайтган эчкидек ишшайсиз" деб хоҳолаб кулди. Шунда келиним гапга аралашиб, адамларни эчкига эмас, ҳўкизга ўхшатсангиз мос тушади, деди. Уччовлари биргалашиб роса кулишди.

Келиним кўтаринки руҳда менга қараб:

– Ойижон, улар бир-бирлари билан ит-мушукка ўхшаб уришсалар ҳам хафа бўлишмайди, – деди.

Келинимнинг онаси деди:

– Қудажон, шуни яхши тушуниш керакки, одам оғзига келган гапни яхшими ёки ёмонми ичига ютаверса, дардга чалинади. Шунинг учун бизнинг хонадонимизда кўнгилдаги гапларни ошкора айтиш расм бўлиб қолган. Биз бир пастда ит-мушук ҳам бўлаверамиз. Буни ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Сизларга ўхшаб ор-номус юзасидан муомала қилишга сабр-тоқатимиз чидамайди. Қизим ҳам шунақа. Маҳалла аҳли бизларни "шартаки" деб юритишади, бу билан биз фахрланамиз. Эл юрт ичида хоҳ эркак, хоҳ хотин бизга тенг келадигани йўқ. Ҳар қандай манман деганларни ҳақорат қилсакда енгамиз. Бир куни тўйда хотинларнинг биттаси енгмоқчи бўлиб, менга гап отди. Бир-биримизни қарғашга ўтдик. У хотин жуда қарғишга уста экан, жавоб айтолмай қолдим. Шу ондаёқ

уни уятли сўзлар билан эркакчасига сўка бошладим. Бунга чидай олмай хотинларнинг ҳаммаси ҳовлига чиқиб кетди, қарасам уйда бир ўзим қолибман. Кўрдингизми қудажон, — деди у, — биз шартакиликдан ўлиб қолганимиз йўқ. Сизлар ҳам юракларингизни сиқмасдан қизимнинг сўзларига эътибор берманглар. Тўғри, бунга одатланмаган кишига осон эмас. Иложини топсангизлар эр-хотин бизникида вақти билан туриб кетсангизлар кўп нарсани ўрганасизлар ёки бўлмаса биз эр-хотин сизларникида туриб устозлик қилайлик. Қайси бир қўлай бўлса, шуни қиламиз. Қизим ҳақидаги гапларингизга жавоб шуки, у ажаб қилибди, оғзига келган гапларни баралла айтиб, юрагини бўшатиб олибди. Яхшиси сизлар унга мослашингиз, шунда бизга ўхшаб эркин ҳаёт кечирасизлар.

Бу ерга келганимга минг марта пушаймон бўлиб, нафратланган ҳолда қудамга:

— Уйдагилар билан маслаҳатлашиб кейин бир фикрга келармиз, — деб кетдим.

Кейин ажралиш ҳақидаги фикримизни уларга билдирганимизда, келиним ота-онаси билан келиб, бизларни ҳақорат қилишди, шовқин-сурон кўтаришди. Қўшнилари уйимизга тўпланишди, бир девор қўшнимиз, шаҳар қозиси ҳам чиқди. Шунча одамнинг юзига оёқ қўйиб, тўполон қилавердилар ва тўхмат тошларини отавердилар. Қози миршаб чақириб, ҳаммамизни қозихонага юборди. Бу ерда келиним ва қудалар бизни ва ҳатто қозини ҳақорат қилишди. Ўғлим хотинини уч талоқ қўйди, қози уларнинг ҳар бирини беш даррадан уришга ҳукм чиқарди. Эрим аралашиб келин билан онасини жазодан қутқарди, эрига эса дарра урилди. Келиним кўхлик ва ишбилармон эди, лскин тили бошини еди.

Эшитишимча, у мусофир йигитга турмушга чиққан. Бу йигит ичкуёв сифатида улар билан яшаб, азоб-уқубатларни бошидан кечирибди. Отаси дарранинг зарбидан касалга чалиниб вафот этибди. Кунларнинг бирида она-бола қишлоққа қариндошлариникига тўйга келишиб, уч кундан кейин қайтишса уйдаги ҳамма нарсаларни куёв шилиб кетибди. У она-болага қуйидаги мазмунда ёзилган бир парча қоғозни қолдирибди:

Ҳой тилим, ҳой тилим
Сендан бўлди вайрон уйим
Ҳой тилим, ҳой тилим,
Сендан бўлди барбод умрим.

Биз ўғлимизни уйлантирганмиз, икки неваралик бўлдик, келинимдан мамнунмиз.

Вазир дебди:

– Шаҳаншоҳим, Замира холанинг сўзларини ҳамма диққат билан эшитди. Тилининг аччиқлиги туфайли хонавайрон бўлган кишилар ҳақида яна бир ҳикоя мавжуд... Гадоё кечки пайтда бир хонадон эшигига бориб тиланчилик қилибди. Бироқ, ичкаридан ҳеч қандай жавоб олмабди. Аллавақт ўтгандан ксйингина ичкаридан:

– Ҳой тилим, сени деб хотинимдан ва фарзандларимдан айрилдим, сени деб азоб-уқубатларга қолдим, – деган овоз эшитилибди.

Гадоё ичкарига кириб, деразанинг тирқишидан мўрала-ласа эркак киши бир нарсани тикаётиб бетиним жоввармиш:

– Ҳой тилим, сени деб сўққа бош бўлдим, эртага эҳтиёт бўлиб, билиб сўзласанг фароғатда яшаймиз, тагин шарманда қилиб қўймагин. Гадоё очлигини ҳам унутиб кузатиб тураверибди. Эркак киши тонг отгунча ўша сўзларни такрорлайвериб ўз тилини огоҳликка чақирибди. Эрталаб у киши тикаётган нарсасини ўраб, кўчага чиқибди, ўзини панага олиб гадоё ҳам унинг орқасидан кетма-кет юраверибди. У сарой эшигига кирганда гадоё соқчига мен унинг укасиман деб ишонтирибди ва ичкарига кирибди. Эркак киши подшоҳнинг хонасига кирибди, орқасидан гадоё ҳам етиб келибди. Қараса хона одамга лиқ тўла, тахтда подшоҳ ўтирганмиш. Эркак киши қўлидаги нарсани ёйиб қўйганда ўтирганларнинг кўзи чақнаб, ҳайратда қолишибди. Маълум бўлибдики, у киши палак тўқишда тенги йўқ уста экан, подшоҳнинг буюртмасига биноан палакни олтин зар ва бошқа қимматли нарсалар билан тиккан экан. Подшоҳ палакнинг гўзаллигига мақлиё бўлиб, устанинг бир йиллик меҳнатини қадрлаш учун ҳазиначисига бир хумчада тилла келтиришни буюрибди. Подшоҳ жуда мамнун бўлганидан устадан палакни тахтнинг орқасидаги деворгами ёки бошқа томонгами осиш ҳақида маслаҳат сўрабди. У палакни қайси жойга осса ҳамманинг кўзи тушади дебди. Уста эса:

– Подшоҳим, палакни ўлганингизда тобутингизнинг устига ёпсангиз яхши бўларди, – дейиши билан ҳаммада нафрат ва норозилик уйғониб шов-шув бўлибди.

Подшоҳ жаҳлдан гезариб:

– Ҳали сен шунақа шум ният билан палакни тикувдингми, аблаҳ, деб сўкинибди. Подшоҳ устани қатл қилишни ва палакни ўтда куйдиришни буюрибди. Шу дам

хазиначи тилла солинган хумча билан келиб, вазиятни кўриб ҳайрон бўлибди. Подшоҳнинг имоси билан уни қайтариб олиб кетибди.

Жаллод устага яқинлашганда гадой ўртага отилиб чиқиб дебди:

– Подшоҳ ҳазратлари, мен тиламчилик билан устанинг уйига яқинлашганимда эшиги очиқ экан. Шу пайтда ичкаридан: – "Ҳой тилим, сени деб хотинимдан ва фарзандларимдан айрилдим, сени деб азоб-уқубатларга қолдим!" деган овоз эшитилди. Таажжубланиб ичкарига кириб ойнадан мўраласам, у киши "Ҳой тилим, сени деб сўққа бош бўлдим, эртага эҳтиёт бўлиб, билиб сўзласанг умрбод фароғатда яшаймиз", – деб ўзи билан гаплашаяпти. Кечаси билан тилига ёлбориб чиқди. Ҳатто бу ерга келаётганда йўлда ҳам тилини огоҳ бўлишга чақирди. Бироқ, тил ўз эгасига хиёнат қилишни давом эттириб, уни тилладан эмас, балки жонидан ҳам маҳрум қилди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Чунки тил шундай нарсаси, у ҳақоратли ва аччиқ сўзларга мослашиб кетса, уни босиб олишга ақл ва ироданинг кучи етмай қолар экан. Буни мен ҳам ўз бошимдан кечирмоқдаман.

Подшоҳ:

– Ўзингни танит – кимсан? – деб сўрабди.

– Мен аслзода сизларга қўшни мамлакатнинг фуқаросиман. Йирик савдогар оиласида туғилиб ўсганман. Отамдан қолган бойликка-бойлик қўшдим, лекин ҳеч кимни менсимай дуч келган одамни ҳақоратлайвердим. Борган сари ашаддий душманларим кўпайиб борди. Улардан бири қароқчиларни ёллаб бойлигимни талаттирди ва уйларим, дўконларимни ёндиришди. Ўзимни қопга солишиб ўлдирилса қийналганлигини билмайди дейишди-да, сизларнинг шаҳрингизга тунда ташлаб кетишди. Шунда бозор қоровули қопни очиб мени қутқарганда, унга:

– Эшакмисан, бефаросат, оёғимни босдинг-ку! – дедим.

У яхшиликка ёмонликми деб мени калтаклади. Шундан буён тиламчилик билан зўрга кун кўриб келаётирман. Вақти билан тил аччиқлигини хумори тутганда садақа бермаганларни сўкаман, улар бўлса:

– Бу кунингдан баттар бўл! – дейишади. Кўпнинг қарғишига қолиб, косам оқармаяпти. Устанинг ҳозирги сўзларидан ҳаммангиз нафратланинглар, лекин шундай бўлиши табиий ҳол эди. Бунинг сабаби шуки, худди шу дақиқада унинг тил аччиқлиги хумориси тутиб, андиша ва фаросатга ўрин қолмади. Бўлмасам, уста туни билан ўз тилига ялиниб-ёлвориб эҳтиётлик билан сўзлашни

илтижо қилган эди-я. Бироқ, устанинг азойи-баданида тил ҳукмронлик қилиб, ўзининг заҳрини сочди. Натижада уста:

– Палак деворга осилса яхши бўларди, – деган оддий гапларни айтолмай қолди. Хуллас, айб устанинг бошида эмас, балки тилида, шунинг учун унинг тилини кесиб ташлаш кифоя.

Уста сўзга аралашиб гадойга:

– Итвачча, ўзинг бор-йўғи тиламчисан-у подшоҳга ақл ўргатасан-а, – деган бўлса, гадой унга:

– Сен итнинг тезагига гапиришни ўзимга эп кўрмайман, – дебди.

Шу тарзда уста ва гадойнинг хумориси тутиб, бир-бирларини ҳақорат қилаверишибди.

Подшоҳ чидай олмай уларга:

– Овозингларни ўчиришлар! – деб бақирганда, уста:

– Тахтда ўтирган лайча, сен ўчир овозингни, – деб жавоб қилибди. Гадой устанинг ёнини олиб:

– Қойилман, бопладинг, подшоҳнинг хотини худди чўчқанинг ўзи-я! – дебди.

Уста ва гадой хонада ўтирган амалдорларни ҳам қоралашга ўтибдилар. Улар ўз қилмишларидан роҳатланиб хахолаб кулибдилар, чеҳралари очилибди ва тетиклашибди. Иккала тили аччиқни оёқ-қўлини боғлашиб зиндонга ташлашибди. Бу ерда уста гадойга дебди:

– Яхшиямки иккаламизнинг хуморимиз бир вақтда тутиб кучайиб кетдики, уларнинг таъзирини шу даражада қаттиқ бердикки, бир умр эсларидан чиқмайдиган бўлди. Сени билмадим-ку, лекин мени кўкрагимдан бамисоли бир челак зардоб чиқиб кетгандай бўлиб роҳатландим.

– Мен ҳам, – дебди гадой, – ич-ичимдан шодландим, ҳукмдор билан юзма-юз олишиш ҳар қимга ҳам насиб бўлавермайди. Подшоҳ биздан эшитган ҳақоратларни ҳеч кимдан эшитмаган, албатта. Бир ўқимишли одам айтган эдики, тили заҳар одамлар қанчалик юқори мартабали кишиларга ёпишса, шунчалик кўп лаззатланадилар. Бу гап тўппа-тўғри чиқди. Иккаламиз бахтли тили аччиқлардан эканмизки, шундай улуғ кунларни кўришга муяссар бўлдик.

Саройдаги нохуш воқеа подшоҳнинг иштирокида кенгашда муҳокама қилинибди. Бунда уста ва гадойни тириклайин кўмиш ёки ёндириш ҳақида фармон берилиши таклиф этилибди. Бироқ, нуфузли кишилардан бири антиқа чоранинг амалга оширилишини сўрабди. У айтибдики, уста тенги йўқ ҳунар эгаси, гадой эса машҳур савдогар бўлган экан. Бироқ улар тили туфайли шу аҳволга тушиб қолибди. Уларнинг тиллари кесилиб ҳунарлари билан

шуғулланишга имкон берилса, ҳар жиҳатдан фойдаси бўларди. Шунини ҳисобга олиш керакки, борди-ю уларга бундай шароит берилса, ҳаётлари яхшиланиб, уйланишлари аниқ. Уларнинг тил аччиқлиги қонидан фарзандларига ўтиши мумкин. Шунинг учун улар бичилса насл бўлмайди.

Подшоҳнинг қўнглига худо раҳм солди шекилли, бу таклифга рози бўлиб, уста билан гадойни бичиш ва тилларини қирқишга ижозат берди. Бу фармон дарҳол ижро этилди. Икки-уч ойдан кейин улар саройга келтирилибди. Бу ерда устага керагидан ортиқ шароит туғдирилибди. Натижада у ажойиб палакларни тўқибди ва ўнлаб шогирдларни тайёрлабди. Унинг палаклари хорижий мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонибди. Бундан хазинага ҳам даромад олинибди. Шунингдек, гадойга ҳам ёрдамчи, хазина ҳисобидан мол ва пул берилибди. У ишни билимдонлик билан юритиб, борган сари бойибди ва хазинага фойда келтирибди. У собиқ ҳамроҳлари – гадойларни унутмай ишга жалб қилибди, уларни уйлантирибди. Ҳафтада икки марта гадойларни овқат билан таъминлаб турибди.

Маълум вақтлардан кейин уста ва савдогар соқовча сўзлашишни ўрганиб ва ўзларининг атрофига соқовларни тўплаб, зиёфатлар беришиб турар экан. Улар шоду-хуррамликда узоқ вақт яшаган эканлар.

Вазир сўзига нуқта қўйиб деди:

– Муҳтарам жамоа, эшитдингларки, тилнинг ёмони кишини ва бутун оилани хароб қилади. Чунки тил аччиқлигининг хумориси қора дорининг хуморидан ҳам баттар бўлади. Уста билан гадойнинг тиллари кесилмаганда гадойчиликда ўлиб кетишлари турган гап эди. Фақат аччиқ тилдан маҳрум бўлгандан кейингина ишлари юришиб кетди.

Баён этилган ачинарли ҳолга тушиб қолмаслик учун ёшликдан тилни одоб-ахлоқ доирасида қаттиқ ушлаб туришга одатланиш лозим.

Сўзга чиққан Ойша хола дебди:

– Олампаҳоҳ, бу ерда гапирган қудалар келинларни ношукурчилиги ёки тили аччиқлигидан куйган бўлсалар, мен келинимнинг қўли "қийиқлигидан" жоним ҳиққилдоғимга келган. Келинимнинг ақли-хуши жойида ҳамда ғайратли. Лекин қилган ишларини кўрган киши "қайси қўлинг сингур буни қилди" деб ҳайратланади. Келиним ишни эрта тонгдан бошлайди. У қумғонга ва сут пишириш учун қозонга олов ёқиш учун қўлига тушган ўтинни ўчоққа қалайверади. У пуфлайвериб ўтни ёқолмаганлиги натижасида ҳамма ёқни тутун босади. У оловни жуда

қийинчилик билан ёндиргандан кейин тутундан қизариб кетган икки кўзини кир қўли билан ишқалайди. Шу сабаб бир неча марта кўз оғриғига учради. У сутни сузаётганда, унинг маълум қисмини ерга тўкиб юборади ёки қўли тегиб хурмачани ағдаради.

Овқатни тайёрлаш жараёнида ҳам келинимнинг қўлини "қийшиқлигини" кўриш мумкин. У сабзи-пиёзни ҳам катта-кичик ва тўмтоқ қилиб тўғрайди. Гўштни ҳам шу ҳолда кесади. Уларни қизиб турган қозонга иргитиб ташлаши натижасида ёғ томчилари унинг юзига ёки қўлига сачраб куйдиради. Келиним ошхонадаги уй-рўзгор асбобларини тўғри келган жойларга қўйиб кетаверади. Натижада пичоқ, теша, ўтин, идиш-товоқ, тезак ва пўчоқ ошхонага ёйилиб оёқ босишга жой қолмайди. Умуман айтганда, келиним бир иш қилганда, ундан кейин йиғиштириб ва тартибга солиш учун бир кишининг кучи етмайди. Идиш товоқларни пеш тушганини пеш юва қолмайди, ҳаммасини қозонга устма-уст уйиб қўяди. Индамасанг, унга пиёлаларни, пичоқ ва сабзитахтани ҳам қўшиб қўяди. Уларни юваётганида идишлар бир-бирига тегиб ярми синади, ярми дарз кетади. кўпинча чала ювилиб, чирк босади. Келинимнинг қўли мутлақо меъёр, ўлчов билмайди, сув, туз, совун керагидан кўп ишлатади. Натижада масаллиқда камчилик бўлмаса ҳам овқатнинг таъми бузилади. Кир юваётганида бўлса, бутун атрофни кўпик қоплайди. Уқуви, ҳаракатда меъёри бўлмагани учун анча-мунча уй-рўзгор асбоблари синиб адо бўлди. Ҳатто ўз боласини кўтараётганда ёки белаётганда, албатта, бирон ерини бирон жойга теккизиб оғритади. Яшириб нима қилдим, ҳатто ўз боласи туққан онасидан зириллайдиган бўлиб қолди. Келиним кийим-кечакни тартиб билан тахлаш ўрнига уларни юмалоқлаб, дуч келган жойга тиқиб қўяверади. Керагида топиб кўринг-чи! Хонасига кирган одам турли буюмларнинг сочилиб ётганидан қадам қўярга жой тополмайди. Боласини бешикка белаганда сумакни тескари қўйган онани кўрганмисиз? Шу менинг келиним. Болани қўлингизга олсангиз шиптиридан кўнглингиз беҳузур бўлади. Келинимнинг қўли тикиш-бичишга мутлақо ярамайди. Бу қўллар супургини ҳам тўғри ушламайди. Оқибатда уй-ҳовли ҳамиша ивирсиқ. Тўпланган ахлатларни вақтида хокандозга олиши – амри маҳол. Аёл деганнинг қўли ҳамма нарсани расамади билан тахлагувчи эди. Келиним бўлса чойнак, коса ва пиёлаларни бир-бирига қалаштириб токчанинг энг четига шартта қўйиб кетиши мумкин. Уларни устма-уст баланд қилиб тахлай-

веради, натижада сал қимирласа бас, ағдарилиб синади. Шу сабабдан бизни уйда идиш-товоқ чидамайди. Қўлга тушган нарсани тўғри келган жойга қўявериш орқасидан ҳовлимизда ва йўлакда теша, болта, арра, ўтин, кетмон, бел, жомашов, челак, қоплар ва бошқа нарсалар сочилиб ётади. Ваҳоланки, уларни қўйиладиган махсус хона бор. Келиним эшикни очиб-ёпишданку юрак олдириб қўйганмиз. Шу даража қаттиқ тарақлайди.

Уйимизда ҳафтада икки марта нон ёпилади. Албатта, уйда хамир қориш, нонни ясаш ва ёпиш билан келиним банд бўлади. Аммо аксарият хамир ё сув кўп солинганидан бўшашган ёки хамиртуришни меъсридан ортиқ бўлгани учун ачиган бўлади. Ясайдиган нонларининг ҳажми бир хил эмас. Улар ё катта-кичик, ё қалин-юпқа бўлади. Нонни тандирдан кўпинча куйдириб узати. Бир кун келинимга нон ёпиб қўйинг, келганимдан кейин тўйга чиқаман деб, меҳмонга кетдим. Қайта туриб дастурхонга ўралган нонни олиб, қўшнимникига тўйга чиқдим. Бир вақт тўй эгаси дастурхондаги тўртта куйган нонга қараб ҳайрон бўлиб турди. Ёнидаги аёл эса нафратланиб:

– Қайси қўлинг сингур ёпган экан? – деди.

Мен қаттиқ хижолат тортдим. Нонни келиним ёпганини, шошганимдан дастурхонни очмай олиб келаверганимга пушаймон қилдим. Бунга жавобан ўша аёл:

– Тўй эгасида қасдингиз борки шундай қилгансиз, – деганда номусдан ўлишга рози бўлдим.

Уйимга келиб дастурхонни очсам, ўзим олиб борган нонларни қайтаришибди. Аламимдан бир неча кун касал бўлиб ётдим.

Келинимнинг қўлидан чой олишга ҳам зириллаб қолганмиз. Чунки пиёла икки қўл ўртасида қўлдан тушиб чой тўкилади. Бундан эҳтиёт бўлиш учун бир куни пиёлани узатиб, чойнакдан куйиб юборақолинг деганимда чойни пиёла қолиб, қўлимга қуйса бўладими!? Қўлим куйиб ишга ярамай қолди. Пичоқни ушлашни ва ишлашни ўргатаётганимда уни қўлимга тиқиб олди. Тандирда нон ёпишни кўрсатаётганимда тирсаги билан бир кўзимга туртиб, анча қийноққа қўйди. Кир ювиш тартибини ўргатаётганимда, қўлини бирданига жомашовга тиққанда уч бармоғим қайрилиб кетди. Бир куни келиним ошхонадан туриб: "Вой-дод ёғ ёниб кетди" деб қичқирганда чопиб бораётганимда, у оёқ остига ташлаб кетган супурга қоқилиб, бурним билан йиқилдим. Шундай воқеа бошқа кунларнинг бирида ҳам юз берди. Келиним бешик тебратаётганида ағдариб юборибди. Шунда боланинг

чирқиллаб йиғлаган овозини эшитиб югурдим. Даҳлизда у ечиб қўйган ковушга қоқилиб, оёғим синди. Натижада оқсоқланиб юрадиган бўлиб қолдим. Ўғлим шамоллаб иситма билан ётганда исириқ соламан деб, хокандоздаги чўғни унинг юзига тўкиб юборибди, юзида тиртиқ қолди. Келинимнинг қўли уқувсизлиги орқасида эрим ҳам жафо чекди. У киши хуфтон намозини ўқиб масжиддан қайта-ётганида йўлагимизда келиним томонидан қўйилган ахлат челака қоқилиб, орқа умуртқаси лат еди, уч ой осмонга қараб ётиб, кўп азоб чекди. Ҳозир у оғир юк кўтара олмайдирган ногирон бўлиб қолди.

Ярим кечада ўғлимни уйдан дод-фарёд овозини эшитиб борсак, танчанинг кўрпаси ёнаятти, ўғлим уни ўчириш билан овора, келиним билан боласи беҳуш ётишибди. Ўғлимга боласини олишни буюриб, биз эр-хотин келинни эшикка зўрға тортиб чиқардик. Шунда у қўли билан бўйнимдан ушлайман деб, қулоғимни шундай чангаллаб тортдики, сал бўлмаса қулоғимдан айрилай дедим. Ўғлим деразадан сакраб тушаётганда йиқилиб боласини эплотмай тушуриб юборди. Шунда боланинг мияси чайқалиб эси пастроқ бўлиб қолди. Аланга ичида қолган уй кул бўлиб тушди, жамики буюмлардан маҳрум бўлишди. Кейин билсак, келиним танчага хокандозда чўғ солаётганида унинг биттасини кўрпачага тушириб юборган экан. Бир кичик чўғдан аланга кўтарилиб, уй ёниб кетди.

Халойиқ, ўргатмадингизми, кўрсатмадингизми дейиши мумкин. Бу айтганларим бошдан кечирганларимизнинг учқуни, холос. Уни ёнимга олиб кўп ўргатдим. Лекин ҳеч фойдаси бўлмади. Уйни ёлғиз ташлашга қўрқиб, ҳамма вақт хавотирда юраман. Қўлнинг уқуви йўқлиги келинимизнинг ўзига ҳам катта зиён етказди, юзи, қўли ва оёғида жароҳат белгилари анчагина. Бир куни келиним:

— Ойижон, дадажон, эржон сизларга кўп ташвиш ва азоб-уқубатларни келтириб гуноҳкор бўлиб қолдим, мени кечиринглар, оёғим қўтлуғ келмади, — деди. Ачинганимдан ичим тирналиб кетди.

— Қизим, — дедим мен, — сизнинг оёғингиз эмас, қўлингиз қўтлуғ келмай, уйимизда жабрланмаган на одам, на ҳайвон, на уй-рўзғор асбоблари қолди. Ҳатто уйимиз кул бўлиб тушди.

— Тўғри, — деди келиним, — бу қўлларим кесиб ташлашдан бошқа нарсага ярамас экан. Бунини келин бўлгандан кейингина сездим. Биласизки, отам ўлиб кетган. Мен, онам ва опам билан биргаликда яшаб, айбимизни сезмаган эканмиз. Чунки онамнинг, опамнинг ҳам қўллари-

сиз айтгандай – "қийшиқ". Биз бундай қўлларга ўрганиб кетган эканмиз. Шу сўзларни айтиб келиним боласини кўтарди-да хўнграб йиғлаб хайрлашди. Биз ҳаммамиз ҳам юрагимиздан ачиндик ва йиғладик.

– Подшоҳимиз, – деб сўзини давом эттирибди Ойша хола, – келиним одам сифатида яхши, қани уни қўлини "қийшиқлигини" тузаттирадиган дори топишга ёрдам берсангиз кўп хурсанд бўлардик.

– Бу ерда, – дебди подшоҳ, – сарой табиби бор, у кишига сўз берайликчи нима деркин?

– Подшоҳ олийлари, – дебди табиб, – одамнинг беш панжаси ақл-идрокнинг бевосита етовидадир. Шунинг учун ақл-идрок нимани буюрса, қўллар шуни кўпроқ машқ қилади, ўшани ўзлаштириб ва такомиллаштириб боради. Шу тарзда кишилар тўқувчилик, тикувчилик, заргарлик, наққошлик, созандалик, кулолчилик, косибчилик ва бошқа турли ҳунарларни ўрганадилар. Ҳунармандлар ишининг сифати ақл-идрок билан қўл панжалари ўртасидаги алоқа даражасига қараб белгиланади. Бу алоқа тобора такомиллашиб борган сари тайёрланган маҳсулот ҳам гўзаллашиб бораверади. Бундай ҳунар эгаларини "қўли гул" деб атайдилар, уларнинг кўпи давлатингиз соясида меҳнат қилиб юришибди.

Пазандалик, нон ёпиш, саранжом-саришталик, тикиш-бичишлик, супуриш-сидириш ва бошқа хилма-хил уй-рўзгор ишлари ҳам ҳунардир, олампаҳоқ. Фақат бу кўпроқ аёллар ҳунари. Шунинг учун ҳам қизларни жуда ёшлигидан шу ҳунарга ўргатилмаса, улар Ойша холанинг келинига ўхшаб "қийшиқ" қўл бўлиб қоладилар. Бу тоифадаги одамларнинг беш панжаси уй-рўзгор ишлари бажариш жараёнида етарли даражада машқ қилинмаганлиги, уқувсизлиги орқасида ақл-идрок билан қўллар ўртасидаги ўша алоқа боғланмай қолади. Худди шу дақиқада чатоқ иш қилиб қўйилади. Шунинг учун ҳам қўли "қийшиқлар" бир ишни бузиб қўйганларида "вой эсим қурсиней" деб қўйишади. Бу ҳолат такрорланавериши орқасидан танага сингиб кетади ва уни тузатиш камдан-кам содир бўлади. Қўли "қийшиқ"ликнинг даҳшатли оқибатларини Ойша холадан эшитдик. Бундай мисоллар ҳаётда кўп учрайди: Мен бу хусусда айрим воқеаларни баён қилмоқчиман.

Қовун сайлида шахзода ўзининг икки ойли севимли хотинига қовунни пичоқнинг учида едираман деб, унинг оғзига эмас, балки кўзига тиқиб юборибди. Хотини ҳушидан кетиб йиқилибди. Бунга чидай олмаган шахзода ўзига пичоқ тиқиб ўлдирибди.

Қўли "қийшиқлар" ўқ-ёй, қилич, найза ва бошқа ҳарбий ҳамда иш қуролларини мўлжалга уролмайдилар. Подшоҳ қуршовда қолганда соқчилардан бирининг душманга отган ўқ-ёйи ўзининг одамига тегиб ҳалок қилади. Подшоҳ соқчини хоинликда айблаб ўлимга маҳкум этади.

Бир иморат устаси бир йигитни шогирдликка олган экан. Бу йигит теша ва болтани мўлжалга уролмай ёғоч ва тахталарни исроф қилибди. Буни устига бир неча маротаба устанинг ва ўзининг оёқ-қўлларини жароҳатлабди. Устанинг жаҳли чиқиб қаттиқ уришибди, ҳатто бир-икки шапалоқ қўйиб юборибди. Бари бир тузалмагандан кейин уни ҳайдаган экан. Хуллас, қўли "қийшиқлар" иш жараёнида бир нарсани уришда, кўтаришда, тортишда, ясашда, пиширишда, отишда, очишда, ёпишда, иргитишда чатоқлик қилиб қўядилар. Булар сиртдан қараганда аҳамиятсиз бўлиб кўринса-да, лекин киши билмас шундай фожеали оқибатлар келтирадики, уни тўғрилашнинг иложи бўлмай қолади. Шу боисдан қўли "қийшиқ" хотинга учраган эркакнинг шўри қуриди деяверинглар. Шунинг учун фарзандларнинг беш панжаси маҳоратини ёшлигидан ошириш ота-онанинг муқаддас бурчидир.

Шундан кейин қайнона Хосият хола сўз олиб дебди:

— Ҳукмдоримиз, мен ёшлигимда онамдан эшитган эдимки, бир эркак киши уйининг эшигини тагида, яъни кўчада "айтганимни қилади, айтмаганимни қилмайди", деб бақириб хотинини ураверибди. Бундан таажжубланган одамлар, ахир айтганингизни қилса нимага урасиз, деб сўраганларида, "мен қачонгача уни қил, буни қил", деб кетидан юравераман, ўзича ҳам бир ишни қилсин-да, деган экан. Буни қарангки, менга шундай келин тушиб қолди.

✓ Келиним оёқ остидаги нарсани тепиб ўтса ўтадики, уни бир чеккага олиб қўйишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Унга ётган ўрнингиз ва уйингизни йиғиштириб қўйинг, дейиш шарт. Акс ҳолда улар сочилган ҳолда ётаверади. Самоварга ўт олдиришдан олдин сув солишни айтмасангиз уни эритиб юбориши ҳеч гап эмас. Қозонда овқат қайнаб турганда оловни пасайтириб қўйинг демасангиз қайнайверириб тамом бўлади. Кирларни думалоқ қилиб, қўли тўғри келган жойга қўяверади, агар уларни ювинг демасангиз ётаверади. Ўғлимга нисбатан ҳам ўз фаросати билан мөҳрибонлик қилмайди. Ҳамма вақт унга, эрингиз келганда салом беринг, қўлидаги нарсаларни дарҳол олинг,

чай тайёрланг деявериб чарчадим. Айтсангиз қилади, акс ҳолда эри кириб келганда безрайиб тураверади. Фурсат келганда қудамга қизининг айбини ётиғи билан тушунтирган эдим, балога қолдим: "Вой қуда, ҳозир келинлар эрининг ва қайноналарини бошида ёнғоқ чақаяпти, тилижағи йўқ келинни олдингиз, минг маротаба шукур қилинг". Ахири бўлмаганидан ўғлим хотинини қўйиб юборишга мажбур бўлди. Шу кунларда уни бошқасига уйлантириш ҳаракатида юрибмиз. Илоҳим фаҳм-фаросатлиси учрасин.

Сўз қайнона Мастура холага берилибди:

– Подшоҳимиз, – дебди у, – гапни чўзиб ўтирмай шуни маълум қиламанки, келинимни кечасию-кундузи фикризикри кийим-кечакда ва пардоз қилишда. У тўйларда ҳам, меҳмонда ҳам ўзини кўз-кўз қилишни жонидан севади. Агар кимдир мақтов сўзларини айтса, у вақтда уни димоғи кўтарилиб ҳеч кимни менсимай қолади. У ўзининг наرخини ошириш учун бошқа аёлларни чеҳрасини ва кийимини масхара қилади. Айниқса, онаси билан ёнма-ён ўтириб қолса авжига чиқади. Онаси ён-атрофдагиларига, "анави келиннинг бурни пучуқ ва кўзи битнинг кўзига ўхшар экан ёки кийинишни билмайдиган бетамиз экан" дейди. Гап орасида ўзининг қизини мақтаб қўяди. Кунлардан бирида бир аёл, усти ялтироқ ва ичи қалтироқ келинлардан худонинг ўзи асрасин, деганда, қудамнинг жон-пони чиқиб, – ҳасадгўйларнинг дастидан яхши кийимда юриб ҳам бўлмади, – деб ғазабланди. Келиним билан онасининг дунёқараши бир хил, иккови қуруқ гўзалликка қаттиқ интилади ва бу йўлда ҳеч нарсадан тоймайдилар. Улар учун уй-рўзгор ишлари, одамгарчилик, камтарлик, андиша ва эрга меҳрибонлик кўрсатишнинг унчалик аҳамияти йўқ. Ҳозир шу тарзда яшаб турибмиз. Менимча, у бизга келинликка ярамак керак.

Ниҳоят сўз қайноналардан куйган келинларга берилди. Улардан бири Офтобхон деди:

– Улуғ подшоҳимиз, мен уч овсин билан бир хонадонда яшаймиз. Қайнонамиз ҳали бақувват ва тетик. У бизларни тинимсиз ишлатади. Лекин ҳеч мамнун бўлиб дуо қилмайди. Умуман, у яхши гапларни ва меҳрибончиликни билмайди. Қайнонамизнинг назарида бутун оила фақат унинг кўрсатмалари асосида иш юритиши шарт. Эрта тонгдан, то кеч тунгача келинларни ёмонлайди, эрларимизга ёлғон-яшиқларни айтиб уриштиради.

Қайнонамнинг оғзи коски бўлиб, қарғашни устаси. У қайнотамни, ўғлини, келинларни ва болаларимизни шун-

дай сўзлар билан қарғайдики, асти қўясиз. Улар, нимаики қилсам ҳақим бор, негаки онаман, дейдилар. Бугунги сўзга чиқишимдан мақсад шуки, бўлажак қайноналар келинларини ўз фарзандларидек кўриб уларга ғамхўрлик, меҳрибонлик ва мурувват кўрсатиб, яхши томонини оширса ва ёмонини яширса кўп улуг иш бўларди. Тўғри, бундай муносабатни тушунмайдирган ва қадрига етмайдирган келинлар бор. Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, қайнона ва келин бир-бирлари билан муроса қилиб яшасалар бахтга эришадилар.

Бундай оилалар бизнинг орамизда йўқ эмас, – сўзни келин Ойпарча олиб дебди, – подшоҳимиз, мен катта оилага келин бўлиб, яхши ҳаёт кечирмоқдаман. Қайнонам, қайнотам, эрим ва қайнсингилларим билан умумий тил топганман. Улар кўпчилик бўлганлиги учун мен ҳар жиҳатдан уларни феълига ва турмуш тарзига мослашдим. Шу равишда мен уларнинг келини эмас, балки чинакам фарзанди сифатида ўзимни ҳис этдим. Имкони борича, ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдим. Аввало қайнонам, қайнотам ва эрим ҳақида бирорта гапни ота-онамга етказмадим, яъни чақимчилик қилмадим. Ўзингиз биласизларки, майда-чуйда гапсиз ва келишмовчиликсиз хонадон йўқ. Одатда келинлар буларни ошириб-тошириб, ота-оналарига етказиб, уларни қиздирадилар ва ўртага совуқчилик туширадилар. Бу ўзаро борди-келдини ва ҳурматни аста-секин йўққа чиқаради. Шундай воқеалар содир бўлганки, келинлар кейин эри, қайнонаси ва қайнотаси билан аҳил бўлиб кетган. Лскин ота-оналар ўртасидаги совуқчилик қолаверган.

Бироқ арзимаган гап билан, қолаверса гап талашиб, оилаларда эр-хотин ажралиши ҳоллари ҳам кўп юз беради. Аксарият ҳолларда бу фожеанинг асосида келинларнинг сабр-қаноатсизлиги ва чақимчилиги ётади. Бунда нодон ота-оналарнинг ҳам айби бор, албатта. Улар ўз қизларининг чақимчилигига ишониб, уни "зулм ва адолатсизлик" дан қутқарамиз, деган фикрда, учқунга керосин қуйиб, аланга олдиртиради. Келинлар – ҳар икки томон ота-оналарининг ўзаро яхши муносабатларини таъминловчи асосий кучдир. Улар бамисоли дарёнинг икки қирғоғини бир-бирларига уловчи кўприқдир.

Бахтли турмушимизда, айниқса онамизнинг хизматлари катта. Улар бир гап бўлса, бизни эмас, куёвларининг ёнини оладилар. Куёвларни ўз ўғилларидек кўриб қафтларида кўтариб юрадилар. Онам бизга, сувни тегирмон безади, қизни она бузади, деган мақолни кўп айтадилар.

Онамиз кўпинча куёвлар ҳақида шундай дердилар: эркак бачкана, лапашанг ёки қўрқоқ, бетайин бўлса, оила мустаҳкам бўлмайди. У ўзини шундай тутиши керакки, ҳамма ундан ҳурмат ила хайиқадиған бўлсин. Эркак хотин ва болалар ўртасида андиша пардаси туриши лозим. Буни ҳар қандай шароитда кўз қорачигидай сақлаш керак. Эркак фақат ўзининг жасоратлиги, қатъийлиги, сахийлиги ва тадбиркорлиги билан ўз хотинини қўлида қаттиқ ушлаб туриши мумкин. Эркак – сиёсатда, хотин – одобада, деган мақолни унутмаслик керак. Бошқачароқ айтганда, эркаклар том маъноси билан эркакча хусусиятга эга бўлиши шарт. Шундагина аёллар ва фарзандлар унга умид билан қараб таянадилар. Акс ҳолда уни оиладагилар менсимай қўядилар.

Бир девор қўшнимизнинг қизи билан бирга ўсганмиз. Унинг отаси бадавлат савдогар бўлганлиги учун қизини уч келинга қилинадиган мол-мулк билан узатди. Тўй ҳам жуда дабдабали ўтган эди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас савдогар мени отамга дебди:

– Қўшни биласизки, уч қизни қанчадан-қанча моллари билан узатдим, куёвларнинг ҳам ҳурмат-иззатини жойига қўйдим. Бироқ, куёвларим оқибатсиз чиқиб, бизникига деярли қадам босмайдиган бўлишди. Ҳатто хотиним оғир касаллигида ҳам хабар олишмади. Сизнинг куёвларингизга ҳавасим келади. Улар сизларга жуда ғамхўр ва меҳрибон. Ваҳоланки, тагин ҳасад ва таъна қиляптилар деб ўйламанг, сиз қизларингизга ва куёвларингизга мен қилган нарсаларни юздан бирини ҳам қилмагансиз. Мени қизиқтирадиган нарса шуки, нима учун биз бундай аҳволга тушиб қолдик?

– Қўшни, – дебди, – отам, – биз иккимиз ака-укадаймиз, сизнинг қизларингизни ўзимнинг фарзандимдек ҳурматлайман. Қулоғимга чалинган гапларга кўра, қизларингизнинг учалови уй-рўзгор ишларини яхши билмасликлари орқасида эрларидан ва қайноналаридан таъна сўзларини эшитишар экан. Бироқ улар бунинг сабабини ошкора қидмай хотинингизга, эримиз ва қайнонамиз золим экан, қийналиб кетдик, дейишар экан. Хотинингиз эса уларнинг ҳар бириникига икки уч маротаба бориб, куёв ва қайноналарининг дилини сиёҳ қилиб келган. Шундан кейин ҳам қизларингиз пасаймай, аксинча гап ташишни авж олдиришган. Бу воқеалар сиз хорижий мамлакатга кетган вақтда содир бўлган эди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, шунча совуқчиликдан кейин куёвлар қайси кўз билан қайнона-сига қарайди. Эшитишимга қараганда, хотинингиз уларни

"зоти пастлар" деб ҳақоратлаган. Савдогар бу сўзларни эшитиб фиғони чиқиб уйига кириб дебди:

– Ойиси, келганимга икки-уч ой бўлди, қудалардан ва куёвлардан бирортаси хабар олмади. Ўзи нима гап?

– Иккимиз қизларни узатишда адашдик. Улар нобоб жойга тушиб азоб-уқубатда яшамоқдалар. Ҳатто, қизларингиз, агар бизларни золимларнинг панжасидан қутқармасанглар ўзимизни ўзимиз ҳалок қиламиз, дейишганда қўрқиб қудаларникига боришга ва танбеҳини беришга мажбур бўлдим. Кўнглингиз ранжимасин деб, сиздан яшириб юрган эдим.

– Наҳотки, дебди савдогар, – қизларингни ишёқмаслигини била туриб уларни ҳимоя қилсанг, ким айтади сени мусулмон деб. Ўзинг қизларингни, ҳатто мошхўрдани пиширолмаслигини ва ўта маҳмадоналигини яхши биласан-ку?! Сенга аллақачонлар қизларни уй-рўзғор ишларига ўргат, деб айтган эдим. Келининг ишни ўрнига қўйолмаса жиғи-бийрон бўлиб уришасан, қизларингнинг эса айбини яшириб ёнини оласан.

Шунча гапдан кейин ҳам хотини бўш келмай қизларини оқлайверганда савдогар ўзини тутолмай уни оғзибурнига уриб юборибди. Икки кундан кейин хотин ўзига келиб эридан узр сўрабди. Савдогар билимдонлик билан муомала қилиб куёвлари ва қудалари билан муносабатни тиклабди. Унинг хотини ҳам инсофга кириб ва айбни қизларига қўйиб, уларни тўғри йўлга солибди. Шундан кейин қизлар ҳам ўзларини ўнглаб бахтли ҳаёт кечирибдилар. Бу воқеалардан хабардор бўлган отам шундай шёър ёзди:

Сувни тўғри йўлга солар изи,
Онасини яхши кўрсатар қизи.

Дарҳақиқат, келин қанчалик одобли-ахлоқли бўлса, унинг онасига куёвларда ва бошқа одамларда шунчалик ҳурмат-иззат ошади.

Ойпарчадан кейин вазир йиғинга якун ясаб дебди:

– Шаҳаншоҳимиз ва сўзга чиққан жамоа аҳлининг берган маълумотига кўра, оиланинг барбод бўлишида кўпинча келинларнинг ношукурчилиги, тили аччиқлиги, қўли "қийшиқ"лиги, ишёқмаслиги, чақимчилиги ва бошқа салбий хусусиятлари сабаб бўлади. Бунда келинларнинг оналари уларни тўғри йўлга солиш ўрнига кўр-кўрона ёнини оладилар ва уриш-жанжалларни авж олишига кўмаклашадилар. Келин ва оналар ўз нуқсонларини туза-

тишдек осон иш ўрнига, қайсарлик қилиб, ўзларини ўтга урадилар. Оиланинг хонавайрон бўлишида қайноналарнинг ҳам катта ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Афсуски, ҳеч нарсани тушунишни хоҳламай, "ҳамма нарсани ўзим биламан ёки бошимни эгмайман", дейдиган қайноналар топилади. Бу ҳақда бизда анча-мунча маълумотлар мавжуд. Ҳатто ўзларининг қилган ишларига минг пушаймон бўлган қайноналар билан суҳбатлашдик. Уларнинг орасида келини билан ноилождан муроа қилмб яшайтганлар ҳам бор экан. Мана улардан бири нима дейди, қулоқ солинг:

— Келинлик вақтимда қайнонамга азоб берганимда, у менга, қилган ёмонликларинг келин кўрганимда ўзингга қайтсин, деб кўп қарғаган. Келинлик бўлганимда қарасам у таъзимни берадиган. Қайнонамнинг қарғиши рўёбга чиқишидан кўрқиб, келиним нима деса кўниб юрибман. Бамисоли унинг хизматкори бўлиб қолдим. Эшитиб қолмасин деб уни ҳеч кимга ёмонламай, нуқул мақтайман. Ваҳоланки ичим ёниб ётибди.

Тажириба шуни кўрсатдики, хотиннинг яхшиси эркакни кўкартиради, ёмони эса қурилади. Шуни айтиб ўтиш лозимки, оиланинг барбод бўлишини фақат аёлларга боғласак адолатдан бўлмайди, албатта. Шундай эркакларни кўрдикки, улар ўзларининг зиқналиги, кўрселиги, меҳрибонсизлиги, дангасалиги ва бошқа ярамас хусусиятлари билан гулдай хотинларини хўрлаганлар.

Айтиб ўтиш лозимки, суҳбатда бир келин ҳеч рашк қилмаслигидан нолибди. Бу шуни кўрсатадики деди у, — эрим мени юрагидан севмайди. Кечасию-кундузи шуни ўйлаб азоб чекаман. Дарҳақиқат, эркакнинг ўз хотинига рашксизлиги яхшилик белгиси эмас. Маълумки, рашк ҳайвонот дунёсида ҳам мавжуд. Бу бежиз эмас, албатта. Фақат чўчқада рашк бўлмайди, деган ибора юради. Бошқа келин эса эрининг ўта рашклигидан нолиди. Менимча, рашксиз ҳаёт ширин бўлмайди, лекин у меъеридан ошиб кетмаслиги керак. Акс ҳолда у фожеа билан тугалланади.

Подшоҳ йиғиннинг эртасига кенгаш ўтказиб дебди:

— Йиғинда шу пайтгача эътибордан четда қолган ҳаётини масалалар ҳақида бой тушунчага эга бўлдик. Менимча, масжидларда, тўйлар, чойхоналар ва бошқа жойдаги йиғинларда улар оммалаштирилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

МУНДАРИЖА

Фарзандларингиз соғлом ва ақлли бўлсин десангиз	3
Хушмуомалалик — ярим бахт	14
Олган тупроғинг олтин бўлсин, болам	16
Аввал адаб	20
Тенгсизлик оқибати	23
Кишининг дўсти ким экан?	24
Сабр таги олтин	25
Қабристондаги ибратли суҳбат	26
Боғи борнинг донғи бор	29
Қўй мижозлик	31
Қарамликнинг оқибати	34
Қўй оғзидан чўп олмаган йигит	36
"Бо нияти шифо"	39
Қарилик фазилатлари	41
Учқундан аланга	44
Ҳасадгўйнинг тақдири	47
Абу Али ибн Сино ва миршаб суҳбати	51
Сунъий кайфият	53
Подшоҳнинг ўлими	56
Наҳорги ошнинг фазилатлари	57
Умр тарозиси	60
Тоғ маликаси	62
Келинлар, қайноналар, қудалар хусусида	85

ҲАМИД ЗИЁЕВ

БАХТЛИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ ...

(Ибратли ҳикоялар)

Қомуслар Бош таҳририяти

Тошкент-1995

Мусаҳҳиҳа **Лола Расулова**

Бадий ва техник муҳаррир **Асомиддин Бурҳонов**

Теришга берилди 03.10.94. Босишга рухсат этилди 25.12.94. Қогоз
бичими 84×108 $\frac{1}{32}$. Нашриет-ҳисоб табағи 5,0. Тираж 50000. Буюртма
№4 Баҳоси шартнома асосида.

Қомуслар Бош таҳририяти.

Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тошкент картография фабрикасида босилди,

Тошкент, 700170, Полковник Асом Муҳиддинов кўч., 6-уй.